

SOHIBQIRON YULDUZI



Соҳибқирон юлдузи

№ 2 (32) 2018 йил.

***“Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonmiz, bizkim - millatlarning eng qadimi va eng ulug‘i Turkning bosh bo‘g‘inimiz!”
Sohibqiron Amir Temur***



**Темурбек Саййид Баракадан давлат
рамзларини қабул қилмоқда**

...буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



SOHIBQIRON

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-маърифий журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
проф. Муҳаммад Али
проф. Убайдулла Уватов
проф. Поён Равшанов
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
ф.ф.д. Нафас Шодмонов
Тулқин Ҳайит

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Шерали Панжиёв

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.I.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилмиз:

Қарши шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.
Телефон: 221-09-46. 91.466-80-32

Теришга 10.04.2018 йилда берилди.

Босишга 3.05.2018 йилда рухсат

этилди. 5.05.2018 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табоқ.

Адади 1700 нусха. Буюртма № 160

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Қарши шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 22 -уй.

Электрон манзилмиз:

sohibqiron-jurnali @mali.ru

УШБУ СОНДА:

Бугуннинг нафаси

«Президентимиз даъватлари».....4

Ифтихор

Зафар РЎЗИЕВ «Қашқадарё- Амир Темурга
бешик бўлган юрт».....8

Тадқиқот

Акмал САИДОВ, «Хуан Хосе Арреола - адиб,
масалчи ва актёр».....14

Абдурахим ЭРКАЕВ,

«Эрк ва Ватан куйчиси».....35

Сайфулла ТУРСУНОВ, « Амир Темур сиёсий

ҳокимиятини мустақкамлашда Сурхон

воҳасининг ўрни».....53

Санжар ЧОРИЕВ, «Ақл ва унинг оқиб

кетиши муаммоси».....63

Нигора МАҲМУДОВА «Синтагма ҳақида

баъзи мулоҳазалар».....92

Тулқин ХУДОЙҚУЛОВ, «Қўқон хонлиги

ҳукмдорлари наслини темурийларга

боғланишининг легитимлаш усули

(тарихий манбалар асосида).....101

Жавоҳирот

Лазиз ХОЛОВ, «Китоб - бебаҳо неъмат».....31


Руҳият сурати

Муҳаммад ЮСУФ, «Эл қўлласин энди бу юрт
эгасин».....41

YULDUZI

2018 йил № 2 (32)

2018 йил – Фаол тадбиркорлик,
инновацион гоълар ва
технологияларни қўллаб-
қувватлаш йили



Журнал таниқли
шоир, маънавият
жонқуяри (марҳум)
Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан
ташкил этилган.
2010 йилдан буён
чоп этилади.

Тарих

Поён РАВШАНОВ, «Темурийлар силсиласи».....	26
Анатолий САГДУЛЛАЕВ, «Бағрикенгликнинг тарихий илдиълари».....	39
Дўстмурод НОРҚУЛОВ, Суҳроб Норқулов, «Сиёсий онгдаги ўзгаришлар ва миллий ўзликни англаш».....	68
Наби ХУШВАҚТОВ, Улуғбек ОЛИМОВ, «Қадимий Кеш шаҳри ва Темурбекнинг ёшлиги».....	74
Абдуматлуб НИЗОМОВ, «Хожайи Жаҳон - дунё ақлининг шири».....	78
Акрам ҲАСАНОВ, «Амир Темур ва темурийлар даврида мадраса таълими тизими».....	84
Шерзод ИСКАДАРОВ, «Амир Темур даврида Ўрта осийга арабларни кўчиб келиши билан боғлиқ фикр мулоҳазалар».....	89

Жаҳоний жавоҳир

Хуан Хосе Арраола, «Обрў», «Маҳкум», Гулом МИРЗО таржимаси.....	21
Ҳайнрих БЕЛЛ, «Хайрлашув», (Немис тилидан Шаҳноза Қувонова таржимаси).....	108
Уилькинс ФРИМЕН, «Янги Англия роҳибаси», (Инглиз тилидан Чаросхон Самадова таржимаси).....	113



O'ZBEKISTON PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYOEVNING DA'VATLARI

"Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз".

* * *

"Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз".

* * *

"Буюк келажагимиз бугундан бошланади"

* * *

"Ватанбиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик"

* * *

"Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамыз".

* * *

"Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган шу халқ. Барчамизга туз- насиба берган ҳам-шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак-одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак, аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади".

* * *

"Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиш керак".

* * *

«Талабчанлик, тартиб - интизом, масъулиятни кучайтириш- ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашнинг асосий омилдир».

* * *

"Баландпарвоз гапларни четга суриб, амалий натижаларга эришиш лозим".

* * *

"Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур".

* * *

"Барча даражадаги раҳбарлар бир мақсад-халқ розилиги йўлида меҳнат қилиши лозим.

* * *

"Иқтисодий ислохотлар мамлакат ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади".

* * *

"Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир".

* * *

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади".

* * *

"Инсон манфаати ҳар нарсадан устун".

* * *

"Ҳар давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт".

* * *

Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови".

* * *

"Адолат -қонун устуворлигида"

* * *

"Адолат ва маънавият ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир".

* * *

"Ўзимизга ўзимиз хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган марраларимизга албатта етамиз".

* * *

"Халқимиз биздан қонун ва адолат устуворлигини амалда таъминлашини кутмоқда".

* * *

"Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш- барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти".

* * *

"Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди".

* * *

"Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо ҳоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади".

* * *

"Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодларидан авлодларига қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналашларидан биридир".

* * *

"Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз".

* * *

"Инсон қадрли улуг, хотира муқаддас".

* * *

"Таълим ва маърифат- тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл".

* * *

"Аёл бахти - халқимиз, жамиятимиз бахтидир".

* * *

«Миллий гоя нимага керак? Ватанни севиш учун керак»

* * *

Улуг ижодкорлар меросини халққа етказиш ватанпарварликка катта таъсир кўрсатади».

* * *

«Таълим тарбия сифатини янги босқичга кўтаришимиз керак».

* * *

"Маънавий таҳдидларга қарши курашни кучайтириш керак".

* * *

"Курашга тайёр турган, курашган одам ютади".

* * *

"Жаҳолатга қарши маърифат".

* * *

"Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар-бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир"

* * *

"Жисмоний ва маънавий ёшлар-эзгу мақсадларимизга етишишда таянчимиз ва суянчимиздир"

* * *

"Фарзандлар тинчлиги ва уларнинг бахту камол-жамиятнинг энг катта бойлиги".

* * *

«Майли, тажрибаси камроқ бўлса ҳам миллатни, мамлакатни севадиган ёшлар керак».

* * *

"Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур".





QASHQADARYO- AMIR TEMURGA BESHIK BO'LGAN YURT

"2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга бўлган Қашқадарё замини бизга Яратганнинг марҳамати билан ато этилган бебаҳо ва буюк заминдир"
Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида Қашқадарёнинг салмоқли ўрни бор. Вилоятда 50 та йирик саноат корхонаси, 57 қўшма корхона, 14 минг 960 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, 20 минг 333 та фермер ва 19 минг 917 та деҳқон хўжаликлари фаолият юритмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури асосида вилоят ҳудудий дастури ишлаб чиқилди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 29-31 январь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан Республика вазирликларига, маҳаллий ҳокимият ва хўжалик органларига кўплаб зарур топшириқлар берди. Шунингдек, вилоятнинг туризм салоҳияти ва мавжуд ноёб тарихий-маданий меросидан самарали фойдаланиш, тарихий меъморий ёдгорликлар ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Чунки воҳа мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий, шунингдек, маданий ҳаётида ҳам улкан аҳамият касб этиб келган ва ҳозир ҳам бу салоҳият сақланиб қолган.

Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги кўҳна сардобалар ўлкаси-Қашқадарё воҳасининг ҳар бир қарич ери муқаддасдир. Агар жаҳон харитасига назар ташласак, 2700 йиллик шаҳарлари бор давлатлар кам. Дунёда иккита 2700 йиллик шаҳарлар - Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) воҳамизда жойлашган. Ўрта асрларда Туркистоннинг

тўртта ҳадис илмининг марказларидан бири ва саккизта мадина мақомини олганлардан бири ҳам Насаф ҳисобланади.

IX-XII асрларда Туронзаминда 3000 мингдан зиёд таниқли муҳаддислар, жумладан Самарқандда - 1000 нафардан зиёд, Бухорода - 600 нафардан ортиқ, Насафда - 400 нафардан зиёд, Шошда - 70 нафардан зиёд, Фарғонада - 60 дан ортиқ, Кешда - ҳам 60 нафардан зиёд, Хоразмда - 40 нафардан зиёд ва бошқа қўшни минтақаларда ҳам кўплаб олиму фузалолар самарали фаолият юритган.

Насафда ўз вақтида ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, тасаввуфнинг буюк намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд таълим олган. X асрда Насафда халқаро илмий анжуман - "мажлиси тадрис" ўтказилган. Бу йирик шаҳарда ўша даврда ал-Қаллос деб аталган "Олимлар уйи" самарали фаолият юритган. Бу маърифатли масканда Нахшабий, Насафий, Паздавий, Касбавий, Офуроний, Баладий, Субаҳий каби тахаллуслар билан кўплаб олиму фузалолар самарали фаолият юритган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февралда кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифларида воҳадан етишиб чиққан буюк алломалардан бири Абу-л Муъин ан-Насафийнинг бой илмий маънавий меросини чуқур ўрганиш юзасидан ўз тавсияларини берган эдилар. Абу-л Муъин ан-Насафий (1027-1114) мотуридия таълимотининг энг йирик намояндаси ҳисобланади. Республика Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 18 апрелда калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк донишманд "Абу-л Муъин ан-Насафий бой илмий маънавий меросини чуқур ўрганиш, халқимиз ва жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш тўғрисида" фармойиш қабул қилди. Насафий мақбараси ободонлаштирилиб, унинг номида ақида мактаби ташкил этилди.

Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида Қарши ва Шаҳрисабз қиёфаси тубдан ўзгарди. Шаҳрисабз (Кеш) шаҳрининг мақоми кўтарилиб вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилди. Шаҳарнинг тарихий обидалари қайта таъмирланди. Сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилиб, хизмат кўрсатиш даражаси халқаро стандартлар даражасига етказилмоқда.

Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри "Қуббат ул-илм вал-адаб" ("илм ва адаб қуббаси") нисбаси билан муҳрланган. Шаҳарда жами 39, жумладан Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган 18 меъморий обида мавжуд. Шашмақом маркази, болалар мусиқа ва санъат мактабида ва шаҳарга келадиган хорижий сайёҳларга ўзбек мумтоз санъатидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. Вилоятда бугунги кунда 1311 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Шу рақамнинг ўзи Қашқадарё туризм соҳасида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

«Qashqadaryo- Amir Temurga beshik bo‘lgan yurt»

Вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Шуларни ҳисобга олган ҳолда 2017–2018 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ҳудуднинг йирик туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида жорий йилда 12 тарихий-маданий объектни қайта тиклаш ва таъмирлаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, меҳмонхона, ресторанлар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация қилиш режалаштирилган.

Экотуризм йўналиши бўйича тоғ ва тоғолди ҳудудларида сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча шароит яратилган. Агротуризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Китоб тумани тоқзорларида "Вино дегустацияси"ни йўлга қўйиш, экстремал туризм соҳасида Муборак тумани чўлларида квадроциклларда сафар уюштириш, тарихий-маданий туризм соҳасида Шаҳрисабз шаҳри тарихий марказида "Зафарли юриш" ва "Шоҳ базми" театрлаштирилган томошаларини мунтазам ташкил этиш мўлжалланган. "Афросиёб" тезюарар поезда қатновини Шаҳрисабзгача йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилида бир марта Халқаро мақом санъати анжуманининг ўтказилиши белгилаб берилди. Мазкур қарорига кўра Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва марказ ташкил этиш кўзда тутилган. Айни пайтда шаҳар маданият саройини капитал таъмирлаш, Оқсарой майдонидаги Мақом маркази ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелдаги «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра жорий йилнинг 6–10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида биринчи Халқаро санъат анжуманини ўтказилиши барчамизга гурур, ифтихор ҳамда катта масъулият ҳам юклайди.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиётини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати барпо этилди ва шоиримизнинг кўркем ҳайкали қад ростлади.

Бу юртни жаҳонга машҳур этган энг буюк зот Соҳибқирон Амир Темур ҳисобланади. Унинг оламшумул ишлари айнан ўз Ватани Қашқадарёдан бошланган. У 150 йил мўғул истилосида бўлган Ватан

озодлиги учун курашди. 1370 йилда Чигатой улуси хукмдорлигини қўлга кири-тиб, бутун халқни би-рлаштирди. Ягона марказлашган давлат барпо қилди. Миллий гурур тикланди. Ўзбек халқининг ривожланиш босқичи Амир



Темур туфайли янги босқичга кўтарилди. У ўзининг миллий манфаатларини англаб, уларга шахсий ва табақавий, уруғ-қабилачилик манфаатларига нисбатан устуворлик берди. Она тилимиз араб ва форс тиллари қаторида давлат мақоми касб эта бошлади.

Темурийлар даврида ўзбек тилининг ривожланишига бир мисол сифатида Британия музейида сақланаётган Мирзо Улуғбекнинг сув ичадиган нефритдан ясалган пиёласига ўзбек тилида (форс ёки араб тилида эмас, айнан ўзбек тилида) "Карамиддин Хўжа Насриддин Румийнинг «Қиссасу-л-Афғоний» деган ёзуви ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек классик адабиёти шаклланди. Соҳибқирон нафақат Турон халқининг озодлиги учун, шунингдек, бугунги Афғонистон, Эрон, Ироқ, Шом, Кавказорти халқлари озодлиги ва адолатли ҳаёт кечириши учун ҳам курашди. Унинг ҳарбий юришларида икки мақсад кўзланган. Биринчидан: ўз мамлакати теварагида хавфсизлик ҳудудини ташкил этиш. Чунки чингизийлар Амир Темур ҳокимиятини тан олмаган ва қулай фурсат келса, қайтариб олиш мақсадида тез-тез ҳужум қилиб турган. Бу ўринда Тўхтамиш, Қамариддин босқинларини эслаш кифоя.

Иккинчидан, қўшни мамлакатларда ё зулм ҳаддан ортиқ кўпайиб, халқ қийналиб қолса, ёки хукмдорининг бошқарув қобилияти паст бўлиб мамлакатда бошбодоқлик, адолатсизлик, талончилик кучайиб кетганда, ўша халқларнинг пешволари Соҳибқиронга хат орқали мурожаат этишган ва юртда адолатни ўрнатиб беришни илтимос қилишган. Бу Амир Темур зиммасига қўйилган ва ҳаётининг асосий мақсадига айланган "Куч-адолатда" шиори билан боғлиқ эди. Амир Темурга 1370 йилда Чигатой улуси хукмдорлиги топширилаётганда "Рости русти", яъни "Куч-адолатда" ёзуви туширилган муҳр ҳамда туғ,

ноғора топширилган эди. Амир Темур уларни қабул қилаётганида Адолатни ва Исломни ҳимоя қилишга қасамёд қилган эди.

Соҳибқирон аслида босқинчи эмас, халоскор эди, бузувчи эмас, қурувчи эди. Амир Темур ва ворислари кўплаб мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, сардобалар, бозорлар, кўприклар, йўллар, каналлар, қалъалар каби турли иншоотларни бунёд эттирганлар. Улар фақат Туркистонда эмас, балки қадами етган хорижий юртларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотлари қурдирган.

Амир Темур давлат ва қўшинни бошқариш қоидаларини, мамлакатни обод қилиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ тамойилларни, ўзининг "Тузуклари"да баён этган. Чунончи шундай ёзади: "Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартурса ёхуд, бирор хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йилда ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар".

"Яна амр қилдимки, хирожни ғалладан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғорилган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосил (учдан) икки ҳиссасини раиятга, (учдан) бир ер ҳиссасини салтанат хазинаси учун олсинлар. Бундан ташқари кузги, баҳорги, қишги ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин".

"Тузуклар"да келтириладики: "Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб (меҳнат қуроли) тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан таъминлансин ва ёрдам берилсин".

Амир Темурнинг ушбу анъаналарини биз бугун ҳам давом эттирмақдамиз. Хусусан фермерларга ерни ўзлаштиришда имконият яратиш, имтиёзли кредитлар ажратиш, сара уруғлар, ўғит билан таъминлаш, лизинг асосида техникалар етказиб бериш Соҳибқирон ишларининг замонавий шаклдаги давомидир.

Ҳозирги пайтда миллий маданий меросимизни асраб авайлаш, ривожлантиришда ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Амир Темур ва темурийлар даври тарихий тажрибаси ниҳоятда қўл келмоқда.

Шу сабабдан Амир Темур таваллуд кунини вилоятимиздаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила нишонласа, ўсиб келаётган авлодга катта ибрат бўлади. Чунки бу фарзандларимизга қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимизни эслатиб, муносиб ворислар бўлиб етишишга

«Qashqadaryo- Amir Temurga beshik bo'lgan yurt»

ундайди. Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти, қолдирган бой мероси миллий ўзлигимизни англашда миллий гуруримизни шакллантиришда, халқимизнинг жипслигини таъминлашда, ҳар бир ишда адолатли бўлишда аҳамияти ҳеч қачон пасаймайдиган мактабдир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев тавсияларига кўра Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги вилоятимизда янада юқори ва янгича, кўтаринки шукуҳда ўтди. 2018 йил 4-7 апрель кунларида "Амир Темур юрган йўллар бўйлаб" Халқаро экспедиция фаолият кўрсатиб, унда ҳаттоки хорижлик сайёҳлар ҳам иштирок этишди. 9 апрелда Соҳибқирон киндик қони тўкилган қишлоқ Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор қишлоғида оммавий халқ сайли ўтказилди ва Халқаро Пресс клуби мулоқоти уюштирилди. Таълим муассасалари, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда кўплаб маърифий тадбирлар уюштирилди.

2018 йил 21-22 апрель кунлари Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур хотирасига бағишланган Президент соврини учун VII Халқаро кураш турнири бўлиб ўтиб, ўттизга яқин мамлакат полвонлари беллашдилар.

Баъзи бир хориж мамлакатларида юртидан чиққан буюк зотларнинг таваллуд кунини миллий байрам сифатида ёки алоҳида норасмий оммавий равишда нишонланади. Шотландлар буюк шоири Роберт Бернс туғилган кунини расмий миллий байрамга айлантирганлар. Лекин норасмий миллий ҳатто халқаро даражадаги байрамлар ҳам мавжуд. Янги йил, Наврўз тантаналари шулар жумласидандир.

Биз, қашқадарёликлар, халқимизга намуна кўрсатиб Амир Темур таваллуд кунини ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, илмий конференциялар ўтказишдан ташқари, ҳар бир оилада нишонласак буюк бобокалонимиз номини, қилган ишларини, "Тузуқлари"ни эсласак миллий



онгимиз ўсишига, жипслигимиз мустаҳкамланишига сезиларли ҳисса қўшган бўлар эдик. Мен вилоятимиз аҳлига жамоатчилигига улуг бобокалонимиз хотирасини ҳар йили 9 апрелда хонадонларда нишонлашни тавсия этаман. Бу оддий Қуръон тиловати ва дуо бўладими, ёки "Тузуқлар"ни оилавий мутолаа қилиш бўладими ёки Соҳибқиронга бағишланган бирор адабий, илмий-оммабоп китоб муҳокамаси бўладими, энг асосийси, Темурбек бобокалонимиз хотираси, мероси ва руҳи фарзандларимиз онги ва қалбидан мустаҳкам жой олсин.



XUAN XOSE ARREOLA- ADIB, MASLANATCHI VA AKTYOR

ЮНЕСКО Бош анжуманининг 2017 йил 30 октябрь - 14 ноябрь кунлари бўлиб ўтган 39-сессияси қарори билан тасдиқланган ЮНЕСКО иштирокида 2018-2019 йилларда нишонланадиган қутлуғ саналар қаторида мексикалик адиб **Хуан Хосе Арреола** таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш кўзда тутилган¹.

Лотин Америкаси минтақасининг дунёга машҳур адибларидан бири, фусункор реализм оқими намояндаси Хуан Хосе Арреола (Juan José Arreola, 1918-2001) аслида Мексика мумтоз адабиётининг ёрқин вакилидир. У 1941 йилдан - Театр нафис санъати мактаби, 1964 йилдан бошлаб эса Мексика Миллий мухтор университети профессори мақомида фаолият юритган. У Мексика адабиётига интеллектуал фантастика жанрини олиб кирган.

Айни чоғда, Х.Х.Арреоланинг асарлари ҳозирги кунга қадар ўзбек ўқувчисига деярли нотаниш эканига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бинобарин, адибнинг **"Ҳарбий қўшин куни"** ва **"Операция"** номли иккита митти ҳикояси испан тилидан **Ваҳоб Раҳимов**² томонидан таржима этилгани ва эълон қилинганидан хабардормиз, холос.

Албатта, ушбу фикрлар нисбий, яъни Х.Х.Арреоланинг бошқа айрим асарлари ҳам ўзбек тилига таржима ва эълон қилинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Биз бу борада алоҳида ва батафсил тадқиқот олиб борганимиз йўқ.

Энг муҳими, агар Х.Х.Арреоланинг ҳикоялари ўзимизнинг ривоят, матал ва масаллар руҳига жуда ҳамоҳанг экани назарда тутилса, ушбу адибнинг ижод маҳсули ўзбек китобхони учун ҳам яқину қадрдон экани яққол кўринади. Шу маънода, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

¹Қаранг:Источник: Решения 201 ЕХ/26 и 202 ЕХ/36: Предложения государств-членов о праздновании памятных дат, в мероприятиях по случаю которых ЮНЕСКО могла бы принять участие в 2018-2019 г.г. / ЮНЕСКО. Генеральная конференция. 39-я сессия, Париж, 2017 г. // 39 С/15. Пункт 4.1 предварительной повестки дня; 24 октября 2017 г. Оригинал: французский.

²Қаранг: Қисқа ҳикоялар туркумидан //http://hordiq.uz/2016/08/31

Х.Х.Арреола ўз эсдаликларида ёзганидек, болалик йиллари жамиятда юзага келган тангликлар туфайли отаси унинг диний ва расмий мактабларда ўқишини давом эттиришига изн бермаган, аксинча, 12 ёшидан меҳнатга жалб этган. Шу тариқа Хуан Хосе муқовалаш устахонаси соҳиби дон **Хосе Мариа Сильва**¹ га шогирд тушиб, кейинчалик босмахонада ишлаган.

Бу ҳақда Х.Х.Арреоланинг ўзи шундай хотирлаган: "Китобга бўлган улғувор муҳаббатим ўшанда бошланган - мен китобларни том маънода қўл меҳнатининг самараси, деб биламан. Китобга қизиқишимнинг бошқа бир қирраси бундан ҳам олдинроқ, яъни мактабдаги муаллимим Хосе Эрнесто Асевеса туфайли шаклланган: устозим дунёда фақат савдогарлар, деҳқонлар ёки ишчиларгина эмас, балки шоирлар ҳам борлигини англаб етишимга сабабчи бўлган. Шу ўринда бир масалага ойдинлик киритишим шарт: менинг бу ёруғ дунёда ҳаммадан кўра билимли отажоним бир вақтнинг ўзида ҳам савдогар, ҳам деҳқон, ҳам ишчи (оз-оздан) бўлгани ҳолда, умрбод ҳеч кимлигича қолаверган, чунки у зот аслида қалбан шоир эди"².

Шу тариқа Хуан Хосе болалик давриданоқ ижод сирларини мустақил равишда ўрганиб-ўзлаштирган. Хусусан, она шаҳри бўлмиш Сапотланд³ яшаб турганида, яъни ўн икки ёшлигидаёқ **Шарль Бодлер**⁴, **Уолт Уитмен**⁵, шунингдек, **Жованни Папини**⁶, **Марсел Швоб**⁷ каби эликдан ортиқ маълум ва номаълум адибларнинг асарларини мутолаа қилиб улгурган.

¹ Хосе Мариа Сильва - ушбу маҳаллий мулкдорнинг шахсини сальвадорлик адвокат ва сиёсатшунос Хосе Мариа Сильва (исп. *Jose Maria Silva*, 1804-1876) ёки испаниялик ёзувчи ва журналист Хосе Мариа Санчес-Сильва (исп. *Jose Maria Sanchez-Silva*, 1911-2002) каби ўхшаш номлар билан чалкаштирмастик лозим.- А.С.

² **Қаранг:** <http://fantlab.ru/autor5363>

³ **Сапотландель Рей**- Мексиканинг Халиско штатидаги шаҳар. Шоир ушбу штатга қарашли Сьюдад-Гусман шаҳарчасида 1918 йил 3 сентябрда туғилган.

⁴ **Шарль Пьер Бодлер** (фр. *Charles Pierre Baudelaire*, 1821-1867) - француз шоири, адабиётшунос, эссеавис ва таржимон, француз ва дунё шеърятининг мумтоз вакили; декаданс ва символизм эстетикасига асос солган бўлиб, бу адабий оқимлар Европа шеърятининг кейинги даврдаги ривожига кучли туртки берган. Унинг 1857 йилда нашр этилган "Ёвузликнинг ранглари" номли тўплами шоирга машҳурлик келтирган энг катта ижодий ютуғи ҳисобланади.

⁵ **Уолт Уитмен** (Walt Whitman, 1819-1892) - америкалик шоир. Ижодида демократия идеалларини мужассамлаштирган. "Манс япроқлари" (1855-91) тўпламига энг яхши асарлари киритилган. Шоирнинг "Янгра, ноғора!" (1865) шеърый тўплами Иккинчи жаҳон урушига бағишланган. У.Уитменнинг шеърятга янги мазмун ва янги шакл зарурлиги ҳақидаги фикрлари "Кўргазма ҳақида қўшиқ" (1871) достонида ўз аксини топган. У дадил новатор бўлган: шеърга прозаик нутқ унсурларини олиб кирган. Вазнесиз ва қофиясиз эркин шеърни янада такомиллаштирган.

⁶ **Жованни Папини** (итал. *Giovanni Papini*, 1881-1956) - италиялик журналист, ёзувчи, шоир, адабиётшунос. Футуризм ва модернизм йўналишларидаги насрий шеърлари, шунингдек, новелла ва эсселари билан танилган.

⁷ **Марсель Швоб** (фр. *Marcel Schwob*, 1867-1905) - француз адиби ва таржимони; символизм оқими намояндаси, масал ва фантастика йўналишидаги насрий асарлари билан машҳур бўлган.

Бу шоирларнинг аксарияти янги, илгор шеърий оқимлар намояндлари, ёзувчилар эса асосан фантаст-адиблар бўлганлари туфайли, бир томондан, уларнинг китоблари Х.Х.Арреоланинг эътиборини ўзига оҳанрабодек тортган бўлса, иккинчи томондан, ана шу адиблар ижодий лабораторияси унинг учун муайян маънода маҳорат мактаби вазифасини ўтаган.

Шу билан бирга, Х.Х.Арреола халқ қўшиқлари, мақоллари ва ҳикматли сўзларини, ўз юртдошларининг ажабтовур шевадаги мулоқотларини ҳам жон қулоғи билан тинглаган ҳамда бу жонли мулоқотларни имкон қадар теран ўзлаштириб олишга интилган.

Хуан Хосе 1930 йилдан кейинги даврда йигирмадан ортиқ касб-ҳунарнинг бошини тутган. Жумладан, маҳсулот ташувчи, солиқ йиғувчи, киракаш, журналист, матбаачи, масхарабоз ва новвой бўлиб ишлаган. Сўнгра франциялик машҳур кино ва театр намояндаси **Луи Жуве**¹ уни боғу роғлар, гулзору хиёбонларга бойлиги учун "Атиргуллар шахри" ва "Гарб жавоҳири" деган номлар билан машҳур бўлган Гвадалахара² дан Парижга олиб кетган.

Маълумки, Луи Жуве 1935 йили "**Агней**" театрини ташкил этган ва 1941 йилда немис фашистлари ишғол қилган Франция ҳудудини тарк этиб, ўз театри жамоаси билан бирга 1944 йилга қадар Лотин Америкаси мамлакатларида ижодий сафарда юрган. Шу маънода, ўшанда Х.Х.Арреола ҳам ҳозир Луи Жуве номи билан аталадиган ушбу театр жамоаси сафида бўлгани табиийдир.

Луи Жуве ҳақида сўз борганда, Х.Х.Арреола "Менинг ҳаётимга янгича мазмун бағишлаган бу инсонни ёд этмаслик адолатсизлик бўлур эди", дея хотирлаган. Хусусан, у Франция пойтахтида ҳам актёрлик билан шуғулланган. Адиб "**Комеди Франсез**"³ театри сахнасида гоҳ кема эшкакчиси, гоҳ Антоний ва Клеопатранинг хизматкори, гоҳида эса Жан Луи Барро ва Мари Бель тасарруфидаги қул образларида ўйнаган ромларини такрорланмас сеҳрли туш сифатида эслаши ҳам буни тасдиқлайди. Айни пайтда у Парижда китоб муқоваловчи ва бошқа турли касбларда ҳам ишлаган⁴.

Энг муҳими, Х.Х.Арреола 1937 йили Франциядан ватанига қайтганидан сўнг қадрдон дўсти **Антонио Алаторре**⁵ ёрдамида нашриётга ишга

¹ Луи Жуве (фр. Jules Eugène Louis Juvet, 1887-1951) - француз режиссёри, театр ва кино актёри.

² Гвадалахара - Мексиканинг пойтахтидан кейинги иккинчи йирик шаҳар, Халиско штати маркази. Шоир 2001 йилнинг 3 декабрида шу ерда вафот этган.

³ "Комеди Франсез" (фр. Comédie-Française) - Франциянинг ҳукумат молиялаштирадиган ва ўз репертуарига эга ягона театри. Париж марказида, Пале-Рояль саройида жойлашган. Қирол Людовик XIV Декрети билан 1680 йилда ташкил топган. Бунга қадар, яъни 1661-1673 йиллари бу ерда Мольер труппаси ижод қилгани туфайли ушбу театр баъзан норасмий тилда "Мольер уйи" деб ҳам юритилади. Театр Устави 1812 йил 3 (15) октябрда Москвада бўлиб турган пайтида Наполеон I томонидан тасдиқланган бўлиб, айрим тузатишлар билан ҳалигача амалдадир.

⁴ Қаранг: Denis Rolland, Louis Juvet et le Théâtre de l'Athènes : "Promeneurs" de r?ves en guerre de la France au Br?sil, L'Harmattan, 2000.

⁵ АнтониоАлаторре (Antonio Alatorre) - актрёп.

жойлашган. Бу ерда уч йил давомида мусахҳиҳ ва муҳаррир мақомида таржима асарлар, қўлёзмалар матни билан бевосита ишлаш жараёнида унинг ўзида ҳам ёзиш иштиёқи туғилган.

Натижада Х.Х.Арреоланинг илк китоби - "Инвенциялар"¹ ("Турли тўқималар") номли ҳикоялар тўплами 1949 йили нашр этилган. Шу маънода, кейинчалик адиб ўзининг 1952 йили нашрдан чиққан "Конфабуларий"² ("Митти масаллар") китобини дўсти А.Алаторрега бағишлагани бежиз эмас. Бу китоб кейинчалик кўп бор қайта нашр этилган, Мексика адабий мукофотида сазовор бўлган, дунёнинг испан тили мамлакатларида кенг доврўқ қозонган.

Х.Х.Арреола асосан Латин Америкаси адабиётида жуда машҳур бўлган масал-ҳикоя жанрида ва парадоксал, яъни ғайримантиқий мавзуларда ижод қилган. Шу боис унинг фалсафий-муаммовий асарлари ҳикоят, ривоят, матал ва масаллар руҳига жуда ҳамоҳанг. Бу ажиб ҳикоялар ҳамиша ҳазил, киноя ва қочиримларга бойлиги, айна шу жиҳатдан, ўзига хос ёрқинлиги билан ажралиб туради.

Х.Х.Арреолага, шунингдек, 1959 йили нашр этилган "Бестиарий"³ ("Тимсоллар талқини"), "Азобли дард қўшиғи" ва "Просодия"⁴ ("Урғу"), 1962 йилдаги "Турфа маталлар", 1971 йилдаги "Палиндром"⁵ ("Телба-тескари") каби китоблари машҳурлик келтирган. Мўъжаз насрий асарлар устасининг ушбу тўпламларидан ўрин олган ҳикоялар ва митти масаллардаги қизиқарли воқеалар бир пайтнинг ўзида ҳам ҳақиқий ҳаётда, ҳам хаёлот дунёсида кечиши билан эътиборни тортади.

Х.Х.Арреола 1954 йилда "Барчамизнинг вақт-соатимиз" пьесасини

¹ **Инвенция** (лот. Invention - ўйлаб топиш, ижод этиш) - полифоник (кўп овозли) пьесага берилган ном. Инвенция прелюдия (пьеса аввалида чолғуда ижро этиладиган кичик муқаддима), фуга (бир мусиқий мавзунинг бир неча овозда изчил такрорланишига асосланган мусиқа асари) турида бўлиб, эркин имитацияли (яъни, эркин қайтариладиган) тўзилишда бўлади. Немис композитори И.С.Бах клавесин учун кўплаб инвенциялар ёзган. **Қаранг:** Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати. - Т.: Фафур Гулом номдаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи, 2015. - 58-бет.

² **Конфабуляция** (лот. confabulatio - мулоқот, сўхбат, вайсаҳ) - сохта ёки ҳаққоний бўлса ҳам айни тилга олинган вақтда юз бермаган воқеалар, далиллар ҳақидаги уйдирма ва ёлғон хотиралар, бошқача айтганда, хотиралар галлюцинацияси. Фикримизча, Х.Х.Арреола китобига ном танлашда шу психологик атама моҳиятидан келиб чиққан.

³ **Бестиарий** (лот. Bestia - жонзот, махлуқ) - Ўрта асрларда зоология бўйича мақолаларнинг расмий-безакли тўплами шундай номланган. Одатда, наср ва назмда битилган ҳамда турли жонзотлар тавсифига бағишланган бу китобларда образ тимсоллар талқини ва ахлоқ-одоб масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бестиарийнинг энг дастлабки намуналаридан бири - юнонларнинг "Физиолог" илмий асаридир.

⁴ **Просодия, просодика** (юнон. prosodia - урғу, товуш, интонация, нақарот) - қадимги давр грамматика ва фонетикасида урғу, аввало, мусиқий товуш бўйича ўтиладиган фан бўлиб, бугунги кунда бу фан соҳалари анча кенгайган. Хусусан, шеъриятда просодия - нутқ, гап, жумла ва сўзларнинг қисқа-узунлиги, улар орасидаги пауза, яъни тўхтам, бўғинлар сони ва товушларнинг унли ёки ундош оҳангига, шунингдек, шеърий жанрдаги вазн ва туроқ каби истилоҳларга доир тўшунчадир. Мухтасар айтганда, просодия - адабиётда шеърий вазн маъносини кўпроқ англатади.

⁵ **Палиндром, палиндромон** (қадимги юнон. - ортга қайтиш, тескари ҳаракат) - ўнгдан сўлга ва сўлдан ўнгга бир хил ўқилладиган сон, бўғин, сўз ва матн. Масалан, "404" рақами, "нон" сўзи. Фин тилидаги "saippuakivikauppias" ("совунгар") сўзи - дунёдаги энг узун сўз-палиндром саналади.

ёзган. Бундан ташқари, адибнинг 1963 йилда нашрдан чиққан ягона романи "Байрам" деб номланган бўлиб, унда ижодкорнинг киндик қони томган гўша мисолида Мексиканинг чекка ҳудудларидаги турмуш тарзи қаламга олинган.

Х.Х.Арреола, бир томондан, Лотин Америкаси минтақаси адабиётининг ўзига хос услубга эга адиби ҳисобланса, иккинчи томондан, туб мексикалик, яъни миллий руҳдаги ижодкордир. Чунки у ҳам инсон, ҳам ёзувчи тимсолида мексикаликлар феъл-атворини теран ҳис этган ҳамда асарларида ўзи мансуб халқнинг ана шу нозик табиатини улкан маҳорат билан тасвирлаган.

Х.Х.Арреола - гайриоддий ёзувчи, ҳатто ёзувчи ҳам эмас, балки актёр, кўзбойлогич, бир сўз билан айтганда, ўз киновий асарларининг бош қаҳрамонидир. Унинг барча китоблари гоҳ кўзбойлогич қўлида тахтланиб қоладиган, гоҳ эса яна ҳавода тинимсиз айланадиган урчуқ, ликопча, оловли ҳалқа каби турфа буюмлардек бир қадар кутилмаган, сержумбоқ ва мавҳум қирралари билан мухлисларни сел қилиб, баъзан эсанкиратиб, ҳатто ўйлантириб қўяди.

Адибнинг ҳамюрти - Нобель мукофоти совриндори, ҳассос шоир **Октавио Паз**¹ таъбири билан айтганда, Х.Х.Арреола учун **"ёзиш, ўйнаш (ижро этиш) ва яшаш - тенг кучга эга воқеликлар эди"**.

Бинобарин, ижодий фаолиятининг бошида профессионал сахнада ўзлигини кашф этган Х.Х.Арреола доимо оммабоп шахс, таниқли актёр, миллионлаб телетомошабинлар орасида шуҳрат қозонган толмас санъаткор нотик, дилкаш суҳбатдош ва шунчаки сўзамол инсон, чечан оқин сифатида намоён бўлган.

Албатта, **"оқин"** - шарқона сўз бўлиб, бу тушунча одатда дoston, қўшиқ ва маталлар айтувчи бахшиларга нисбатан қўлланилади. Гарбча "актёр" сўзи эса бошқа муаллифларнинг асарларини ижро этувчи артист деганидир. Шу жиҳатдан, Х.Х.Арреола ўзи битган ҳикояларни сахнада шеър-қўшиқ каби айтиб бергани учун у айни пайтда нафақат масалнавис, балки масалчи ҳамдир, назаримизда.

Бу ҳақда адибнинг ўзи ҳам: **"Мен ёзувчи эмас, айтувчиман"**, деб

¹ Октавио Паз (Oktavio Paz, 1914-1998) - мексикалик шоир; Нобель мукофоти совриндори (1990). Биринчи шеърый тўплами "Нопасаран" (1936), шунингдек, "Инсон илдизи" (1937), "Сенинг равшан соянг остида" (1937), "Дунё чеккасида" (1942), "Мадҳия мағзи" (1954), "Қуёшнинг тоши" (1957), "Яхлит шамол" (1966) каби тўпламларида миллий лирикани бадий кашфиётлари билан бойитган, ташбеҳларга бой, юксак руҳиятли интеллектуал шоир сифатида намоён бўлган. "Ёлғизликнинг чалкаш йўллари" эссе-китобида мексикаликлар руҳияти, бу юртнинг тарихий ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этган. Мексиканинг Ҳиндистондаги элчиси (1962-64), Гарвард университетининг фахрий доктори (1981), санъат ва сиёсат соҳасидаги бир неча журнал, жумладан, "Плурал" журнаliga бошчилик қилган.

таъкидлаган. Аргентиналик атоқли адиб Хорхе Луис Борхес¹ бир ўринда Х.Х.Арреола билан бўлган мулоқотини шундай хотирлаган: "Устод марҳамат қилиб, суҳбатимиз ора-орасига бир неча сукунат онларини киритиб боришимга ижозат этдилар".

Х.Х.Арреола нима ёзса ҳам "шеъриятдан олиб" ёзган ва дунёни шоирнинг кўзлари билан кўрган, дейди яна бир аргентиналик машҳур адиб Хулио Кортасар². Чиндан ҳам, адибнинг масалнамо митти асарлари ҳикоя жанридан кўра шеърият намуналарига кўпроқ ўхшайди. Х.Х.Арреола ижодини теран тадқиқ этган мутахассислар ибораси билан айтганда, **бу кичик ҳикоялар** - насрдаги назм ёки шеърий проза эмас, балки - **насрда мужассамланган шеърият, демакдир**.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, Х.Х.Арреола ўз асарларини яратишда ҳеч қандай ошқора ва пинҳона тақиқларни писанд қилмаган. Унинг деярли барча ҳикоялари фантастика жанрига мансуб. Ҳозирги кунгача адибнинг атиги иккита китоби - **"Гаройиб ривоятлар"**³ ва **"Танланган асарлар"**⁴ рус тилида нашр этилган. Ушбу китобларда Х.Х.Арреоланинг "Инвенциялар", "Конфабуларио", "Бестиарий" ва бошқа шу каби тўпламлари мужассамланган.

Адибнинг бир қанча ҳикоялари **"Афсунгарлар ривоятлари"**⁵ ва **"Тушлар китоби"**⁶ антологияларида ҳам эълон қилинган. Хусусан, Х.Х.Арреоланинг **"Яратганинг сукути"**⁷ номли ҳикояси дастлабки антологиядан жой олган бўлса, кейинги антологияга **"Туш ҳомиласи"**⁸ деган ҳикояси киритилган.

¹ Хорхе Луис Борхес (Jorge Luis Borges, 1899-1986) - XX аср Лотин Америкаси фусункор адабиётининг машҳур вакили, аргентиналик ҳикоянавис, шоир ва публицист. Ўзининг саргузашт ва детектив хусусиятига эга мухтасар фалсафий ҳикоялари билан ном қозонган. Лотин Америкаси испанзабон шеъриятининг авангардизм оқими асосчиларидан бири. "Соя мақтови" (1969) ва "Йўлбарселар олтини" (1972) номли шеърий ва насрий китоблари, "Броуднинг хабари" (1970) ва "Қум китоби" (1975) номли ҳикоялар тўпламлари, "Қўнғилдаги атиргул" (1975), "Темир танга" (1976), "Тун эртаги" (1977), "Сирли хат" (1981) ва "Фитначилар" (1985) шеърий китоблари, 1940-йилларда ёзишга киришилган "Данте ҳақида тўққиз эссе" (1982) тўплами ҳамда "Атлас" (1984) номли миниатюралар китоби мухлислар қалбидан аллақачон жой олиб улгурган.

² Хулио Кортасар (исп. Julio Cortázar; ҳақиқий исми Жюль Флоренсио Кортасар, (1914-1984) - аргентиналик адиб; шеърларидан кўра назмий асарлари унга кўпроқ машҳурлик келтирган. Адибнинг "Илтиҳон", "Ютуқ" каби романлари, "Таъқибчи", "Мануелнинг китоби" каби қиссалари, "Бошқа бир осмон", "Жанубий шоссе", "Автобус", "Иблис сўлаги", "Истило қилинган уй" каби ҳикоялари жаҳон адабиётига муносиб улуш бўлиб қўшилди.

³ Хуан Хосе Арреола. Фантастические истории. - СПб.: "Амфора", 2000. - 320 с.

⁴ Хуан Хосе Арреола. Избранное. - СПб.: Издательство Ивана Лимбаха, 2007. - 312 с.

⁵ Рассказы магов: антология. - СПб.: "Азбука-классика", 2004. - 784 с.

⁶ Книга сновидений: антология. - СПб.: "Амфора", 2005. - 158 с.

⁷ Хуан Хосе Арреола. Безмолвие Господа Бога // Рассказы магов: антология. - СПб.: "Азбука-классика", 2004.

⁸ Хуан Хосе Арреола. Плод сновидения (перевод С. Корзаковой) // Книга сновидений: антология. - СПб.: "Амфора", 2005.

Х.Х.Арреоланинг бир туркум ҳикояларини шоир ва таржимон Гулом Мирзо русчадан ўзбек тилига илк бор таржима қилгани маънавий-бадий ҳаётимизда муҳим янгилик, деб ўйлаймиз. Айниқса, адибнинг **"Мўъжиза-тариқча"**¹ ҳамда **"Йўл кўрсатувчи"**² номли ҳикоялари хусусида сўз борганда, жаҳон адабиётининг забардаст вакили Х.Л. Борхес бу икки машҳур ҳикояга алоҳида тўхталганини эслатиш лозим.

Авваламбор, Х.Л.Борхес Х.Х.Арреоланинг "Мўъжиза-тариқча" ҳикоясига **"Жонатан Свифтнинг эътирофини қозониши мумкин бўлган асар"**, деб юқори баҳо берган. Унинг фикрича, ҳар қандай ажойиб новелла сингари ушбу ҳикояни ҳам турли-туман, ҳатто бир-бирини инкор этадиган нуқтаи назарлар негизида истаганча талқин қилиш имконияти мавжуд. Энг асосийси, бу кичик асар улкан таъсир кучига эга.

Х.Л.Борхес, шунингдек, "Йўл кўрсатувчи" ҳикоясига ҳам ўзининг холис муносабатини баён этган. Борхеснинг қайд этишига қараганда, Х.Х.Арреоланинг **ушбу ҳикоясидан Франц Кафканинг нафаси уфуриб туради**. Айни чоғда, Х.Х.Арреола асарларига болаларча бегуборлик ва қувноқлик туйғулари хос бўлиб, шу жиҳатлари билан унинг ижоди устози Ф.Кафканинг жиддий, тушқун, баъзида моҳиятан ўта қатъий ва қуруқ услубидан бевосита фарқ қилади.

Модомики, ушбу фикрлар мағзини чақмоқчи эканмиз, Х.Л.Борхеснинг нафақат буюк адиб, балки буюк китобхон ҳам бўлганини унутмаслигимиз даркор. Х.Л.Борхесдек юксак иқтидорли адиб ва нозик дидли мухлиснинг қадрли адиблари ва "севимли кутубхонаси" китоблари рўйхатига даъво қилиш осон бўлмаган. Мексика адабиётидан атиги икки нафар адиб - Хуан Рульфо ва Хуан Хосе Арреола ўз асарлари билан ана шу рўйхатга мушарраф кўрилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Ўз навбатида, Х.Х.Арреола умри давомида Мексиканинг кўплаб миллий адабиёт мукофотларига, айниқса, 1992 йили Хуан Рульфо номидаги мукофотга сазовор бўлган. Шу далилнинг ўзиёқ Х.Л.Борхеснинг диди нафақат нозик, айни чоғда, Х.Х.Арреола ижодига нисбатан юксак ва башоратомуз эканини кўрсатиб турибди.

Шундай экан, Х.Х.Арреола асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши ва чоп этилиши дунё ҳамжамияти эътирофидаги адибнинг қутлуғ тўйига ўзига хос тўёна, демак. Бундай эзгу ёндашув маърифатли ва китобсевар жамоатчилигимизга ҳар томонлама муносиб ҳамда ярашиқлидир.

¹ Хуан Хосе Арреола. Чудо-миллиграмм (рассказ, перевод Э. Брагинской) // Хуан Хосе Арреола. Фантастические истории. Серия: "Личная библиотека Борхеса". - СПб.: "Амфора", 2000. - С.78-79.

² Хуан Хосе Арреола. Стрелочник (рассказ, перевод Э.Брагинской) // Хуан Хосе Арреола. Фантастические истории. Серия: "Личная библиотека Борхеса".- СПб.: "Амфора", 2000. - С. 37-48.



Обрў¹

Боадаблик - энг жиним суймайдиган нарса. Автобусда, одатда, гўёки мутолаага берилганим ёки бетоблигим билан одобсизларча безбетлигимни хаспўшлаган бўламан. Аммо, бугун кутилмаганда қиёфаси Жабройил фариштага элас-элас ўхшаб кетадиган бир хонимга жой бўшатиш учун ўрнимдан сапчиб турибман.

Хоним, мен нохос йўл қўйган бу яхшиликдан дарров фойдаланиб қолди ва миннатдорчилигини шунақа қайноқ руҳда изҳор этишга киришдики, ҳатто атрофдаги икки-уч нафар йўловчининг диққатини ҳам ўзига қаратиб улгурди. Тез орада ён ўриндиқ бўшади ва фариштанамо қўшним менга ўша жойни сезилар-сезилмас, айна чоғда, ўта ифодали ишорат билан кўрсатар экан, ўзини елкасидан тоғ қулагандек енгил ҳис этди. Мен сафаримиз давомида бошқа дилхираликлар юз бермас деган умидда бўш жойни эгалладим.

Аммо, нетайки, ўша куннинг қаҳрамони ролини ўйнаб бериш чекимга тушган экан. Автобусга яна бир аёл чиқиб келди, энди бунисининг қанот-панотидан дарак йўқ эди. Гирт одобсиз эканимни намоён этиш учун қулай шароит туғилганди, афсуски, бу имкониятдан фойдаланмадим.

Айтмоқчиманки, албатта, мен ўриндиқда ялпайиб ўтираверишим ва шу йўл билан ўзим ҳақимдаги одобли инсон деган, ҳали жуда омонат бўлган аҳдамчи обрўга дарҳол барҳам беришим лозим эди. Қарангки, бунга қурбим етмади ва мен, худди умр йўлдошимни кутиб олаётгандек, ўрнимдан ғоз турдим ва таъзим бажо қилиб, янги хонимга ҳам ўз жойимни таклиф этдим. Шўрлик аёл, афтидан, умри бино бўлиб бунчалик эҳтирому эъзозга дуч келмаган экан: баралла овозда ташаккур айтавериб, шусиз ҳам тутуриқсиз вазиятни янада танг қилиб юборди.

Бу галги илтифотимга фақат икки ё уч нафар йўловчининг табассуми билан қутилган бўлсам, кошки эди. Йўқ, автобус йўловчиларининг камида ярми: "Сендақа танти мишиқидан ўргилдик!", деган каби бақрайганча менга тикилишарди. Тушиб қолмоқчи ҳам бўлдим, аммо вазиятга тобеларча бўйсуниб ва бу ёғига энди етар дея умид қилиб, фикримдан қайтдим.

Биз иккита кўчадан ўтдик, кимлардир тушиб ҳам қолди. Салоннинг

¹ Митти ҳикоянинг аслиятдаги номи: "Una reputacion", 1952 йилда ёзилган. Рус тилига 2000 йилда С. Корзакова, 2007 йилда эса Ю. Гирин "Репутация" деган ном билан таржима қилган. Унда ҳақиқий боадаблигу назокат нима, у қачон том маънодаги мардонаворликка айланиши ҳақидаги саволларга ўткир киноя ва теран психологик тасвир асосида жавоб берилган. Ушбу ҳикоя фусункор реализм оқими жанрига мансуб бўлиб, киноявий, фалсафий-диний мазмундадир. Адибнинг "Конфабуларий" (1952), "Йиғиш учун модель" (1995) тўпламларига, шунингдек, "Фусункорларнинг ҳикоялари" (2002) антологиясига киритилган.

нариги четидаги бегона аёл менга бўшаган жойни кўрсатди. Аёл атиги нигоҳлари билан енгилгина имо қилди, аммо бу кўз қарашларидан шунчалик ҳукмбардорлик ёғилиб турардики, мен ўзимдан олдин ўша жойни эгаллаши мумкин бўлган йўловчини назокат ва шижоат бобида анча ортда қолдириб, бамисоли тожу тахтни эгаллаган каби, ўзимга буюрилган ўриндиқни бир олам ҳис-ҳаяжон оғушида забт этдим.

Анчадан буён оёқда туриб келаётган - асосан, эркак зотидан иборат - йўловчиларнинг айримлари буни кўриб, албатта, заҳарханда билан мийиғида кулиб қўйди. Табиийки, мен уларнинг ҳасадини, рашкини, аламзадалигини ич-ичимдан ҳис этдим ва бироз дилим хира ҳам бўлди. Назаримда, аёли зоти борки, барчаси мен томонда эди ва улар мени ими-жимиди қўллаб-қувватлаб ҳамда рағбатлантириб турарди.

Олдинда, навбатдаги бекатда мени яна бир янги синов кутаётган ва аввалгилари бу муаммонинг олдида ҳалво экан: автобусга болали аёл кириб келди. Аёлнинг фариштачаларидан бири унинг қўлтиғида бўлса, бошқаси нозик оёқчаларида зўрға турарди. Жамоа хоҳиш-иродасига бўйсунган ҳолда, мен дарҳол ўрнимдан қўзғалдим ва ана шу мафтункор оилага пешвоз чиқишга шошилдим.

Аёл иккитами-учта бозор халтачаларнинг тагида қолиб кетганди, десам, янглишмайман; чунки даҳанинг ярмини босиб ўтган бўлсак ҳам, у ўзининг бесўнақай ҳамёнини очишга сира илож тополмасди. Мен имкон қадар хонимга кўмаклашишга ҳаракат қилардим, яъни унинг қўлларини жажжилари ҳамда бўҳчаларидан қутқаздим, ҳайдовчидан ёш болаларни бепул олиб юриш ҳуқуқини берадиган чипта ундирдим ва натижада -ниҳоят! - онаизор шу пайтгача автобусдаги жами аёл зоти бегоналарнинг тажовузидан қўриқлаб келаётган ўриндиқни - менинг навбатдаги бўш жойимни банд қилди. Мен эса, унинг кенжатойини опичлаганча, тик оёқда туриб кетдим.

Йўловчилар олдидаги масъулиятим ошгандан-ошиб борарди. Ҳамма мендан умидвор ва мени ўзига нажоткор, деб билар эди. Айни шу лаҳзаларда, назаримда, мен аёлларнинг кўз ўнгида паҳлавон ва ёвқур зот, ожизаларни ўз паноҳига олган адолатпеша инсон тимсолида намоён бўлгандим.

Бўйнимга тушган масъулият, пўлат совут ва яроғ-аслаҳалар каби, жону танимни сиқувга олди, мен эса буларнинг барчаси камлик қилганидек, камаримга алплар қиличини қистириб олмаганимдан надомат чекардим, негаки ҳар қадамда кулфатларга тўқнаш келаётгандим. Масалан, йўловчи эркаклардан биронтаси қайсидир хонимга адабсизларча муносабатда бўлса - автобусда бу одатий ҳол, ахир - камина ўша муттаҳамни одобли бўлишга қатъий даъват этишим, бу ҳам иш бермаса, обдан таъзирини едиришим талаб этиларди. Натижада аёл зотининг деярли ҳаммаси менинг Дон Кихот эканимга астойдил инонганди. Мен эса бундай қисматга кўниб-кўнолмасдим,

ўлиб-ўлолмасдим.

Шундай қилиб, мен тушадиган манзилга ҳам етиб келдик. Уйим кўзимга жаннатдек бўлиб кўринди. Аммо, уйимнинг олдида тушиш насиб этмаган экан. Ишлаб турган моторнинг кучли шовқини хаёлимни чалғитди ва мен ўзимни бир фурсат уммонлараро сузувчи кемада олис сафарга чиққан инсон тимсолида тасаввур қилдим. Мен, албатта, ўзимни жуда тез қўлга олдим, лекин автобусдан қочиб кетишни энди ор деб билардим - зотан, мендек моҳир дарғага ўз ҳаёти ва капитан кўприкчасини ишониб топширган йўловчиларимга ҳеч бир асоссиз равишда хиёнат қилишга виждоним йўл қўймасди.

Боз устига, тан олишим керакки, шу вақтга қадар жиловлаб турилган ҳирсу ҳаваслар мен кетишим билан қўзғалиб қолишидан ташвишда эдим. Илло, автобусда кўпчиликни ташкил этган аёллар, шубҳасиз, мени қўллаб-қувватлагани ҳолда, ўз эркак биродарларим иззат-ҳурматимни жойига қўйишлари борасида анчайин хавотирда эканимни яшириб ўтирмайман.

Мен-ку кетарман, лекин ортимдан гулдурас қарсак ёки шармандали ҳуштак садолари ҳам янграши эҳтимолдан холи эмас. Мен таваккал қилишни истамаётгандим. Мабодо, кетганимдан фойдаланган ҳолда, аламзада эркаклардан биронтаси ўз тубанлигини амалда кўрсатиб қўйса-чи? Шу тариқа мен автобусда яна қолишни ва қадрдон уловимиз ҳалқа йўлдан ортга бурилгач, васийлигимдаги барча инсонлар беҳавф-беҳавотир манзилига етганларига амин бўлганимдан кейин, энг охирида тушиб қолишга аҳд қилдим.

Аёллар, бахтиёрликдан қуёш каби чарақлаб, тегишли бекатларда бирма-бир қолмоқда эдилар. Ҳайдовчи - Худо хайрингни бергур! - автобусни бекат йўлагининг энг чекка, яъни йўловчиларга ниҳоятда қулай жойида тўхтатар, хонимлар нозу фиरोғ билан қўш оёқда сакраб-сакраб тушиб олгунларига қадар сабр-тоқат билан кутиб турарди. Мен эса ҳар бир қадрдон қиёфада хайрихоҳликка, узоқдан қаралса, ғоятда назокатли видолашувга ҳам ўхшаб кетадиган ҳис-туйғуларга дуч келаётгандим.

Алқисса, менинг кўмагимда болали аёл ҳам йўлда тушди ва ажралиш онларида жажжиларини менга бўса инъом этишга кўндирди - уларни эсласам, ҳали ҳам юрагим симиллайди. Мен ҳар қандай дабдабаю-асъасадан ҳоли, кимсасиз ва ҳувиллаган бир маконда, деярли овлоқ бир даштда уловдан тушдим. Томирларимда қаҳрамонликнинг зигирча ҳам сарфланмаган куч-қуввати шиддат ила гупираётганини сезиб турардим, бу вақтда эса мени паҳлавонлик рутбаси билан тақдирлаган - шундай беқийс обрў-эътиборга сазовор этган тасодифий намоийш иштирокчилари аллақачон уй-уйларига тарқалиб бўлган, ҳатто бўм-бўш автобус ҳам ўз саройига жўнаб кетган эди.

Маҳкум¹

"Менинг вафот этганим ҳақида қайта-қайта хабар берилган вилоят ва пойтахт газета-журналлари бир неча ҳафта мобайнида менга келиб турди".

*Энрике Гонсалес Мартинес,
"Одамови", XIV, 147-1481*

Унинг вафот этгани ҳақидаги хабарни ўқидиму, илҳомим жўш урди. Бир зумда "Худога хуш ёққан банд" асарим ҳаёлимда пишиб-етилди ва унинг дастлабки учта октава²сини қоғозга туширдим. Шеърият қалбдан мангуликка сари ястанган покиза ва нурафшон йўл янглиғ кўз ўнгимда порлаб турарди.

Эртаси куни, ижод авжига чиққан паллада, аслида ҳаммаси моҳиятан бемаънилик экани ногаҳон аён бўлгач, ишлар тақа-тақ тўхтади. Ёлғондакам марҳум, меңдан-да тирик экани етмаганидек, у энди муваффақиятимнинг ҳам йўлига кўндаланг туриб олди.

Ўшандан буён мен тенгсиз жангда доим ютқазиб келаман. Фақат бир марта, ўртамизда кечган ўша яккама-якка олишувдагина душманамга юзма-юз тура олдим, холос.

Жанг майдони - Мария Серафина³ нинг альбоми, менинг қуролим - мувашшаҳ⁴. Бешинчи сатрга келганда, рақибим ер тишлади. Сарғайган саҳифаларда унинг тугалланмаган шеъри ва менинг уч карралик

¹ Митти ҳикоянинг аслиятдаги номи: "El Condenado", 1951 йилда ёзилган. Рус тилига 2000 йилда С. Корзакова "Приговорённый" деган ном билан таржима қилган. Унда икки шоирнинг рақобати улардан бири вафот этганидан кейин ҳам давом этгани ҳақида ўткир киноя билан ҳикоя қилинади. Адибнинг рус тилида чиққан "Фантастик воқеалар" (2000) тўпламига, шунингдек, "Фусункорларнинг ҳикоялари" (2002) антологиясига киритилган.


² **Октава** - саккиз мисрали шеърий шакл.

³ **Мария Серафина** - айна шундай исм-фамилия соҳибаси моҳир rassom бўлиб (Қаранг: <https://www.liveinternet.ru>), Палермода (Италия) туғилган, XX асрнинг 70-йилларида АҚШда, Нью-Йорк Университетида тасвирий санъат соҳасида таҳсил олгач, неаполлик rassom Раймондо Робертта турмушга чиққан ва Италияга қайтиб келган. Кейинги пайтда Неаполда яшаб, Қўшма Штатларда ташкил этилган санъат кўргазмаларида мунтазам иштирок этган. Агар Х.Х.Арреола ҳикоясининг 1951 йилда ёзилгани ва rassom аёл бундан тахминан йигирма йилча кейин навқирон-талаба бўлгани назарда тутилса, ҳикоя қаҳрамони билан ҳаётда мавжуд шахснинг ўзаро адаш (отлош) экани ойдинлашади.

⁴ **Мувашшаҳ** - сатрларининг биринчи ҳарфларидан бирор сўз, ибора ёки исм ҳосил бўладиган шеър. Ғарб халқлари истилоҳида "акрошеър" ёки "акрограмма" деб юритиладиган ушбу шеърий шаклнинг тарихи қадимги давр ва ўрта асрларга бориб тақалади. Манбаларга қарганда, бу услубда илк бор Қадимги Юнонистонда яшаган шоир ва драматург Эпихарм шеърлар ёзган.

мувашишаҳим¹ ҳалигача сақланиб қолган.

Ана шу шавкатли зафаримдан кейин орадан ўн йил ўтиб, вилоят газеталарида менинг вафот этганим ҳақидаги хабар пайдо бўлди. Қанчалик қайғули бўлмасин, бу бор гап эди. Сўнгги ўн йил давомида жангу жадаллар билан тобора ортга чекиндим, узоқ масофадан отган ўқларим нишонга тегмайдиган бўлиб қолди, рақибим эса, аксинча, ҳар бир жанг ниҳоясида ғалаба нашидасини сурарди. Шу вақт оралигидаги ижод маҳсулимдан фақат Мария Серафинага (мардлик ва аламзадалик ўртасидаги мўъжаз мураса сифатида) бағишланган "Тўй сонети"ни ва "Тараққиёт сари" деб номланувчи мактаб мадҳиясининг беҳафсала ёшлар ҳар куни ижро чоғида ҳазм қилишга қийналаётган сўзларинигина гурур билан тилга олишим мумкин.




Рақибим менинг асл иқтидорим нечоғлик буюк эканини билмасдан туриб ёруғ оламдан ўтиб кетди, бинобарин тақдир уни барча хавф-хатарлардан охиригача асради ва ганимнинг ўлими том маънода нодир асарим бўлмиш "Худога хуш ёққан банда"ни яратиш йўлида илҳом булоғимнинг кўзларини очиб юборди.

Ҳар гал саҳармардонда фаришталар ёнимга келади ва толмас рақибимнинг буюк истеъдодини тан олишим учун, унинг шеърларидан намуналар ўқиб беради. Шеърый муножотлар тугагач, ўз мушоҳадаларимни баён этишга шайланиб улгурмасимдан, Мария Серафинанинг альбомидаги ўша чалакам-чатти мувашишаҳ бирдан эсимга тушади ва рақибимнинг ижоди хусусида яна салбий муносабат билдиришга мажбур бўламан. Фаришталар эса бошларини қуйи солганча, янги шеърлар излагани учиб кетади.

Бу ҳолат, азза-базза, қирқ йилдан буён давом этмоқда. Ҳатто арзонгаров тобутимнинг ҳам шалоғи чиқиб кетди. Мен ҳали-ҳамон ўзининг мангу барҳаётлиги билан таҳдид солиб турган шоирнинг юксак иқтидори ва буюк истеъдодини инкор этиш билан андармон эканман, зах, қурт-қумурсқа ва ҳасад ёғоч отимни тинимсиз емиргани-емирган.

Рус тилидан Гулом Мирзо таржимаси

¹ **Уч карралик мувашишаҳ** - "акрошеър"нинг ўта мураккаб шакли; бундай услуб асосан ХХ асрда ривожланган бўлиб, одатда, шеърдаги ҳар бир сатрнинг биринчи, учинчи ва бешинчи сўзидаги ҳарфлардан бирор сўз, ибора ёки исм ҳосил бўлади. Бу шеърый услуб баъзан насрда ҳам қўлланилади.



Temuriylar silsilasi

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Мазкур асарда XV асрнинг иккинчи ярми, Шоҳрух ва Улуғбек Мирзолар вафотидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда подшоҳлик қилган Темурийзодалар, уларнинг тож-у тахт йўлидаги ўзаро курашлари, қисмати мавзу қилиб олинган. Тарихий манбалар асосида даврнинг ўта чигал манзараси, парокандалик авжи, қаттоллик сабабияти ёритилади. 1447 йилдан то 1507 йилга қадар кечган воқеа-ҳодисаларда Гавҳаршод Бегим, Улуғбек, Алоуддавла, Иброҳим, Абулқосим Бобур, Шоҳ Маҳмуд, Абдулатиф, Абдулло, Абу Саъид, Ҳусайн Бойқаро, Султон Муҳаммад, Ёдгор Муҳаммад, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умаршайх, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бойсунгур, Султон Али Мирзолар иштироки, тутган ўрни тадқиқ ва тасвир доирасига киритилган. Нуфузли ва айни вақтда, маккор маликалар Хадича ва Зухра Бегимлар қиёфасига чизгилар битилган.

Темурий Мирзоларнинг муросадан йироқ муттасил ёвлашуви ташқи тажовуз ва босқинларга йўл очганлиги, натижада буюк Амир Темур асос солган улкан салтанатнинг емирилиши ва интиҳосига боис бўлганлиги теран талқин этилган "Амир Темур сулоласи" китобининг мантиқий давоми бўлиб, эл-у юртимиз кечмиши ихлосмандларига мўлжалланган.

Taxt g'urbati

Алоуддавла Мирзо Самарқанддан ёпирилиб келган хавфни бартараф қилгач, иноғаси Абулқосим Мирзога қарши дафъ айтишни, уни йўлидан олиб ташлашни мақсад қилди. Тақдирнинг ўзи Улуғбек Мирзонинг Ҳирот йўлини тўсгани айна муддао бўди-да. Энди, укасига қарши бемалол қўшин тортиши мумкин, унга адаб бериб, эс киритиб қўйиш лозим. "У ҳам Абдуллатиф қитмирнинг бири, болаликдан тарбия берган, қучоғида ўстирган малика бувиси хоҳишини инобатга олмай, Шоҳрух Мирзо тахтига, совимаган ўрнига кўз тикиб турса-я?! Мени ака ўрнида кўрмаган экан, ақалли, бувисини юз-хотир қилиши, бобоси руҳини ранжитмаслиги керак эмасмиди?" Алоуддавла Мирзо шу фикрни кўнгилдан кечириб, жаҳд отига минди.

Нишопурда Абдуллатиф Мирзони мағлуб этиб, Шоҳрух Мирзо тахтини эгаллаган Алоуддавла Мирзо ҳокимият таъмини тота бошлаганига ойлар кечаётган эди. Ўғли қопқонга илинган Улуғбек Мирзо ноилож унга ён берди, ҳукмдорлик мақомини тан олди. Абулқосим Мирзо нимага ишонади? Нега у акаси давлатини инкор этади? Шу андишаларда Машҳадга етган Алоуддавла Мирзо кечагина Улуғбек Мирзога қарши жанг-у жадал қилишга сафарбар этилган қўшин ва амирларини Хабушон вилоятига йўллади. Абулқосим Мирзо чериги Хабушон сарҳадларида тўхтаб турарди.

Икки ўртада муқаррар кураш аждарҳолари қонли оғзини очишга шай бўлиб турганда, кўпни кўрган, омилкор амирлар орага тушиб, икки ака-уканинг ёвлари дуруст эмас, Абдуллатиф Мирзони қутқазган Улуғбек Мирзо фикридан қайтиши, мамлакат тахти унга тегишли эканлиги важдан, яна қасдланиб қолиши истисно эмасдир, дейишди. Бир-бирини чўқишга тайёр турган шахзодаларга бу далолат мантиқли туюлди-да, қиличларни қинга суқдилар. Расмий иноқлик туйғусидан Алоуддавла Мирзо зўр қониқиш ҳосил қилиб, Ҳиротга қайтиб кетди. Шу кун у ўзини подшоҳдек ҳис қилиб, савлат тўқди. Абулқосим Бобур Мирзо эса, тож даъвосини қилмасликни бўйинга олиб, Мозандарон вилоятига от бошини бурди. Икки орада вужудга келган аҳдга мувофиқ, Абулқосим Мирзо бобоси мулкларини қўлдан чиқармаслик, бунда бўлган ихтилофларни бирёқлик қилишда эришаётган зафарлари ҳақида пайғомлар юбориб турди.

* * *

Шоҳрух Мирзо замонида ҳам бўлиб турадиган низоларни, мулкгирлик талошларини кўравериш, кўзи пишган, тиш қоқди бўлиб кетган амирлар Хабушонда сулҳни орага солганларида, эртани кўра билган эканлар. Алоуддавла Мирзонинг укаси билан битим тузганидан кейин ўзини қудратли сеза бошлагач, тадбир билан зўғра илашиб турган заиф ҳалқалар силсиладан чиқа бошлади. Балҳда ўзини бирмунча тутиб олган Абдуллатиф Мирзо отаси билан Алоуддавла Мирзо тузган сулҳ шартларида кўрсатилган,

Нишопурда қўлга тушган навкарларини Ихтиёриддин қалъаси маҳбуслигидан озод қилиб, Балхга жўнатишни талаб қилди. Тахтнинг юмшоқ ўриндигига чўкиб, кибр-у ҳавонинг осмонига кўтарилган Алоуддавла Мирзо шаҳзоданинг бу талабини писандига олмади. Аксинча, Абдуллатиф Мирзони қўлдан чиқарганига пушаймон бўлиб, уни яна қармоғига илинтириш ниятида Солиҳ Мирзони Балх чегарасига бир тўп аскар билан жўнатди. Солиҳ Мирзо Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзонинг набираси бўлиб, отаси Пир Муҳаммад Шерозий эди. Солиҳ Мирзо бу пайтда қирқ икки ёш устида бўлиб, кўпдан Шоҳрух Мирзо хизматида бўлиб келарди. Кам ўйлов, буйруқни бош тортмасдан бажарадиган кимса эди.

Ҳафтадан бери Балх сиртида яйлов қилиб турган суворийлар Аб-дуллатиф Мирзо одамлари кўзидан ниҳон қолмасди. Бир шумликни сезган Абдуллатиф Мирзо Балхдаги кўналгасидан илғор қилиб чиқиб, отларини эгарлашга ҳам улгура олмай қолган Солиҳ Мирзо тўдасини қириб ташлайди. Мирзонинг ўзи бир иложини қилиб, отига миниб, қочганича, жон ҳовучлаб Ҳиротга етиб олади.

Бўлиб ўтган воқеа Алоуддавла Мирзони жунбушга келтиради. Унинг сўкинишларига, бақир-чақирларига илон пўст ташларди. Шу тобда у ўзини жиловлай олмай қолган, газабга эрк бериб юборганди. Солиҳ Мирзога тезлик билан Ихтиёриддин қалъасига боришни, Абдуллатифнинг олти ойдан буён занжирбанд ҳолда тутиб турилган навкарларини битта қўймай қатл этишни амр қилди.

Алоуддавла Мирзода давлатни бошқаришда ақл-фаросат, оғир-босиқлик, мулоҳазакорлик йўқ эди. Тахтнинг тинчини, юртнинг эртасини ўйлаш унга тамомила ёт, хазина ва қўшин ихтиёри ўзига теккач, ҳеч ким, ҳеч нарса билан ҳисоблашишни эп кўрмасди. Абдуллатиф Мирзонинг Балх мавзеъсида Солиҳ Мирзони мағлубиятга учратиши воқеаси уни газаб ва нафратга асир айлаб, ўч олиш оловини ёқиб юборди. Фаслнинг қишга тортганлиги, ҳавонинг совиб бораётганлиги ҳам бу гулхан тутунида кўзга кўринмади. Отлари кўнишиб, ўзлари дилдираб турган сипоҳийларни жahl билан Балхга томон етаклади.

Ҳар бир баҳонада қўшин тортиш - қон тўкиш, умрларга зомин бўлиш, эл-у улуснинг бўйнига зулм ва ситам юкни ортиш эди. Бу сафарги интиқом йўлидаги қаҳрли юришда Абдуллатиф Мирзонинг орқа-олдини йиғиштириши, ҳисорни маҳкамлаши ва ақлли тадбири - отаси Улуғбек Мирзога ўз одамини жўнатиб, бўлажак муҳоробадан хабар етказиши бўлган эди. Алоуддавла Мирзо қиш вақтида таянч бошпана заруратидан Чечакту мавзеъси яқинида ҳисор қуришга буйруқ берган эди. Унинг ишни ташкил этувчи ясоқийлари гишт пиширишга имкон қилолмай - совуқ, шиддати қаттиқ, қор ва ёмғир кўз очиргани қўймасди - ноилож, теварак-атрофдаги гишт биноларни, ҳовузларни вайрон қилиб, қалъани қуришга кўп вақт сарфладилар.

Бу орада Самарқанддан, Улуғбек Мирзодан элчилар келиб, Алоуддавла

Мирзонинг ҳовурини босадиган мактубни топширдилар. Улуғ мақомдаги амаки суякка сингадиган тарзда очиқ огоҳлантириш, балки пўписага ўтган эди. "Орамизда сулҳ асоси қурилган бўлса, – дейилганди хатда, – энди уни яна мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилиш керак, ана шунда кундан-кунга дўстлик муҳаббати ортиб боради. Агар Абдуллатиф тезлик қилган экан, уни муносиб тарзда манъ қилмоқ учун сенинг вазифанг, аввало, биз тарафга маълум қилиш эди. Энди, дуруст иш шуки, орқанга қайтгин, раиятга даҳл қилиш ва вилоятга харобалик етказишдан сипони манъ қилгин".

Ҳисор қуришга, жамоат хайрия биноларини бузишга, аҳолини озиқ-овқат ва қурилиш ишларида мажбурлашга, харобаликлар етказишга улгуриб бўлган, кун исиши билан ҳужумни мўлжал қилиб турган Алоуддавла Мирзо Улуғбек Мирзо буйруғига бош эгишдан ўзга чора тополмади. Яна сариқ тукли мўйловини неча бор асабий чайнаб, тишларини гижирлатди-да, Ҳиротга қайтди.

* * *

Милодий 1448 йилнинг эрта баҳори Бойсунғур Мирзонинг икки ўғли учун ҳам тўйлар фасли бўлиб келди. 22 мартда Абулқосим Мирзонинг Шоҳ Маҳмуд Мирзо деб исм қўйилган ўғли туғилди ва унинг шарафига Мозандаронда катта тўй берилди. Тўйнинг акси садоси Ҳиротга етиб келгач, Алоуддавла Мирзонинг ҳам орқаси тутди. Гавҳаршод Бегим бобоси тахтида савлат тўкиб ўтирган набирасининг ўғли суннат тўйини қилиш иштиёқини маъқул топди. Ака-укаларнинг ҳаваси эмас, ҳасади Маҳди улёга мақбул тушар, тўй қилишда ҳам бир-биридан ўзишга интилиши маликанинг тунд чеҳрасини ёритарди. "Мирзом, анави Бобур неча кун тўй берибди, – вахмнок сўзлади малика, – уч кунми, ҳафтами? Биз эрса, доруссалтана Ҳиротда набирамиз Иброҳим Султонга қирқ кунлик хатна тўйи қозонларини осгаймиз!"

Боғи Зоғонда, ҳатто, Шоҳрух Мирзо даврида, салтанатнинг авж даврида ҳам мисли кўрилмаган хатна тўйи ҳозирлиги кўрилди. Шоҳрух Мирзо ҳашамларга ўч эмасди, гоҳида набираларнинг суннат қилиниши бир-икки йилга кечикиб кетган ҳоллар ҳам рўй бериб турарди. Гавҳаршод Бегим ўзининг режаси амалга ошганидан, Алоуддавланнинг тахтга ўтирганидан мамнуният ичра, Алоуддавла Мирзо ўғилчаси Иброҳим Султон тўйини башариятнинг тушига ҳам кирмайдиган бир тарзда ўтказишга изн берди. Ўша давр тарихчиси бу ҳақда шундай таъриф-у тавсифни қолдирган:

"Боғи Зоғонда хайма, хиргоҳ, саропарда ва боргоҳларни худди булутдек ой ва офтоб чўққисига яқин қилиб қурдилар, ҳунармандлар кунгираси устидан тез парвоз қуш ҳам учиб ўтолмайдиган, ақл муҳандиси унинг шарҳ ва баёнидан ожиз қоладиган гўзал кўринишли қуббаларни кўтардилар, болохоначаларга эга бўлган чаҳортоқларни муҳайё қилдилар ҳамда уларнинг барчасини Рум деболари-ю, Чин зарбофлари билан безатдилар, етти кишвар ҳунармандлари эгаллаган ҳар бир санъат-у ҳунарни истаганлари йўсунда ишлатиб, оро бердилар, тиг ва ўқлар ҳам ялтироқ аслаҳаларни уларнинг

атрофига шунчалар кўп осдиларки, ярақлаши кўз қорачигини эритар ва нури офтоб шуъласидек, кўзлар чашмасидан ҳайрат булогини очар эди. Ҳар бир чаҳор – тоқда хушилхон хонандалар хониш қилишиб, кўкдаги Зухра юлдузини чарх урдирар эдилар. Дастурхончилар катта зиёфатлар туздилар ва шаҳар ҳам вилоят раиятини бир неча кун Тархон қилдилар".

Шодлик ортидан нохушлик соядек эргашиб юради. Бори Зоғонда тўй палослари йиғиб олинмасдан бурун, шумхабар кўланкаси чодирлар ёнида соя ташлади. Шодмонлик ғам билан алмашди, шароблардан оғир тортган, гувилаб турган бошлар, нечундир, ҳам бўлиб қолди. Бу бесабаб эмасди. Алоуддавла Мирзога, "кўрпангга қараб оёқ узат", деган кимса йўқ эди. Йўқса, Улуғбек Мирзо билан тузилган сулҳга амал қилиш, лафзни сақлаш, Абдуллатиф Мирзо қитигига тегмаслик, ким билсин, Ҳиротнинг осуда ҳаётига раҳна солмасмиди?! Ёши ва тахтга қонуний меросхўрлиги жиҳатидан Улуғбек Мирзо Ҳирот тахтини ўзига тегишли деб биларди. Орада юз берган ноқулайликлар унинг вақтинча бу ниятдан истиҳола қилишига сабаб бўлган эди. Алоуддавла Мирзонинг Балх остоналарига қадар келиши, қалъа қурдириши, унинг тезда кучайиб, Балх ва ундан кейин Самарқандга юриш қилишини тахминлашга асос берарди. Улуғбек Мирзо ташаббусни олишга, биринчи бўлиб Ҳирот сарига от суришга пайт кутарди. Шу имконият етиб келган, Абдуллатиф Мирзо ҳам Балҳда етарли куч тўплаган эди.

Алоуддавла Мирзо ўғлининг хатна тўйи ниҳоясида Улуғбек Мирзонинг муҳораба талабида кўшин тортганлиги дараги ёйилган эди. Кайфи ҳамон тарқамаган Алоуддавла Мирзо бу ҳолдан қамнок бўлиб, қўлини иякка тираганича кўшқиди ўтирарди. Бир неча вақт аввал амирлари, укаси Абулқосим Бобур билан ярашувни маслаҳат берганларида, шу хавфни рўқач қилгандилар. Улар янглишмаган эканлар. Улуғбек Мирзо кўнглида Ҳирот тахтига ҳам эгалик оташи сўнмаган, вақти соати етиб, у ошқора аланга тусини олган эди.

* * *

Ота ва ўғилнинг – Улуғбек Мирзо ва Абдуллатиф Мирзонинг Гавҳаршод Бегимдан ўпкалари қозондай эди. Тахтни арзандаси Алоуддавла Мирзо қўлига топширгач, Шоҳрух Мирзо хазинасидан, ақалми, Улуғбек Мирзо – тўнғич ўғил, ягона қонуний меросхўр учун тегишли сармоя ажратишни хаёлга ҳам келтирмади. Тож–у тахт гумаштаси Алоуддавла Мирзо эса, нописандлик билан сулҳ шартларини тўла бажармай, Балҳга дағдага билан босиб келди. Навкарларнинг намоишкорона қатл этилиши, Самарқандда Улуғбек Мирзонинг, Балҳда эса Абдуллатиф Мирзонинг қонини қайнатиб, жазавасини қўздириб юборди.

Ота – ўғил бу ноқисликлардан азият чекиб, ададсиз кўп лашкар жам қилишга интилдилар. Улуғбек Мирзо Жайхундан ўтганида, Абдуллатиф Мирзо Хутгалон, Қундуз, Бақлондан то Бадахшон сарҳадларигача, Балҳдан то Муртоб дарёсигача бўлган ҳудудлардан қўшин тўплаганлигини отасига

хабарлади. Шу тариқа, Самарқанд ва Хуросон лашкари қўшилиб, найза ва шамширларини Ҳиротга ҳавола қилиб, йўлга тушди.

Алоуддавла Мирзога кирган титроқ Гавҳаршод Бегимдан унга юққан эди. Маҳди улё кеча ёмон туш кўрган, хатна тўйига осилган қозонларга қуюн дахл бўлиб, тўнкарилиб қолган, гўшт-у масаллиқлар ер қони бўлган эди. Тушнинг таъбирига ҳожат қолмаган, Улуғбек Мирзо чопқуни бошланиб, унинг оқибатларини каромат қилишга Маҳди улёда ҳол қолмаганди. Шу боисдан, Алоуддавла Мирзони бир - икки койиган бўлди, худо раҳмат қилгур отаси Бойсунгур Мирзонинг ичкилик оқибатида нариги дунёга рихлат қилганлигини пеша қилиб, ёғийларни (она шундай, ўз фарзандини ёв, душман деб айтди), қўл қовуштириб ўтирмасдан, дафъ қилиш тадоригини кўришни уқдирди. Алоуддавла Мирзо "нима қилай?" мазмунида бошини сал кўтарган эди, бувиси:

- Дам ушбудир, энди бир йўруғ бордир, бўтам, - деди шивирлаб, - бобонгиз Мирзодин кўп хазина, ёрмоқ қолмиш. Не билурмиз, оқибат қайси дархонага бош суқадир? Бир қисм сармояни лашкарга фаровон улашинг, токи улар ўлган-тирилганига қарамай, анавилар сипоҳийларини ер тишлатсин. Қолган хазойин ёмбиларини, эҳтиёт шарт, маҳкам беркитинг...

Алоуддавла Мирзога замондош муаррих бу ҳақда, "У хазина-ю дафиналар эшикларини очиб, ҳаммага кўп нақд олтинлар улашди, Хоқони саъид ҳазратлари (Шоҳрух Мирзо - муал.) элик йил давомида тўплаган жаҳон ганжларини лашкар қисмларига тақсим қилиб берди", деб ёзади.

Шоҳрух Мирзо саройида йиллар давомида катта бойлик жамғарилган эди. Лашкарга улашилган сармоя Хуросон элига неча йил ризқ бўлишга кифоя қиларди. Хазинанинг қолган жавоҳироти, нақдиналари Имод ва Ихтиёриддин қалъаларига киши билмас, қаттиқ назоратда беркитилган бўлиб, Гавҳаршод Бегим ишончини қозонган мавлоно Аҳмад Ясовул, Ого Ҳожибеклар жавобгарлигига топширилганди. Алоуддавла Мирзо лашкардан ва хазинадан кўнгли бирқадар тўлиб, охири неча чақиримдан кўринмайдиган кўшин билан Ҳиротдан йўлга чиқди.

* * *

Ҳиротдан ўн тўрт фарсах масофада Тарноб деган мавзеъ бўлиб, тўрт томони қир-у адир, текислик ва ялангликлардан иборат эди. Улуғбек Мирзо ва Абдуллатиф Мирзо лашкарлари оралиқда масофа сақлаб, шу манзилга қўнган эдилар. Улуғбек Мирзо бир вақтлар мўғуллар билан жанг қилганида орттирган тажрибасидан келиб чиқиб, орт тарафга заҳира қисмларни, эҳтиёт шарт, тариқида жойлаштирган эди. Йиғма кўшин жангга шай бўлиб турарди.

Алоуддавла Мирзо Тарнобга яқинлашиб, Ғутали Санжоб манзилидан ўтганда, айғоқчилар ота-ўғил Мирзоларнинг учи-қуйруғи йўқ кўшин билан йўл пойлаб турганлари дарагини етказди. Қўшинга беаёв сармоя тарқатганига, уларнинг сони элик минг нари-берисига етганига қарамай, Алоуддавла Мирзонинг бу хабардан эти жунжиқди. Бирдан хаёлига сулҳ

тушиб, ёғийнинг ўз жондай амакиси эканлиги фикри тушди. Ёнидаги мавкабига, "шайхулислом Баҳоддин Умарни орамизга восита қилинлар", деб тайин қилди. Шайхулисломни элчиликка қўндириб, унга зарур ашёларни тахт қилгунча вақт ўтиб, жангни бошлаб юбориш ҳадиги орта бораётган эди. Бунинг устига, Алоуддавла Мирзонинг ишонган яқини, амакиси Иброҳим Мирзонинг ўғли, ёши ўн бешда бўлса ҳам шерюрак, ўз одамларига бош бўлган Султон Абдуллоҳ Мирзо, "ҳайт" деди-да, ўз сипоҳийлари билан Улуғбек Мирзо тарафга яловларини тушириб, ўтиб кетди. Икки муҳолиф қўшин юзма-юз келиб, жанг ноғоралари қоқилиб, карнайлар наъра тортиши олдидан, бу хилофот Ҳирот лашкарининг руҳини тушириб юборди. Самарқанд қўшини томондан бирдан бурғунинг бўғиқ, аммо юракларни тарс ёрадиган овози эшитилди. Муаррих шу жанг ҳақида, "кўпчилик бир-бирининг хеш-у пайванди бўлган у икки лашкар жанг бошлаб юборди: уруш алангаси ер қаъридан фалаклар чўққисига кўтарилди. Сув юритилган шамшир қўрқинчидан шер захраси сувга айланиб, аждарҳо янглиғ хавфидан олов тош ичига беркинди, жон олувчи ўқ дилларга ажал хабарини етказди", деб ёзиб қолдирган. Галаба Улуғбек Мирзо қўшинига юз буради. Алоуддавла Мирзо лашкаридан гуруҳ-гуруҳ ажралиб, қочишга тушганлар кўпаяди. Улар жонними ёинки Алоуддавла Мирзо сахийлик кўрсатиб берган жарақ-жарақ тилла тангаларними қутқазिशга иштиғол кўрсатаётган эдилар. Тавочиларнинг ҳайқириги, амир лашкарларнинг даъвати ваҳимага тушган қочқинларга кор қилмай қўйган эди.

Алоуддавла Мирзо қўшин жилови ихтиёридан чиққанлигини англаганида кеч бўлган, беихтиёр кўзидан тирқираб ёш чиқаркан, от бошини ортга бурди. Унинг учун икки йилга ҳам бормаган подшоҳликдан, тож-у тахтдан воз кечиш жуда оғир эди. Ҳиротга, Бори Зоғонга кириш йўли қирқилган, қалъадорлик қилишга фурсат қолмаган, ёнидагилар қистови билан Машҳадга етгунича оромни унутди, таъқибдан хавотир олиб, бирор жойда тўхтамади. Нафасни ростлагач, эс-ҳуши жойига келиб, Имод қалъасига, эҳтиёт шарт қўйгани хазинани очди ва ҳамроҳ бўлиб келганларга мол-дунёдан бас дегунча улашди. Укаси Абулқосим Бобур Мирзо унинг охири нажоти эди. Астробод томон юзланиб, укаси манзил қилиб турган Хабулқонда унинг қўлини ўпишга муяссар бўлиб, алам ва ўкинч кўз ёшларини яшира олмади.

Улуғбек Мирзо ва Абдуллатиф, Абдулазиз Мирзолар лашкарлари Ҳиротга яқинлаб келган, лашкарнинг илғоридан сараланган сипоҳлар йўлларни назорат қилиб, шубҳали кишиларни овлашга киришгандилар.

Алоуддавла Мирзодан умиди катта бўлган Гавҳаршод Бегимнинг, бетўхтов чопишдан оти кўпикка ботган чопардан Тарнобда содир бўлган курашда Алоуддавла Мирзо туғи ер билан битта бўлганини эшитиб, юраги пастга тортиб кетди. Дарҳол укаси, вазири аъзамлардан бўлган амир Сўфи Тархон, шаҳарда доруға қилиб қолдирилган амир Султон Абу Саъид ва Хожа Гиёссуддин Пир Аҳмадни ҳузурига чорлатиб, кўч-кўронни

ҳозирлашни, тез йўлга тушмасалар, Абдуллатифнинг исканжасида қолишини билдирди. Гавҳаршод Бегимнинг, ҳамроҳларининг суяги ҳарбий сафарларда қотган эди, жадаллик билан борлиқдаги тулпорлар, хачирлар шай қилинди. Ҳирот доруғаси, 1433 йилда вафот этган амир Муҳаммад Дарвешнинг ўғли йигитлари билан уларни қўриқлаб, йўлга тушдилар. Қайдасан, Ироқ, деб отлар ва юклар ортилган хачирларга қамчи урдилар. Шаҳардан чиқиб олиб, баланд тушган адирлик мўйилишида, рўпарадан кутилмаганда йўлларни назорат қилиб юрган ёғийларнинг бир тўда отлиқларига дуч келиб қолишди. Амир Султон Абу Саъиднинг қилич яланғочлашдан бўлак иложи қолмади. У ёғийлар тўдасини чалғитиб, жангга қулай майдон ахтаргандек, четга бурилди. Шу аснода Гавҳаршод Бегим ва ёнидагилар узоқлаб, қоралари кўринмай кетди. Ёғийлар зум ўтмай, Абу Саъид ортидан найза ўқталиб, унга етиб бордилар. Савашда уни асирга олдилар. Кимдир дағал овозда, "Кетганлар ортидан бормаймизми?" - деб бақирди. Улар кимни қўлдан чиқараётганларини ўша фурсатда ўйлаб ҳам кўрмаган эдилар. Билганларида, жонларини жабборга бериб бўлсада, Маҳди улёни бандга солиб, ўғли олдига олиб борган, жаҳон кечмишида кам рўй берадиган учрашувга гувоҳ бўлардилар. Эҳ, дунё ишлари, дунё ишлари... Жаҳон ўтмишида учрашувлар кўп, бу галгиси эса, жуда ачинарли, она ва боланинг душманлашув шароитида, таъқиб этувчи ва таъқиб қилинувчи, бири тахт учун курашда мағлуб, иккинчиси голиб сифатида юзма-юз бўлган бўлардилар. Назаримда, тарих бу кўргилик "дийдорини" хоҳламаган.

Она юрагини ҳовучлаб, Ироқ сари қочиб қолмаганида нима бўларди? Гавҳаршод Бегимни ўлим, барибир, изма-из қувиб келаётган эди. Улуғбек Мирзо ёки Абдуллатиф Мирзо бу жирканч ишга қўл урмасалар-да (онани жиноятчи сифатида жазога тортиш икки дунёда ҳам ота-ўғилнинг хаёлига келган эмас), барибир, етти-саккиз йилдан сўнг Гавҳаршод Бегимни ўлим, ўлим бўлганда ҳам даҳшатли ўлим кутиб турарди. Бу сафар Маҳди улёни етти ёт бегона, аммо садоқатли амир Абу Саъид қутқариб қолган бўлса, яна бир Абу Саъид, Темурийзода уни раҳмсизларча чопиб ўлдиришга ботинган эди. Бу воқеага эса, ҳали вақт бор, кўп сувлар оқиши, кўп тақдирлар юзгубан бўлиши ҳодисаларини келажак тарих ўз баррида сақлаб турган эди.

Тарноб жангидаги эсдан чиқмайдиган ҳоллардан бири Улуғбек Мирзога элчиликка юборилган, сулҳ таклифи билан бораётган шайхулислом Баҳоуддин Умарнинг бошдан кечирганлари ва нохушлиқдан иборат башоратидир. Шайхулислом ўзига берилган ваколатни адо этишда кечиккан, Самарқанд сипоҳи музаффар бўлиб, Ҳиротга от сураётган маҳалда, Чихил духтарон манзилида Улуғбек Мирзо қароргоҳига совға-салом ва тухфалар билан келаётган Баҳоуддин Умар ҳазратларини ва ҳамроҳларини шип-шийдам қилиб, талайдилар. Отларини тортиб олиб, пиёда кўйиб юборадилар. Унинг гапини тинглайдиган бир кас топилмайди, сипоҳилар бариси маст-аласт, торожга зўр берган кишилар эди. Гап, табиийки, шу манзилга етиб келган Улуғбек Мирзо кулоғига чалинади. Шайхулисломнинг Ҳиротда

бўлганидек, Мовароуннаҳрда ҳам обрўси баланд, тагли-тугли хожалардан, Темурийларга садоқатли зотлардан ҳисобланарди.

Улуғбек Мирзо шайхни топдириб, иззатини жойига қўяди. Бебош сипоҳийлар етказган азият учун негадир узр сўрашни унутди-да, олинган нарсалар, шу жумладан, шайхнинг "Тахтиравони ҳам қайтариб берилсин!" деб амр қилди. Бу буйруқни эшитиб, амирлар пиқ-пиқ кулдилар. Ахир, шайхулисломда тахтиравон не қилсин, улови дейилса, бошқа гап эди-да?! Шайхулисломга бу қаттиқ таъсир қилди, у Мирзо ҳузуридан чиққач, нарсалари қайтарилишини кутиб ўтирмади-да, Чихил духтарондан Ҳиротга қараб пиёда йўлга чиқди. Шайхнинг аччиқлангани ва ўзини сипоҳилар-у ҳукмдордан масхараланган, ҳақоратланган деб қаттиқ ўйга ботган шайхнинг ортидан гапга етарман мавлоно Юсуф Аттор ва Мирзо Улуғбекнинг табиби Ҳасан ибн Абдуқодир от етаклаб, анча йўлга эргашиб бордилар. Шайхулислом отга минмади, фақат улар эшитсин деб, сал баландроқ пичирлади: "Яқин орада шундай бўладики, Мирзо Абдуллатиф Қозиюл ҳожат ҳукмига ва шарият талабига биноан отаси Мирзо Улуғбекни қатлга етказди".

Юсуф Аттор ва табибнинг бу гапни эшитиб, дами ичларига тушиб кетди. Эшитганларини бировга айтиш ўлим билан баравар эди. Шу даврлар тарихини яратган Абдураззоқ Самарқандий ҳам бу ҳақда, мудҳиш воқеа ҳақиқатда бўлиб ўтганидан йигирма йил кейин асарига эслатишга жазм қила олган.

* * *

Тарнобдаги мағлубият Алоуддавла ва Абулқосим Бобур Мирзоларни ака-укаларни бирлаштирди. Жанг майдонини ташлаб қочган хийлагина аскарлар Алоуддавла ортидан етиб келиб, унга қўшилдилар. Ака-укада тагин катта қўшин вужудга келди. Бойсунғур Мирзо фарзандларининг иттифоқликда кучайгани дарагини эшитиб, Улуғбек Мирзо уларни таъқиб қилишга, Машҳад томон юришга киришди. Алоуддавла Мирзонинг бойлиги яширилган Имод қалъасини олишга уриниб кўрилди. Қалъа ғоят мустаҳкам бўлиб, муаррих айтганидек, "Мирзо Улуғбек у қалъани хийла ва тадбир билан эгаллашни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмаслигини тушунгач, у тарафга юборган амирларга қайтишга ҳукм қилди". Улуғбек Мирзо Родикон чорбоғида бир неча кун туриб, Сурайё тепалигига кўтарилди. Теварак-атроф кузатилаётган маҳалда, Абулқосим Бобур Мирзо элчилари келгани эшитилди. Маълум бўлишича, Улуғбек Мирзога байъат этилиб, хутба ва пул зарбини унинг номига бўлиши ваъда қилинади. Абулқосим Мирзо куч устида турган амакис қўшинининг магар Бистомонгача бостириб борса, ҳоллари хароб бўлишини, енгилишдан ўзга чораси қолмасилигини тушуниб турарди.

Давоми келгуси сонда



ERK VA VATAN KUYCHISI

(Давоми.Боши ўтган сонда)

Лирик чекиниш хаёлда ўтмиш хотираларини жонлантиради, синиқларини ямайди. Аммо бу чекиниш туйғулар ривожининг, драмасининг муҳим, зарурий халқаси. Асар композициясида махсус кечиктириб қўлланилмоқда. Аслида мантиқан шу пайтгача тасвирланган, ифодаланган воқеалардан, муносабатлардан олдинда туради.

*Йўл юрсанг ҳар жойларда работлар вайронаси,
Искандар, Қутайбадан қолган сонсиз даҳмалар.
Бу ерларда илк бора янграган Темур саси,
Чингизийлар бошига солиб қўрқув, ваҳмалар.
О, улардан не қолди? Турфа ривоят фақат...
Бирови қурганини бошқаси қилди вайрон.
Вақтинг бемалол бўлиб, сўйлай берсанг ҳикоят,
Ҳаттоки Фирдавсий ҳам боқарди сенга ҳайрон.*

Кўришиб турибдики, шоир бир неча ён мавзуларни бош мавзуни теранроқ очиб бериши учун жалб этмоқда. Бунда у контрастдан, қарама-қарши қўйиш санъатидан моҳирона фойдаланилмоқда. Ўтмишга лирик чекинишдан кейин, асар асл муддаосининг баёнига ўтади. Симфониянинг скерцо қисми бошланди (Луғатларда айтилишича, скерцо симфония, соната ва квартеталарнинг қисми (ёки мустақил мусиқий пьеса), жонли, шиддатли суръатларда, кескин характерли ритмик ёки гармоник эврилишларни ифодалайди):

*Мен бу кун дўстларимга афсус - надомат билан,
Ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман...
...Шу боисдан саҳронинг қалбида бир гўр ётар,
У менинг бобом қабри, қизимнинг бобожони.
Ҳар ўтганда руҳимга туганмас қайғу ботар,
Қултум сув ҳасратида узилган йигит жони.
У бир замон қудуқнинг тубида қолган экан,
Сув кўзин очай деса - босиб қолибди тупроқ...*

Туйғулар, ҳасрат, афсус-надомат кучайиб авжига чиқади. Навбатдаги

12 сатр асар учинчи қисмининг якуни ва бугун асарнинг кульминациясидир.

*Мен унинг набираси, қўлимда қалам билан,
Қалбимда алам билан пойига қўйдим қадам.
Унинг-ку иши йўқдур бу тирик олам билан,
Лекин орзуси бор-ку, ният топмас-ку барҳам.*

Авждан туйгулар ифодаси секин пастга тушади ва асардаги "воқеалар" ривожининг янги йўналишига йўл очади. Асарнинг мазкур қисми якунланади.

*Ҳа, қудуқлар тубида кўмилиб кетмас армон,
Ҳар қандай заволнинг ҳам бордир сўнгги, ҳудуди.
Қабрлар тепасида ёнган ўт ҳам бегумон,
Бирорта ўксик қалбнинг чақнаётган умиди.*

Поэманинг кейинги қисми симфониянинг финалига мос келади. У халқимизнинг чўлни ўзлаштириш бўйича орзу-мақсадларини, унинг азму-шижоатини, бунёдкорлигини куйлашга бағишланган. Лекин асарнинг бу қисми жасоратларга тўла меҳнатни улуғлаб куйлашдангина иборат эмас. Симфонизм қонуниятини шоир интуитив равишда эсдан чиқармайди. У контрастдан, конфликтли қарама-қарши қўйишдан воз кечмайди. Лекин бу контрастда энди минор эмас, мажор оҳанги жаранглайди. Финал ҳам рондо-сонато услубида ёзилган:

*Биз ҳам бир кун ўтармиз бу дунёи қадимдан,
Бизнинг ҳам қалбимизда кетгуси балки армон.
Балки кимдир бизни ҳам хотирлаб қўйса зимдан,
Парчалаб қабр тошин келурмиз ўша замон.*

Ёки бошқа қарама-қарши қўйиш қўлланилган мажор сатрлар:

*Мен-ку шеър ёзмасам ҳам саҳроларга сув чиқиб,
Шу буюк мамлакатим обод бўлиши тайин.
Лекин она халқимнинг ўтмишига кўз тикиб,
Келажаги ҳақида ўй сургум келар майин.*

Мазкур сатрлар халқ яратувчилик салоҳиятининг мадҳи билан қўшилиб кетади. Топилган муболағали метофора яна юксакликка, авжга кўтарила бошлайди:

*Иложин топса агар, кетмоннинг дастасин ҳам,
Ерга қадаб термулиб, кўкартирувчи бу халқ.
Жазм этса кўкка бўяр жаҳон харитасин ҳам,
Бугун чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ.
Бугун у Жайҳун сувин келмоқчи чўлга бошлаб,
Жайҳун бу - ўз халқимнинг ўз армони, дунёси.
Ярашмас бу дарёга ўтирсанг қармоқ ташлаб,
Жайҳун бу - кучга тўлган Ватанимнинг дарёси.*

Дарёнинг чиройли образи яратилди. Кейинги сатрларда у ялтираб ётган шамширға ўхшатилади. Жонлантирилиб тушовидан бўшалган, сарсон чопаётган отга қиёсланади. У дарбадар, серхатар, вазмин, қув, ўжар сифатлари орқали таърифланади. Сифатлар контрастли. Бу дарё образининг

ҳар хил, ўзаро зиддиятли, айна дамда улугвор қирраларини, дарёнинг қудратини очиб кўрсатади. Асар шеърий симфоник поэма ўлароқ, жанр талабига биноан, туйғулар, мулоҳазалар, образлар уйғунлигида яқунланади. Дарё билан хаёлан суҳбат қилиб, лирик қаҳрамон хулоса қилади:

*Ҳа, дайр денгизда якка инсон - зарра қум,
Замонлар соатидан ўтар у қатор- қатор,
Лекин сен борсан, Аму, денгиздай теран руҳим,
Лекин сен борсан, халқим, кўкрагим Помирча бор.*

Бу сатрлар ва кейинги 8-сатр ўзига хос реприза - мавзунини такрорлаб, асл мақсаднинг яна бир жиҳатини ўқувчига етказишдир.

Албатта, Абдулла Орипов симфонияга ёки ундан кичикроқ бир қисмли симфоник поэмага ўхшатиб лирик поэма ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Бу аниқ гап. У махсус мусиқий билимга эга эмас эди. Симфония таркибий қисмлари, улар қандай аталишини, мусиқий терминларни батафсил тизимли ўрганмаган. Тўғри, рубобда айрим куйларни ("Муножот" каби) ижро этишни биларди. Яхши мусиқани жони - дили билан тингларди. Лекин бадииятнинг баъзи қонунлари шеърият ва мусиқий санъат учун умумийдир. Чунки ҳар иккаласи ҳам тасвирий эмас, ифодавий санъат: инсон туйғулари, руҳияти ҳолатлари ва эврилишларини куйлайди. Фақат бири сўзлардан, иккинчиси оҳанг, куйлардан фойдаланади. Шу сабабдан анъанавий сюжет унсурлари бўлмаган лирик поэма кўпроқ симфонияга ёки қисқароқ симфоник поэмага мос келади. Шоир ўз ғоясини ифодалашда, мақсад-муддаосини баён этишда бадиий самарали усулни излаб интуитив тарзда топган, яхлит шеърий симфония яратган.

Абдулла Орипов асар устида қаттиқ ишларди, баъзи мисраларнинг ўнга яқин, ё ортиқ вариантларини синаб кўрарди. "Қарши қўшиғи" ана шундай оғир заҳмат орқали туғилган асардир. Келажакда матншунос олимлар уларни таҳлил қилар. Шунда шоирнинг бадиий-ижодий тафаккури механизми ҳақида бизлар нисбатан аниқроқ тасаввурга эга бўлармиз.

Мулоҳазалар якунида бир неча фикрларни қайд қилмоқчи эдик. Шеъриятни мусиқага қиёслаш - қадимдан келадиган анъана. Баъзи халқларда, масалан, ҳиндларда, ҳатто шеърлар ўқилмайди, балки куйланади. Абдулла Орипов асарларини ғарбий-европа мумтоз мусиқа санъатининг муайян жанрига ўхшатишни биринчи бўлиб устоз Озод Шарафиддинов бошлаб берган эди. У киши шоирнинг "Онажон" марсияси В.А.Моцартнинг "Реквием" асарига бадиий кучи ва қимматига кўра тенгдир, деган фикрни билдирган эди. Менга ҳам унинг лирик поэмалари Моцартнинг 39,40, 41-симфонияларини, Людвиг ван Бетховеннинг 5 ва 9-симфонияларини эслатади. "Қарши қўшиғи"га хос лиризм уни Моцарт симфонияларига, кўтаринки романтизм руҳи ва шиддатли суръати Бетховен асарларига яқинлаштиради.

Балки, кимгадир Абдулла Ориповнинг лирик поэмаларини симфоник асарга қиёслаш сунъий туюлар, эътироз уйғотар. Лекин шоир феноменини, ўзбек шеъриятига қўшган ҳиссасини теран англаб олиш учун унинг бадиий

идроки ва тафаккури хусусиятларини таҳлил қилиш, янги қиёсий-тарихий, семиотик, культурологик усулларга мурожаат этиш зарур. Кимдир симфония йирик асар, уни адабиётдаги романга, ёки 4 пардали йирик драмага қиёслаш ўринли, дейиши мумкин. Ҳақиқатан - шундай. Симфониядан ташқари, кичик ҳажмдаги симфоник асарлар бор: симфония - сюита, симфония-фантазия, симфония- поэма, симфония-кантата. Википедияда симфоник поэма ҳақида қуйидаги фикрларни учратамиз: "Симфоник поэманинг асосий қисмини одатда турфа характерли эпизодлар қатори (занжири) ташкил этади. Улар сонатавий аллегро нуқтаи назаридан бош партия, қўшимча(ён) партия ва ишланмасига, туркум нуқтаи назаридан



эса - биринчи (тез), иккинчи (лирик) ва учинчи (скерцо) қисмларига мос келади... Оддий сонатавий аллегрога нисбатан симфоник поэма эпизодлари мустақилроқ ва ички тугалроқдир... Симфоник поэмада

эпизодлар ўртасидаги контраст сонатавий аллегрога нисбатан кескинроқ, эпизодлар эса учтадан кўпроқ бўлиши мумкин".

"Қарши қўшиғи"даги эпизодлар экспозиция ва хотимадан ташқари : а) чўлда баҳорнинг тез ёз жазирамаси билан алмашуви; б) ўтмишни хотирлаш, работлар қолдиғи, "жиловдори бўлмаса, юган тортмаган золим" амирлар; в) қудуқни тозалашда тупроқ босиб қолган аждод; г) чўлни ўзлаштиришга жазм этган халқ бунёдкорлиги эпизодларидан иборат. Ҳар эпизодга ички тугалланганлик ва мустақиллик хос. Улар умумий мавзу ва гоё орқали бирлашиб, узвийлик касб этган.

"Қарши қўшиғи"ни 4 қисмли симфонияга ёки кўп қисмли симфоник поэмага ўхшатиш бўйича узил-кесил қарор қилишни, қиёслашни ўқувчининг ўзига қолдирамиз. Абдулла Орипов ўзбек адабиётини кичик лирик поэма жанрининг турли шакллари билан бойитди: психологик поэма, ("Сароб", "Баҳор", "Маломат тошлари"), поэма - қасида ("Ўзбекистон"), дидактик поэма ("Тарбия"), поэма-марсия ("Онажон"), поэма-ҳикоят ("Ҳангома", "Шарқ ҳикояси"), фалсафий поэма ("Тафаккур монолоғи") ва бошқалар.

Лирик поэма жанри бугунги ўзбек шеъриятида ўз ўрнини топди, турли услубларда давом эттирилмоқда. Масалан, Икром Отамуроднинг "Жадвал", "Балки" асарлари кичик лирик поэмалардир. Уларда Абдулла Ориповдагидек, анъанавий эмас, балки модерн услуби қўлланилган.



Bag'rikenglikning tarixiy ildizlari



Шаниқли олим Анатолий Сагдуллаев 1951 йил Қашқадарё вилоятининг Қитоб туманидаги Қайнар қишлоғида таваллуд топган. Ҳозирги ЎЗМУ «Тарих факультети археология бўлими»ни тугатган. (1973) у маъқуф олимгоҳ «Тарих факультетида китоб илмий ходим, ўқитувчи катта ўқитувчи, доцент кафедра мудири, декан лавозимларида ишлаган.

А.Сагдуллаев номзодлик (1978) докторлик диссертация муваффақиятли ёқлаган 250 яқин илмий, ўқув услубий ишлари нашр эттирган 2 нафар фан доктори 12 нафар фан номзод тайёрлаган. 2017 декабрида Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоллига тасдиқланган.

Юрдошимиз А.Сагдуллаевни академикка сайланганлиги муносабати билан самимий табриклаймиз танишхотлик илмий педагогик ишларига улкан ютуқлар тилаймиз.

Толерантлик (бағрикенглик) чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, турли даврлар жамияти ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бағрикенгликнинг шаклланиши ибтидоий жамият даврида инсоннинг ўзини, олами билишга интилиши ва дунёқарашининг кенгайиб бориши, эътиқод, урф-одатлар, тасвирий санъат ва маънавий маданиятнинг вужудга келиши натижасида бошланган.

Ўша олис замонлар, табиий кучларга сизилиш пайдо бўлган даврларда атроф-муҳитда рўй берган инсон учун фойдали ва аксинча зарарли ҳодисалар, одамларнинг мифологик қарашларида эзгу ва ёвуз кучларнинг сайи-ҳаракатлари деб баҳоланган. Ёвуз кучлардан одамлар қўрқишган, уларни ўзларига мойил қилиш учун қурбонлик келтирган, эзгу кучлар эса, уруғ аъзоларининг ҳомийлари сифатида қадрланиб, уларга сажда қилинган¹.

Табиатда рўй берган қарама-қарши кучларнинг абадий кураши, эзгулик ва ёвузлик кураши сифатида талқин қилиниб, у инсон ҳаётида ҳам намоён бўлиши тўғрисида тасаввурлар авлодан-авлодга етиб келган. Шу боис, бундай қарашлар, тасодиф хатарларга тўла бўлган инсон ҳаётининг нотайинлиги ҳақидаги гоёни вужудга келтирган.

Илк ёзма манбалар маълумотларига кўра, Қадимги Шарқнинг цивилизациялари пайдо бўлган даврлардаёқ қадимги халқлар, мисол тариқасида

¹ Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. - М.: Высшая школа, 1968. - С.144.

шумерлар, ҳақиқат ва яхшилик, қонун ва тартиб, адолат ва эрк, ҳиммат ва ростгўйлик ҳамда меҳрибонликни юксак баҳолаб, ёлгон ва ёвузлик, тартибсизлик, адолатсизлик, раҳмсизлик, бузиб кўрсатиш ва бошқа турли иллатларни рад қилганлар¹. Шумерларнинг қарашларида юксак ахлоқий фазилатлар ва ҳиммат инсоннинг эзгулик ва яратувчанликка интилиши, унинг маънавий маданияти маҳсули сифатида талқин қилинмаган, чунки бундай фазилатлар фақат худолар ҳадяси деб ҳисобланган. Шу сабабли, худолар номидан идора қилган ҳукмдорлар буйруқларига биноан битилган қадимий ёзувларида, подшолар томонидан мамлакатда қонун ва тартиб ўрнатилиши, ёвузлик ва зўравонликни батамом йўқ қилиниши ҳақида ахборот ҳамиша ўз аксини топган. Жаҳон тарихи фанида машҳур "Хаммурапи қонунлари"нинг моддалари қуйидаги сатрлардан сўнг бошланган: "Одамларни адолатли бошқариб туриш ва мамлакатга бахт инъом қилиш учун Мардук мени юборганда, ўша замонда мен мамлакатда ҳақиқат ва адолатни ўрнатиб, инсонлар ҳаётини яхши ҳолга келтирдим".² Шунингдек, мазкур қонунларнинг хулоса қисмида шундай эълон қилинади: "Мана адолатли қонунлар, мамлакатга ҳақиқий бахт ва эзгу бошқарув тортиқ қилган қудратли шоҳ Хаммурапи буларни ўрнатган. Мен ўзаро урушлар илдизларини қуритдим, мамлакат ҳолатини яхшиладим, одамларни мустаҳкам манзилларга жойлаштирдим ва қўрқишдан халос қилдим. Зўрлар кучсизларни жабр қилмаслиги, етим ва бевага адолат бериш учун..."³

Мазкур манбанинг муҳим жиҳатлари шундаки, қадимги даврлардан бошлаб, босқинлар, ўзаро урушлар, кучсиз ва ҳимояга муҳтожларни талаш каби воқеаларни салбий баҳолаш, уларга хотима бериш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиё жаҳон цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланади. Мил. авв. III - минг йиллик охири - II - минг йилликнинг бошларида минтақанинг жанубий вилоятлари - Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти шаклланади. Бронза даврига оид мазкур цивилизация "Окс (Амударё) цивилизацияси" деб эътироф этилган.⁴

Ўрта Осиё тарихининг хусусияти шундан иборатки, ҳали олис ўтмишлардаёқ маҳаллий аҳоли таркиби турли даврларда нафақат ички ўсиш ҳисобига, балки ташқи миграциялар эвазига ҳам кенгая борган. Археология маълумотларининг гувоҳлигига қараганда миграция жараёнлари энеолит ва бронза даврига келганда айниқса кучаяди. Бу даврда қадимги зироатчиларнинг Копеттоғ олди, Мурғоб дарёси этаклари, Шимолий

¹ Крамер С.Н. История начинается в Шумере / Пер.с англ.Ф.Л.Мендельсона. - М.: Наука, 1965. - С.127.

² Хрестоматия по истории Древнего Востока. Часть первая. - М.: Высшая школа, 1980. - С.153.

³ Хрестоматия по истории Древнего Востока. Часть первая. - М.: Высшая школа, 1980. - С.174.

⁴ Ламберг-Корловский К. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н.э.: от Месопотамии до долины Инда // Вестник древней истории. - М., 1990. - №1.

Афғонистон ҳамда Сурхон ва Зарафшон воҳаларига кенг жойлашуви қайд қилинади¹. Шунингдек, Белужистон ва Хараппа аҳолисининг Афғонистоннинг жануби ва Ҳинд дарёси водийсидан Панж дарёси ҳавзасига босқичма-босқич сингиб кетишини ҳам таъкидлаш жоиз². Мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвадор аҳолининг Уралбўйи, Марказий Қозоғистон ва ҳарбий Сибир даштларидан Ўрта Осиёга жадал силжиши бошланади. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг энг қадимги тарихи қабилавий миграциялар, турлича иқтисодий ва маданий асосдаги қабилалар ўртасидаги ассимиляция (қоришиб кетиш) жараёнлари ҳамда узоқ давом этган ўзаро маданий ҳамкорлик билан тавсифланади. Бундай шароитда бағрикенглик мезонлари янги асосларда ривож топган.

Қадимги миграцияларнинг асосий сабаблари экологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий таъсирида рўй берган³, жумладан, ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши, ҳосилдор ерлар, сув манбалари ва чорва боқиш учун яйловларнинг камчилиги, иқлимнинг кескин исиб кетиши, қурғоқчилик ва Месопотамия цивилизациялари мисолида – бу ўзаро рақобатчилик, серҳосил ерлар ва савдо йўлларни эгаллаш учун шаҳар – давлатларнинг ўртасидаги урушлар бўлган⁴.

Мил.авв. III минг йилликнинг охирида Олд Осиё ҳудудларида (Сурия, Аккад, Шумер) босқинлар ва ҳарбий тўқнашувлар авж олган. Яшаш учун барқарор бўлмаган бундай шароитда тинч аҳолининг катта қисми, яъни йирик ўтроқ жамоалар аъзолари, ўз ҳудудларини тарк этишга мажбур бўлади. Бунга ўхшаш оммавий кўчиш мобайнида, мигрантларнинг миқдори қадимий йўлларида жойлашган вилоятлар аҳолиси эвазига ошиб борган.

Марғиёна ва Бақтрия заминида бронза даври маданиятнинг шаклланиши (Гонур, Тўғолоқ, Даштли, Сополми, Жарқўтон) илғор цивилизациялар (Аккад, Шумер, Элам) ривож топган ҳудудларидан бошланган миграциялар билан боғланганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас⁵. Асосий археологик белгиларига кўра, Окс – Амударё цивилизацияси Қадимги Шарқ меъморчилиги, ҳунармандчилиги намуналари ва тасвирий санъат обидаларида ўхшашлик топади⁶.

Олис юртлардан кўчиб келган аҳоли гуруҳлари қуйи Мўғоб дарёсидаги

¹ Сариниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: Наука, 1975; Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд, 1993. - 162 с.

² Gardin J.C., Lyonnet B. La prospection archeologique de la Bactriane orientale (1974-1978): premiers resultats // Mesopotamia. 1978-1979, XIII-XIV; Frankfort H.-P. Tradition harappenne et innovation Bactrienne a'Shortughai // L'archeologie Bactrienne ansienne. - Paris, 1985; Сағдуллаев А. Средняя Азия и Индия - формирование ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия (доисламский период). - Т, 2000. - С.119-120.

³ Adams W. Invasion, Diffusion, Evolution // Antiquity. XLII, 1968. - № 167.

⁴ Йоффи Н. Сферы взаимодействия в Месопотамии // Древние цивилизации Востока. - Т: Фан, 1986. - С.120.

⁵ Сариниди В.И. Задолго до Заратустры. - М.: Старый сад, 2010. - С.24-25.

⁶ Сариниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб-Ашгабат, 2002. - 279 с.; Amiet P. Elam and Baktria an Ancient Oasis Civilizations. - Roma-Venezia, 1989; Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. - Т, 2015. - 176 бет.

Марғиёнада деҳқончиликка қулай, аҳоли томонидан ўзлаштирилмаган, бўз ерларга келиб жойлашган. Мазкур даврда воҳа сув манбаига сероб эди, чунки Амударёнинг сувлари Калиф Ёзбой ўзани орқали Мурғоб воҳасига етиб борган, Мурғоб дарёси Амударёнинг қадимий ирмоғи бўлган.

Ўзлаштирилган ерларда бир вақтнинг ўзида кўп сонли манзилгоҳларга асос солинади, шунингдек мигрантлар воҳа чегараларидан чиқиб, Шимолий Афғонистонда қуйи Балхоб воҳаси, Жанубий Ўзбекистонда Ўланбулоқсой ҳамда Шеробод воҳаларида жойлашиб, бу ердан улар Бухоро воҳаси, юқори Зарафшон (Панжикент атрофлари), Шарқий Фарғона¹, ҳамда Тарим дарёси (Шарқий Туркистон) ҳавзасига йўл олганлар². Шунингдек, Окс цивилизация вакиллари шимоли-шарқий Афғонистон орқали Ҳинд водийсига етиб бориб, мазкур заминда Хараппа маданиятининг анъаналари Бақтрия-Марғиёна, яъни Окс цивилизациясининг маданий инновацияларига алмашади³. Таъкидлаш жоизки, бундай узоқ масофадаги бронза даври миграциялари тинч шароитда амалга оширилган. Қабилалар томонидан ўзлаштирилмаган дарё воҳаларидаги қўриқ ва бўз ерлар ҳамда тоғолди ва даштларда кенг яйловларнинг сероблиги туфайли, мигрантлар рақибларни деярли билмаган.

Хуллас, бронза даврида яшаш ерлари тобора кенгайиб, тинч шароитдаги маданиятнинг ривожланиши ўзаро алоқаларга асосланган.

Мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида дашт яйловларида боқиладиган чорвачилик кенг ёйилиб, хўжаликнинг махсус турига айланган. Сирдарё, Амударё, Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб дашт чорвадорларининг миграция йўллари пайдо бўлади. Чорвадорларнинг баъзи бир гуруҳлари ўтроқ бўла бошлаган ва дастлаб, деҳқончилик билан машғул бўлган аҳолининг воҳа чегараларида жойлашиб, кейинчалик зироатчилар билан этномаданий жиҳатдан қоришиб кетганлар⁴. Шу боис Ўрта Осиё халқларининг қадимги этник тарихи қуйидаги тартибда кечган: туб (автохтон анъаналар) - синтез - янгиланиш, яна анъаналар ҳамда этномаданий янгиланганлар- инновацияларнинг бўй кўрсатиши. Шу асосда Ўрта Осиё халқларининг ёзма манбаларидан маълум бўлган қадимий элатларнинг (марғиёналиклар, бақтрийлар, суғдийлар, хорасмийлар) ва сак-массагетлар каби кўчманчи қабилаларнинг шаклланиши рўй берди.

Бағрикенгликнинг тарихий илдизларига мурожаат этар эканмиз, юқорида тилга олинган даврларнинг тарихий жараёнларларида хилма-хил эътиқодлар, урф-одатлар, моддий маданиятнинг кенг ҳудудий доирасида ёйилишига ёрдам берган тинч таъсир йўлини кузатиш мумкин. Бу нафақат ташқи маданий алоқалар, балки тўғридан-тўғри аҳоли кўчиши -миграция

¹ Атанбаева Б.Е., Рогожинский А.Э., Мэрфи Д. Могильник Шагым - новый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы // Археологические исследования в Узбекистане. 2004 - 2005 г.- Т, 2006. - С. 256 - 264.

² Сарияниди В.И. Задолго до Заратустры. - М.: Старый сад, 2010. - С.117-118.

³ Сарияниди В.И. Древности страны Маргш. - Ашхабад, 1990. - С. 99-101.

⁴ Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. - Т: Университет, 2004. Б.33-35 бетлар.

жараёнларига асосланган бўлиб, турли дунёқараш, маънавий синтези, шунингдек, этник қоришиб кетиш юз берди¹.

Ёрта Осиё минтақасининг муҳим географик шароитдаги маданий-иқтисодий йўллар чорраҳасида жойлашуви сабабли, бу замин илғор ихтиролар, маданий ютуқларни ривожлантириш масканига айланди.

Умуман олганда, қадимда рўй берган трансминтақавий миграция жараёнлари, цивилизациянинг янги марказлари тараққий топиши омили сифатида талқин қилинади. Бу борада халқларнинг автохтон ривожланиши ва миграцияларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири масаласига эътибор бериш лозим. Миграциялар, кўп ҳолларда, тил, эътиқод, маданият, ахлоқий ва маънавий қарашларнинг ўзгаришига олиб келиб, жамиятнинг тараққиётига хизмат қилган².

Шу қаторда, қадимги халқларнинг ўзаро муносабатларига, инсонпарварлик ва бағрикенгликка катта таъсир қилган салбий омилларни қайд этиб ўтиш керак. Улар, биринчи гада, зўравонлик, ҳарбий босқинлар ва урушлар билан боғлиқдир.

Ёрта Осиё халқлари тарихига оид илк ёзма манба "Авесто" ва археологик маълумотларга кўра, мил.авв. VIII-VII асрларга келиб минтақанинг дашт ва тоғли ҳудудларида яшовчи кўчманчи чорвадор қабилалари ҳарбий соҳа ва қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқаришда (ҳарбий болталар, ханжарлар, бронза найзалар ва ўқлар) катта муваффақиятларга эришиб, уларнинг суворий қўшинлари ўтроқ зироатчи аҳолига таҳдид солади. Мазкур даврда ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш мақсадида (деҳқончилик воҳалар ҳудудини ҳимоя қилиш) катта мудофаа ишлари амалга оширилиб, мустаҳкам қалъа-марказларидан воҳалар аҳолиси учун бошпана, жамоа мулкининг асосини ташкил этувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилган. Бундай қалъалар археологлар томонидан Марғиёна, Бақтрия, Суғд ва Хоразм воҳаси ҳудудларида топиб текширилган.

Шу давр деҳқончилик ва чорвадор аҳоли ўртасидаги сиёсий қарама-қаршилиқлар, кураш ва тинимсиз босқинлар ҳақида "Авесто"нинг Яшт китоби маълумот беради: "Кўп яйловларга эга Митрани биз улуглаймиз, қонхўр душман қўшинларига қарши чиқиб жангга кирган мамлакатлар ҳукмдорлари унга сажда қиладилар"³. Шунингдек, бошқа жойда: "Яйловлари кенг Митра, бизнинг кучларимизга қувват, ўзимизга саломатлик бер, душманларни узоқдан кўриб, ҳар бирини, барчасини бир зарба билан енгишга салоҳият бер"⁴.

Қабилалар бир-бири билан ёвлашарди. Босқинлар, урушлар, инсон зотига чексиз жудоликлар, қиргин келтирарди. Йўлбошчилар ва жангчилар

¹ Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. - Т: Академия. 2004. - 29 бет.

² Ртвеладзе Э. Цивилизация, государство, культуры Центральной Азии. - Т, 2005. - С.33;

Мавлонов Ё. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. - Тошкент: Академия, 2008. - Б.315.

³ Хрестоматия по истории Древнего Востока. Часть вторая. - М.: Высшая школа, 1980. - С.65.

⁴ Авеста. Избранные гимны / Пер.с авестийского И.М.Стеблин-Каменского. - Душанбе: Адиб, 1990. - С.77.

ҳарбий юришларга чиқиб, кучсиз ва ҳимояга муҳтожларни талар эдилар. "Авесто"да таъкидланишича, босқинлар ва ўзаро урушлар "хонадонларга, манзилгоҳ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ва вайронлик келтирарди".

Мана шундай нотинч шароитдаги тарихий саҳнада Заратуштра (Зардушт) пайдо бўлади. Зардуштийларнинг ривоятларига кўра, у етти ёшда ўзининг юртида жамоа аъзолари томонидан риоя қилинган урф-одатлар, маросимлар ва одамлар қадрланган эътиқодлар асосларини ўрганишни бошлаб, 15 ёшида руҳоний "атаурван" вазифасини бажарган. Худди шу ривоятлар бўйича, Заратуштра 30 ёшга тўлганда, у улуг ва донишманд тангри Ахурамазда ваҳийларига эга бўлиб, ҳақиқий дин таълимоти унинг қалбидан ўрин олган¹.

Заратуштра бир неча бор бедодлик ва зўравонликлар гувоҳи бўлганлиги учун, унинг дастлабки тарғиботлари бағрикенглик гоёлари билан суғорилиб, ёвузлик ва зўравонликка қарши қаратилган. Шу туфайли тартибга чақириш, адолатга интилиш, хулқ, одоб таълимотининг асосини ташкил этган. "Куч ва имконим борича мен одамларни ҳақиқат "аша"га чорлайман", - дея Заратуштра тангри Ахурамаздага қасмёд қилади.

"Аша" - тартиб, имон ва адолат тимсоли. Унга эзгу ният (эзгу фикр), эзгу сўз, эзгу амаллар билангина эришиш мумкин. Зардуштийлик таълимоти, биринчи галда, бағрикенглик гоёлари билан узвий боғланган бўлиб, унда инсон учун алоҳида муҳим ўрин ажратилган. Мазкур таълимот одамзотнинг ер юзида фаровон яшашига, инсон манфаатларига алоҳида аҳамият беради ҳамда инсоний ҳаёт тамойилларига чуқур эҳтиром кўрсатади.

Зардуштийлик фалсафаси бўйича, эзгулик ва ёвузликнинг курашида инсонга алоҳида ўрин ва имкониятлар яратилади. Инсонда эзгу ният ҳамда фикр-хаёллари инсоний бўлиши керак, у ҳаётни бузиш, вайрон қилиш эмас, балки одамлар ўртасида бағрикенгликка доир яхши муносабат, эҳтиром ўрнатиш, бунёдкорлик ва борлиқни гўзаллаштириш ҳамда борлиқдаги ҳаётни мукаммаллаштиришга қаратилган амаллар билан машғул бўлмоғи лозим.

Заратуштранинг насиҳатларига кўра, инсон учун фароғатли ҳаёт - нотаниш, хаёлий жаннатда эмас, балки унга таниш, қадрдон, жонли дунёда бўлиши лозим. Шу боис, "Авесто" оилани, фарзандларни, уй-жойни асраб-авайлашга даъват этади: "Кимнинг уй-жойи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир". Одамлар бир-бирларига мадакдор бўлиши керак. Зардуштийлар жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари кундалик ҳаётидаги хулқи учун жавобгарлигини ҳис қилганлар. Уларни мақсадди, умумий ҳаётини муаммолар ва вазифалар оғир дақиқаларда бирлаштирган, эртанги кунининг фаровон бўлишига умид бағишлаган.

"Авесто" юксак ахлоқ, инсонпарварлик, покиза виждон, марҳаматлилик,

¹ Бойс М. Зороастрийцы. Вера и обычай. / Пер.с англ. И.М.Стеблин-Каменского. - М.: Наука, 1987. - С.29-30.

инсонга ва она заминга нисбатан доимий гамхўрликни тарғиб этади. Бугунги кунда ҳам "Авесто" фалсафаси долзарбдир. У инсониятнинг ёруғ келажагига, адолат тантанасига ишонч ва умид бағишлайди.

Жаҳонда илк глобаллашув жараёни мил.авв.VI аср ўрталарида Форс подшолиги – Аҳамонийлар давлатининг шаклланиши даврига тўғри келади. Юнон тарихчиси Геродотнинг айтишича, бу йирик полиэтник давлат, шоҳ Доро I даврида 80та қабила ва элатларни ўз таркибида бирлаштирган. У подшолик – монархия бўлиб, шоҳнинг чегараланмаган ҳукмронлигига ҳамда ҳарбий – маъмурий бошқарувга асосланган.

Ўрта ер денгизи соҳилларидан Ҳинд водийсигача жойлашган юртлар сингари Ёрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари – Парфия, Маргиёна, Бақтрия, Суғд, Хоразм ҳамда саклар юрти Аҳамонийлар ҳукмронлиги остига тушиб қолиб, форсларнинг минтақадаги ҳукмронлиги 200 йилдан ортиқ давом этган.

Ўрта Осиё аҳолиси Шарқнинг бошқа тобе бўлган халқлари сингари, форс шоҳига кумуш, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда чорвадан иборат турли хил солиқларни тўлаб, давлат миқёсидаги турли меҳнат мажбуриятларини бажаришар ва Аҳамонийлар армиясида алоҳида ҳарбий қўшинларни (суворий, пиёда жангчилар) ташкил этишар эди.

Аҳамонийлар давлатида турли ирқлар, тиллар ва маданиятларга мансуб, динлари хилма-хил халқлар истиқомат қилган. Бундай ранг-баранг этномаданий шароитда толерантлик муҳим аҳамият касб этган.

Геродот форсларнинг бошқа халқларга нисбатан муносабатларини таърифлаб, шундай ёзади: "Форсларда ҳаммадан кўра (ўзларидан кейин), энг яқин жойлашган ўзга халқлар иззат-ҳурматга эга, сўнгра-хийла узоқлашганлар, кейин эса эҳтиром қўшниларнинг узоқлашишига боғлиқ эди. Форслардан чекка ўлкаларда жойлашган халқлар ярамас ҳисобланиб, улар озроқ ҳурматга эга бўлган"¹. Шунингдек, тарихчининг айтишича: "Бошқаларга нисбатан форслар ичида бировларнинг одатларини олиб ўзлаштиришга иштиёқлар зўр. Улар мидияликларнинг кийим-кечакларини гўзал деб кийиб юрадилар, урушларга отланиб, мисрликлар яроғ-аслаҳаларини тақиб оладилар"².

Форс шоҳлари ички низолар ва ғалаёнларни ҳамда ўзларига қарши қўзғолонларнинг олдини олиш мақсадида этнослараро муносабатлар сиёсатига алоҳида эътибор берганлар. Аҳамонийлар даври турли халқларнинг этномаданий ассимиляцияси ва уларнинг диний тасаввурлари қоришиб кетиши билан изоҳланади.

Давоми келгуси сонда

¹ Геродот. История. В девяти книгах / Пер. Г.А.Стратановского. - Л.: Наука, 1972. - Кн. I., 134.

² Геродот. Кн. I, 135.

КИТОБ- ВЕВАНО НЕ‘МАТ

«Китоб-барча бунёткорлик яратувчилик ва ақл идрокнинг, илмий донишнинг асосидир ҳаётни ургатувчи мураббийдир». Соҳибқирон Амир Темур



Китоб-билим манбаи, яхши дўст, дардкаш, маслакдош, қалбадаги қуёш, сирдош... Бу таърифни яна давом эттириш мумкин. У шундай қудратли кучга эга-ки, ундан олган маънавий озукани ҳеч қаердан, ҳеч кимдан ололмаймиз.

Инсонинг яшашдан мақсади нима? Ҳамманинг орзуси ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ мақсади битта - жамиятда фойдаси тегадиган шахс бўлиш. Китоб бизни ана ўша улкан орзу ва мақсадларимиз сари етакловчи буюк манба, айтиш жоиз бўлса, бебаҳо неъматдир

Китоб шуниси билан сирлики, қулоғи йўқ-эшитади, забони йўқ-сўзлайди, юраги йўқ, лекин тирик, ўлмайди. Китоблар-мозий даракчиси, бугуннинг тарбиячиси ва муаллими, калажакнинг йўлбошчисидир. Китобни маънавий хазина, ҳақиқий бойлик дедик. Уни чин дилдан қадрлаган Абу Али ибн Сино оғир бетоб бўлган Бухоро ҳукмдори Нух ибн Мансурни даволагач, эвазига олтину кумушлар тўла сандиқни эмас, балки сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритишни афзал кўрган эди. Илмга, китобга ошно инсонлар тақдирида бу каби ҳодисаларни кўплаб учратиш мумкин.

Китобни қуёшга қиёслаш ўринлидир: қуёш инсоннинг жисман улгайиши учун қанчалик муҳим ўрин тутса, китоб маънан баркамоллик учун ҳам шундай аҳамиятга эга. Ўқиш давомида китобни мутолаа қилиш жараёнининг ўзидаёқ инсоннинг онги ва дунёқараши шакллана боради. Китобнинг ўзи бир олам. Уни такрор ва такрор ўқиш давомида янгидан янги уфқлар кашф этилади, ҳар гал уни қайта мутолаа қилган одам ундан ўзгача таассуротлар олади. Айтишларича, Форобий Арастунинг "Жон ҳақида" деб номланган асарида ўз қўли билан: Мен бу асарни

200 марта ўқидим деб ёзиб қўйган экан.

Китобдан шунчаки эрмак, зерикишда қўл келадиган бир восита сифатида фойдаланиш ярамайди. Китоб онг ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайди, шахсни шакллантиради. Китоб одамдан мутолаада нафақат кўз ва ақл, шунингдек, кўнгил ҳам бирдек иштирок этишини талаб қилади. Китоб ўқишдан мақсад ақл-тафаккур билан уни мантиқий муҳокама этишгина эмас, балки чин юракдан завқланиш, таъсирланиш, ўзликни, ҳақиқатни излаб топиш ҳамдир.

Файласуф Янминдан дўсти сўради: - Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмаса нима қилмоқ керак?

Ван ЯнМин деди: - Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурияти ҳам иккинчи даражали нарса. Энг аввало, китобнинг асосий моҳиятини англамоқ жоиз.

Китобларга уларни ёзган шахслар ўз руҳияти, тафаккури, жисми жонини бахшида этадилар. Оламда неки аллома, донишманд, авлиёлар, файласуфлар етишиб чиққан бўлса, уларнинг барчаси китоблар туфайлидир. Ҳозирги ахборотлар шиддат билан оламни қамраб олаётган бир пайтда шу вақтгача эришилган ютуқларнинг асоси китоб эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Замонамиз анализ-синтез-мушоҳада замони. У биздан инсоният ўтмиши, сирлари ва ютуқларини чуқур, теран фикрлаш асосида ўзликни англаш ҳамда келажак томон масъулият билан қадам ташлашни талаб қилмоқда. Биз руҳиятимиз, қалбимиз, яъни ўз оламимиз ва табиат билан қайта тил топишмоқчи эканмиз, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, китоблар мутолаасига қайтишимиз зарур. Ҳар бир инсон асл китоблардаги мазмун ва моҳиятни ақли ва қалби билан идрок этиши, завқланиши, олган билимларини ҳаётий фаолиятида муносиб қўлласа бу муаллифларнинг чинакам муваффақиятлари ҳисобланади.

Ўтмишда ота-боболаримиз илмга ташна, китобга меҳр қўйган халқ ҳисобланган. Тарихдан бизга маълумки, буюк соҳибқирон бобомиз А.Темур қайси давлатни ишғол қилса ўша давлатнинг кутубхонаси билан танишган. Ўзига ёққан китобларни ҳамиша ёнида олиб юрган, бўш вақти бўлдики, китоб мутолаа қилган.

Оилада китоб ҳақида гап кетса отам ўтган асрнинг 60 йилларидаги воқеаларни кўп эслайдилар. У пайтда телевидения ҳали унча ривожланмаган, радио ҳам саноқли оилаларда бўлган. Қишнинг узун кечалари қишлоқнинг олди кишиларининг ташқари ҳовлисидаги меҳмонхонада одамлар жам бўлиб дoston ва қиссаларни қиссахонларга ўқитиб тинглаганлар. Қиссахонликлар узоқ кечалари тонг отгунча давом этган. Шунда отамга ўхшаган китобсевар ёш йигитлар уларга чой ташиб бериш орқали ўқилган асарларни тинглашган. Шундан бўлса керак отам ҳам адабиётга меҳр қўйган. Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

сифатида ҳар бир газал, ҳар бир дostonнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилари қалбига жо қилган, шу билан бирга биз фарзандларини ҳам адабиётга, китоб оламига ихлосманд этиб тарбиялаган.

Мутолаа бир сўз билан айтганда инсонларнинг ҳаётий фаоллигини оширишга, жамият аъзоларининг маънавиятини юксалтиришга, давлат ва халқ манфаатига хизмат қилишга, озод ва обод Ватанни бунёд этишга, одамларнинг дунёқараши, тафаккури, руҳияти, ишонч ва эътиқодини ривожлантиришга хизмат қилади. Шундай экан инсон мутолага доимо эҳтиёж сезади. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан "Бешиқдан то қабргача илм олиш фарз" ҳадиси бекорга айтилмаганлигининг шоҳиди бўламиз.

Инсон учун ўқиёлмай қолиш фожиа, катта йўқотишдир. Инсон йўлини йўқотса, соғлиғидан айрилса, бахтсизликка учраса, қалбини ғам-алам қопласа китобга суянади. Ундаги воқеа ва ҳодисалардан хулоса қилади, зарур ҳолларда асар қаҳрамонидан ўрнак олади, китоб инсонни сабр-қаноатга, шукроналикка ундайди. Лекин, соғ бўлсада ўқимай қўйган кишини кўзи очиқ бўлсада, кўрмай қолган сўқирга мингазилади.

Манбаларда келтирилишича Англия давлатининг таниқли сиёсатчиси Маргарет Тетчернинг ҳам болалик чоғларида ўйинқароқ бўлганини, тенгқурлари билан сайлларга, турли хил кўнгилочар тадбирларга боришни истаганини, аммо қаттиққўл отаси бунга сира рухсат бермаган экан. Падали бузруквори уни бўш қолди дегунча китоб ўқишга ундар, нимани ўқиб, нимани ўзлаштираётганини мунтазам назорат қилиб борар, уйда отаси бўлмаган вақтлари бу юмушни онаси бажарар экан.

Бунинг натижаси қандай бўлганини катта авлод вакиллари билади. Ўтган асрнинг 80 йиллари ҳукумат тепасига келган Маргарет Тетчернинг оқилона сиёсати туфайлигина иқтисодий жиҳатдан жар ёқасига келиб қолган Англия ривожланишининг янги босқичига чиққанлиги барчага маълум.

Бугунги ахборот асри деб аталмиш замонамизда глобал муаммоларга ечим топиш учун ҳам китобнинг ўрни муҳим. Ҳозирги кунда электрон кутубхоналар, электрон китоблар, интернет журналистикаси инсонларга ахборот олишни, мутолаа қилишни замонавий ва тезкор усулларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Лекин китобнинг ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Китобни асрлар оша авлодлар ўқийди. Халқимиз орасида ота-боболари тўплаган китобларни асраб-авайлаб, маънавий мерос сифатида эҳтиётлаб сақлаб келаётган хонадонлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Улар ўз авлодларига ушбу хазинани улкан бойлик сифатида қолдирганлар. Ҳозирги кунда уларнинг набира-ю, эваралари ҳам китобга меҳр қўйиб, уни ўқиш орқали

маънавий салоҳиятларини бойитиб келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда китоб – жонли, сеҳрли мўъжиза сифатида инсоннинг қалбига ҳузур-ҳаловат бағишлайди, қалбини чулғаб олган ғаму-ташвишни, танасидаги дарду-азобни унутишга ёрдам берувчи малҳам ҳисобланади.

Мутолаа учун кенг имконият пайдо бўлган бугунги давримиз кишилари ўртасида китобхон, китобсевар, китобпарвар, китобийғар... сифатида турли инсонларни учратамиз. Китобхон кишилар китобни сотиб олишга имкониятлари бўлмаса-да бировдан олиб бўлса ҳам ўқишни давом эттираверади. Китобсевар инсон эса совға сифатида ҳам китоб олишни ва китоб совға қилишни яхши кўради.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев сайлов олдида вилоятимизга ташриф буюриб, Шаҳрисабзда сайловчилар билан учрашганида Касбилик китобсевар инсон марҳум Холбой ота Хонқуловнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, китоб мутоласига меҳр уйғотиш борасидаги эзгу ишларини эътироф этиб ўтган эди.

Касбилик Холбой Хонқулов оддий деҳқон бўлса-да китобга жуда меҳр қўйган, имконияти бўлди дегунча китоб сотиб олган. Китобларини асраб авайлаб жавонда сақлаган. Йиллар ўтиши билан унинг йиққан китоблари тўпланиб катта кутубхонага жо бўладиган хазинага айланган. Холбой ота Хонқулов қишлоқда мўъжазгина кутубхона қуриб уйдаги китобларини тартиб билан жойлаштириб, қишлоқ аҳлини айниқса ёшларни китоб мутоласига қизиқишларини ошириб борган. Қарангки, бугунги кунда Холбой ота бу дунёни тарк этган бўлсада ундан маънавий мерос бўлиб қолган кутубхонасини фарзандлари ва набиралари юритиб келмоқда. Қишлоқнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турган бу маънавият хазинаси ҳар куни одам билан гавжум. Кутубхонага кирган инсон борки, китобларини ўз қишлоқдошларига маънавий хазина сифатида қолдирган Холбой отанинг руҳи покларига дуо қилади. Холбой отанинг кутубхонаси билан танишар эканман хаёлимда сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг

"Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от" деган ҳикматли байти эсимга тушди. Шу билан бирга орамизда меҳмонхонасидаги ҳашаматли китоб жавонида турли туман китобларни йиғиб, келган меҳмонларга ўзини китобхон, китобсевар кўрсатадиган кишиларнинг ҳам борлиги кўз олдимга келади. Улар катта маблағ эвазига йиғилган китоблар кўрғазмаси орқали ўзларига сохта обрў олишни яхши кўрадиган кишилар тоифасига киради. Шу ўринда севимли ёзувчимиз Асқад Мухторнинг "Китоб бойлик, лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани" деган ҳикматона сўзларини эслайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларимизнинг китобхонликка эътиборини жалб қилишга, уларнинг мутолаа

маданиятини ўстиришга жиддий эътибор бераётганлиги бежизга эмас. Айтиш жоизки, Президентимиз томонидан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" да белгиланган вазифалар доирасида таълим тизимининг қайтадан ислоҳ қилинаётганлиги ҳам билим олувчиларнинг билими, маънавий ва ахлоқий даражасига қараб ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларининг сифат ва самарадорлигини белгилаши ҳам таълим масканларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Чунки, педагог ўз ўқувчилари учун ҳар томонлама баркамоллик мезони ҳисобланади. Унинг билимдонлиги, ҳозиржавоблиги, кўп китоб мутолаа қилганлиги, ахлоқий сифатлари, ватанпарварлик каби ижобий фазилатлари ўқувчига таъсир этмасдан қолмайди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида"ги ПФ-4789-сонли фармойиши, шунингдек, жорий йил 13 сентябрь куни қабул қилган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори халқимизнинг китоб мутоласига бўлган эътиборини тубдан ўзгартиришга даъват қилди десак хато бўлмайди. Айни кунларда мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кўтариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Китобхонлар байрами" муҳим аҳамият касб этмоқда. "Мен, отам-онам, бобом ва бувим-китобхон оила", "Энг яхши китобхон оила", "Маҳалламизнинг китобсевар оиласи", "Бир фарзандга уч китоб акцияси", "Китобхон мактаб" каби тадбирларнинг самараси катта бўлмоқда.

Қувонарлиси, уларда ҳар бир умумтаълим мактаби, минг-минглаб ўқувчилар иштиёқ билан, ҳавас билан фаол иштирок этмоқдалар.

Жорий йилнинг апрель ойида мактабларимизда ўтказилаётган "Сиз фарзандингизга китоб совға қилдингизми..." мавзусидаги акция ўтказилаётганлиги муносабати билан мен ҳам иштирок этдим. Тадбирга иштирок этиш учун ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилган экан. Залда ўзгача ҳаёжон ва кўтаринки кайфият ҳукм сурмоқда. Шунда менинг ёнимга бир ўқувчининг отаси келиб, менга айтадиган фикри борлигини баён қилди. Биргалашиб ғала-ғовур залдан мактаб ҳовлисига

чиқдик. Шунда ўқувчининг отаси ушбу тадбир ҳақидаги ўз кечинмасини ҳаёжон билан менга сўзлаб берди. Унинг айтишича у тадбиркорлик билан шуғулланиши, оиласида фарзандлари тўкин сочинликда яшаётганлиги, уларга доимо янги урфдаги кийим бошу, туғилган кунларида қимматбаҳо совғалар олиб бериши, мактабда ҳам доим сўнгги русумдаги машинада олиб кетиб юришини, муҳими олиб берган совғаяю, кийим кечаклар уларга гўёки қизиғи йўқдек туюлиши, бир тасодиф билан мазкур тадбирга иштирок этганида мактаб раҳбарияти томонидан тадбир сўнгида ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида бадий китоб совға қилинган, ўшанда ўқувчилар қаторида устозидан китоб олган фарзандининг кўзларида шу пайтгача у илғамаган бир қувончни кўрганлигини айтди.

-Шу пайтда кўзимда ўзим билмаган ҳолда ёш қалқди. Фарзандимнинг қалбида хурсандчилик уйғотадиган энг яхши совға бу китоб эканлигини англаб етдим. Шунинг учун боланинг қалбида маънавий озуқа берадиган, қанча фойдаланса шунча кўп маъно-мазмун бахш этадиган ноёб нарса бу- китоб эканлигини, фарзандларимиз шуурига шундай бебаҳо неъматга нисбатан меҳр уйғота билган устозларга миннатдорчилик билдирмоқчи эдим, - дея сўзини якунлади. Энг қизиғи шундаки, бу тадбиркор ота мактабга тадбир ташкил этилаётганлини эшитса бир қучоқ китоб билан келиб ўқувчиларга совға сифатида тақдим қилишни одат қилиб олибди.

2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган ўқув йили режасига асосан мустақил ўқиш учун алоҳида соатлар ажратилди, ҳар бир дарснинг беш ёки ўн дақиқаси давомида ўқувчиларнинг ўқиган асарлари муҳокамасини ўтказиш давомида ўқувчи ўзи мустақил ўқиган китобини тенгдошларига таништириши, тарғибот қилиши йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиниб бошланғич синфларда эртақ ва ҳикоялар, юқори синфларда роман, қисса, ҳикоя ҳамда жаҳон адабиёти намёндаларининг кичик асарлари ўқитилмоқда. Шу билан бирга умумтаълим мактабларида "Энг зўр китобхон", "Энг яхши иншо муаллифи", "Ифодали ўқиш устаси", "Ўазалхон ўқувчи", "Мен севган қаҳрамон", "Мен севган адиб", "Жаҳолатга қарши-маърифат" каби танлов ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган ўқувчиларни китоб совға қилиш орқали рағбатлантириб бориши ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан 28 номдаги бадий китоблар жамланмаси вилоятимиздаги барча умумтаълим мактабларига етказиб берилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, умумтаълим

мактабларининг кутубхоналарида сақланаётган китобларлар бугунги замон талаблари даражасида эмас, қўлдан қўлга ўтиб ўқилган китобларнинг кўпчилиги маънан эскирган, кўриниши мақтарли даражада эмас, тўлиқ янгиланмаган, китобхонларнинг талабини тўлиқ қондирадиган даража эмас эди. Бу ҳолатни теран англаган вилоят ҳокими З.Рўзиевнинг бевосита ташаббуси ва саъйи-ҳаракатлари билан яна бир савобли ишга қўл урилди. Республикамизда чоп этилган жаҳон ва ўзбек бадиий адабиёти, болалар адабиёти, шунингдек, ўқув фанларига доир ўқув ва методик қўлланмалардан иборат 92 номдаги 1110 нусхадаги китоблар вилоятмиздаги барча мактабларнинг кутубхоналарига етказиб берилди.

Вилоят раҳбари томонидан "Ёш китобхон" Республика кўриктанловида иштирок этиб фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган Қарши Давлат университети, тарих факультети учинчи босқич талабаси Абдулазиз Қурбоновнинг қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши ҳам ёшларимиз қалбида китобга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга даъват бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳозирги кунда барча умумтаълим мактабларида "Китоблар кўргазмаси" ташкил этилиб, унда болалар адабиёти ва жаҳон адабиёти ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти намуналари номойиш қилинмоқда. Кўргазмага қўйилган китоблардан ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар ўзларига ёққанини харид қилишиб оилавий кутубхоналарини бойитишмоқда. Бу каби тадбирлардан ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари беҳад хурсанд. Чунки бу тадбир орқали ўқувчи, ўқитувчи ҳамда ота-оналарнинг китоб харид қилиш борасидаги вақтлари тежалиб, имкониятлари кенгаймоқда.

Мактаб ўқувчиларининг ижара дарсликларини тўғри шакллантириш натижасида муомаладан чиқарилган китоблардан тушадиган маблағлар ҳисобига ҳам умумтаълим мактабларининг кутубхоналари зарурий бадиий адабиётлар билан бойитилмоқда. Бу ҳам ўқувчиларимизнинг китоб ўқишга бўлган муносабатларига ижобий таъсир этмоқда.

Ҳар йили ўқув йили якуни муносабати билан ўтказилаётган тадбирда ҳам ҳомий ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан аъло баҳо ва намунали хулқи билан ҳурматга эришган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига китоб совға қилинади. Бу каби тадбирлар ўқувчиларнинг маънавий дунёсини янада бойишига, китоб энг қимматбаҳо совға сифатида яхши инсонларга тақдим этилиши каби миллий қадриятларимизнинг бир кўриниши эканлигини англаб боришларида муҳим ўрин тутаяди.



Amir Temur siyosiy hokimiyatini mustahkamlashda Surxon vohasining o'рни

Термиз тарихини тадқиқ қилишда ўрта аср ёзма ёдгорликларининг аҳамияти каттадир. Ҳозирги замон тарихнавислари шаҳар тарихи ва маданий тараққиёти манзараларини тиклашда, унинг янглиш саҳифаларини ҳақиқат қўли билан тузатишда ўша манбаларга таянадилар. Буюк араб сайёҳи Ибн Баттута (1304–1372) ҳаётининг 28 йилини сафарга бағишлаб Шимолий ва Ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Туркия ва Эрон, Марказий Осиё ва Ҳиндистон, Шарқий Европа ва Испания, Афғонистон ва Хитойнинг кўплаб шаҳарларини зиёрат қилади, қолган умрини ўз таассуротларини батафсил баён қилишга бағишлайди. Сайёҳ 1333 йилда Марказий Осиёга келади, бу даврда Термиз Чигатой улуси тасарруфида бўлиб, мамлакатда мўғул хонлари орасида биринчи бўлиб исломни қабул қилган Аловуддин Тармаширин (1326–1334) ҳукмронлик қилар эди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ва Тармаширин қароргоҳида меҳмон бўлган Ибн Баттута Термизга тахминан май ойининг охирида келади. Олдинроқ сайёҳ шаҳар ҳукмдори Аъло ал-Мулук Худовандзода билан учрашиб, ундан махсус йўлланма олади. Ушбу маълумотнинг ўзиёқ шаҳар тарихидаги қоронғи саҳифаларни ёритишда катта аҳамият касб этади. Биринчидан, Термизда ҳам Марказий Осиёнинг бошқа кўплаб шаҳарлари каби, ҳокимият мўғуллар қўлида бўлсада, маҳаллий халқ вакиллари ҳукмронлик қилишган. Иккинчидан, Аъло ал Мулук Термиз саййидлари хонадони вакили бўлиб, бу бошқа манбаларда ҳам қайд қилинган. Бу айрим тадқиқотчиларнинг, шубҳасиз, Чингизхон Термиз аҳолисини бутунлай қириб ташлаган, деган фикри ҳақиқатга зид эканини тасдиқлайди.

Шу даврда мўғуллар томонидан вайрон этилган Балх XIV асрнинг биринчи ўн йилликларигача хароба ҳолида қолган. Термиз шаҳри тез орада бошқа бир жойда янгидан қад кўтаради. XII–XIV асрларга оид Хитой манбаларида айтилишича, Термиз эски ва янги шаҳардан иборат бўлган. Бир неча юз оилани ташкил қилувчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган, Амударёнинг шарқида жойлашган Тислими шаҳри балиқлари билан машҳур бўлган, тўқай ва қамишли чакалакзорлар ғарбга томон чўзилиб кетган. Академик И.Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, "хонаки китобхон эмас, балки ўрта асрларнинг энг йирик, тажрибали географ сайёҳи" бўлган

Ибн Баттута (Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Иброҳим ибн Юсуф ал Лавоти Тажний) Термиз орқали ўтган. У "Тухорат аннуззар фи гаройиб аламсар ва ажойиб алафсар" номли асарида ёзишича, Термиз "Ўзининг чиройли иморатлари ва бозорлари билан машҳур бўлган катта шаҳардир. Шаҳарни кўплаб ариқ ва анҳорлар кесиби ўтади, унинг чиройли боғлари бор, жуда ширин узум ва беҳилар етиштирилади. Аҳоли гўшт ва сутни кўп истеъмол қилади. Шаҳарликлар ҳаммомга тушганларида қатиқ ва тафла деб аталувчи лой совун билан ювинишган. Бу нарсалар ҳар бир ҳаммомчида бўлган. Ҳаммомда кўплаб кўзалар сақланиб, улар қатиқ билан тўлдирилган, қатиқ ва тафлада ювиниш сочни тозалайди ва юмшоқ қилади. Эски Термиз Жайхун бўйида жойлашган эди. Чингизхон уни вайрон этгандан сўнг, янги шаҳарни дарёдан 2 мил (4 км) узоқликда барпо этдилар".

Ибн Баттута Чингизхон босқини натижасида Термиз вайрон қилинганлигини айтиб, янги шаҳар икки араб миляси узоқликда қурилганлигини маълум қилади. "Саёҳатнома"да янги Термизнинг тасвири шундай берилган: "Бу чиройли иморатлари ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳардир, уни бошдан оёқ анҳорлар кесиби ўтади, боғлари ҳам жуда кўп. Айниқса, узум билан беҳиси жуда ширин, гўшт, сут жуда сероб". Сайёҳ Хоразмда бўлганида, у ерга дарё орқали ўн кун муддатда Термиздан бугдой ва сўли келтирилганига гувоҳ бўлади. Демак, Термиз XIV асрнинг биринчи ярмида йирик иқтисодий марказ бўлган.

Ибн Баттута саёҳати давомида сўфийларнинг хонақоҳларидан, уларнинг меҳмондўстлигидан кўп марта фойдаланган. Хонақоҳни сайёҳ Мағриб анъанаси бўйича зовия деб атаган ва у Термиз ҳақидаги таассуротларида буни алоҳида таъкидлайди: "Биз бу ерда катта ер ва боғлар соҳиби энг муҳтарам ва обрўйли шайхлардан бири шайх Азизон зовиясига қўндик. Шайх ўз бойликларини зиёратчиларни боқошга сарфлар эди". Фикримизча, бу зовия ҳозирги Султон Саодат мақбараси бўлиши керак, чунки, биринчидан, таомилга кўра, хонақоҳлар мақбаралар қошида бўлган, иккинчидан, Султон Саодат мақбарасининг шайхлари асрлар давомида Азизон мақбараларига эга бўлганлар.

Термиз шаҳрида буюк сайёҳни ҳайратда қолдирган янгилик бу ҳамшаҳарларимизнинг бош ювишда қатиқни ишлатиши бўлган. Чунки, бошқа мамлакатларда бу даврда бош ювишда асосан лой ёки унинг бирор турдаги аралашмаси ишлатилар эди. Ҳокимнинг ҳомийлиги туфайли шаҳар аъёнлари Ибн Баттутани муносиб кутиб оладилар. "Термизда эканлигимизда бизга ҳар кун егуликлар келтириб, меҳмон қилиб туришди", деб ёзади у ва шаҳар қозиси Қавомиддин билан танишганлигини эслатиб ўтади. Келтирилган тафсилотлардан маълум бўладики, қози Қавомиддин жанобларининг лақаби ҳам Худовандзода, яъни саййидлар хонадонига мансуб экан. Кейинчалик ибн Баттута қози билан унинг укалари Зиёвуддин, Бурҳониддин, Имомиддин ва Сайфиддинларни Ҳиндистонда учратганини

ёзади. Қози Қавомиддин жанобларининг ўғиллари Ҳиндистон подшосининг вазири Хожа Жаҳоннинг икки қизига уйланганлиги ҳам "Саёҳатнома" орқали маълум бўлсада, улар юқорида исмлари келтирилган саййидларнинг авлодлари шажарасида қайд қилинмаган, бу эса уларнинг Ҳиндистонга кетиб қолганлиги билан изоҳланади.

Маҳмуд ибн Вали ўзининг "Баҳр ул-асрор фи-manoқиб алаҳёр" китобида: "Гарчи Термиз Мовароуннаҳрга тааллуқли худудлардан бўлсада, бироқ ҳозирда у Балх таркибига киради", деб битади. Асарнинг яна бир жойида эса "Балхдан Жайҳунгача 20 фарсах келади, унинг таниқли кечув жойларидан бири Ёргоҳдир", дейди. Бошқа бир тарихчи Ҳофизи Абрўнинг таъкидлашича, бу кечув жойи Термиз яқинида бўлган. Рус олими В. Ф. Минорский ўзининг "Юнон кечуви" номли асарида: "Ёргоҳ (Ердагоҳ) кечуви Термизнинг ўзига Александр Македонский томонидан асос солингунига қадар ҳам бор бўлиб, Амударё орқали ўтувчи муҳим гузаргоҳ бўлган", деган фикрни баён қилган. Маҳмуд ибн Вали асарининг қимматли томони шундаки, унда бир пайтлари бўлган ва эндиликда йўқ жойлар хусусидаги маълумотлар ҳам сақланган. Масалан, муаллиф "Айн Аҳмад" деган булоқ хусусида қуйидагиларни битган: "Айн Аҳмад" Термиздаги булоқ бўлиб Жайҳун яқинидадир, у билан Жайҳун дарёси оралиги ҳаммаси бўлиб, ўн қадам келади. Булоқ суви Жайҳунниқига қараганда ширинроқ. У ҳайрат ва шодликка сабаб бўлиши билан танилган".

Муаррих ўз асарида ҳар хил муносабат билан Термиз ва Чағониёндаги бошқа аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар, қишлоқлар хусусида ҳам тўхталади. Масалан, бир ўринда Жайҳун бўйидаги шаҳар борасида қисқача қилиб: "Бу шаҳарнинг қишлоқлари ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларида муқаддас жойлар ва сифиниладиган мақбаралар кўп" деса, яна бир ўринда Термиз хусусида батафсил маълумот беради: "Термиз Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, тўртанчи иқдимдадир. У Жайҳун дарёси қирғоғида жойлашган бўлиб, мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган, жанубий қисми Жайҳун дарёси узра юксалиб туради, қишлоқлари ва аҳоли истиқомат жойлари кўп, унинг энг муҳим қисмларидан бири Салавот бўлиб, бу ерда ҳоким саройи, бозор, мадраса ва катта жомеъ масжиди бор. Баланд минораси ҳам мавжуд. Бу ҳудудда боғу бўстон камроқ, у ер қумли жой бўлиб, шу сабабдан иклими иссиқ, ғалласи ва қовунлари яхши бўлади. Шубҳасиз, бу ҳудуд одамлари жасур ва довурак эмаслар, улар орасида чиройли чехрали ва қаддиқомати келишган кишилар кам".

Муаллиф асарида термизлик саййидлар ҳақида илиқ гапларни айтади. Уларнинг қадим-қадим даврлардан буён ҳукмронлик қилиб келганлиги, диний маҳкамаларга ҳам раҳнамолик қилганликлари, улар орасидан кўплаб шайху уламолар етишиб чиққанлигини таъкидлаб, шулардан Ҳаким Термизий ва Варроқ Термизийларни тилга олади. Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ул-асрор"ида ЗулКифл пайғамбар, Исҳоқ Кунда Шикин қабрлари, бу ердан етишиб чиққан буюк инсонлар қатори эса Жалолиддин Румийнинг

устози Бурхониддин Саййид ҳақидаги битикларни ўқиш мароқлидир. Маҳмуд ибн Валининг: "АлҲаким атТермизий мақбараси ҳақида эшитдимки, кимки бу табаррук жойда икки ракат намоз ўқиса, бу бошқа жойда ўқилган етти юз ракат намоз ўқиш билан тенгдир", деган гаплари диққатга сазовордир. Сурхон воҳасининг ривожда Амир Темур шахсининг алоҳида ўрни бор.

Кейинги тарихий изланишлар шу нарсани аниқ таъкидламоқдаки, Амир Темурнинг давлат бошқарув фаолиятида Сурхон воҳасининг ўзига хос ўрни бўлиб, унинг жанубий мамлакатлар билан олиб борган жамики ҳаракати Термиз билан боғлиқ эди. Айниқса, Темур билан Амир Ҳусайннинг Арсифда турганларида уларнинг ишончли кишиси Тоғуланинг Термиздаги савдо-сотиқ ишлари билан танишуви, Темур қошиққа етганда мўғул жетеларининг Мовароуннаҳрни талаб чиқиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу воқеадан Термиз Темур қошиқ катта аҳамиятга эга бўлган ҳарбий стратегик марказ бўлганини, Амир Темур ўз армиясига янги куч қўшиб, унинг иқтисодий таъминотини Термизда мустаҳкамлаб олганини билишимиз мумкин. Тарихчи олим Б.Аҳмедов ўзининг "Амир Темур" тарихий романида Сурхон воҳасидаги йирик иқтисодий марказ Денов ва Термизни тилга олиб ўтиб, қуйидаги манбани келтириб ўтади: "Маълум бўлишича, мўғуллар билан ёвлашиб, Самарқанд тоғлари ва қоратоғда яшириниб юрган Чигатой беклари: Сулаймон Барлос, Амир Мусо, Жоку Барлос, Жалолиддин Барлос ва Ҳиндука Барлослар Термизга келиб тушибдилар".

Демак, Термиз ўзининг ҳарбий стратегик аҳамияти билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Жайхун кечувининг қулай жойида жойлашуви кўпинча урушларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Термиз ўзининг иқтисодий, маданий ривожини билан алоҳида ажралиб турган шаҳар, унинг атрофида қишлоқ хўжалигини анча ривожланиб, боғдорчилик ва сабзавотчилик кенг кўламда олиб борилган.

Ўз навбатида шаҳар қўшинларни, лашкарларни боқишга ҳам алоҳида хизмат кўрсатган. Амир Темур Балх жилғасида оғир аҳволда қолганда Термиздаги бекларнинг ёрдами туфайли қуршовдан чиқиб олиб, катта ҳужумга ташланганлигини, шу жангдан кейин Амир Темур Жайхун дарёсидан Термиз кечуви орқали ўтиб, Мовароуннаҳрга қадам қўйганлигини тарихий манбалар орқали билишимиз мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: Амир Темур Термиз атрофида лашкаргоҳ қуриб ўтиради, у ўз она заминига қадам қўйиб энди эркин нафас олишга киришади. Темур ўзининг жанговар юришлари даврида жуда катта ҳарбий тажрибани эгаллаб, Термизда турган вақтида бу тажрибаларини анча мукаммаллаштириб олади. Чунки Темур ўзи амал қилган тўрт нарсадан иккитасини: яъни қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрликни ҳамда эҳтиёткорликни айнан Термиз воқеасидан кейин билиб олган бўлиши мумкин. Академик Бўрибой Аҳмедов бу ҳақда қуйидагича ёзади: "Термиз ёнида юз берган воқеалар уни

тинчитмади. Кечаю кундуз шу ҳақида ўйлади. Хўш, нега бу воқеа содир бўлди? Бунга нима сабаб? Ўзининг бир қадар бепарволигими? Ё сотқинлик содир бўлдими? Буларнинг ҳар иккиси мавжуд, лекин яна биттаси бор. Ҳар кишининг сўзига ишонавермаслик, уни қайта-қайта текширувдан ўтказиш зарур". Бу воқеадан кейин Амир Темур ўз қўшинини ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлаб, ишончли, яқин одамларни ўз атрофида тўплаб, ҳар қандай шароитда унга панд бермаслик учун, яъни Амир Ҳусайн ва унинг Тоғуқа хизматкорларининг хоинлигини инобатга олиб, ягона қарорга келади. Амир Темур ўз тузукларининг қуйидаги бўлимида, яъни "лашкарини иттифоққа келтириш учун қилган ўн иккинчи кенгашида: унга Термизга келиб қўшилиб, оғир вазиятда ёрдам қилган кишилар масаласида қуйидаги фикрни қайд этади: "Амир Жоку, Ики Темур, Амир Сулаймон ва Амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ҳамда уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат қуриб, "давлатимга шерик бўласизлар", дедим. Бу билан ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим". Бу воқеа ҳаракат туфайли Амир Темур жуда катта ҳарбий сиёсий обрўга эга бўлади.

"Темур тузуклари"да ушбу тарихий воқеа яна бир бор эслатилади: "Термиз кечувидан нариги қирғоққа ўтгач, Қаҳалка қалъаси (Термизга яқин қадимий қалъа) тарафига қоровулар юбордим. Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва қоровулар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим". Бундан шу нарса маълумки, Амир Темур сиёсий фаолиятининг мустаҳкамланишида Термиз ва Чағониён вилоятининг алоҳида ўрни бор. Амир Ҳусайнга нисбатан 1370 йили амалга оширилган ҳарбий юриш тарихда Термиз ва Чағониён вилоятлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этганини яхши биламиз. Амур Темур ҳамини Термиз ва унинг атрофида бўлганида ўзининг кейинги жангида содир этиладиган ҳаракатини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида қисқа муддат тўхтади. Баронгор билан бўлган жангларда ишончли амирлар Жоку барлос билан амир Сайфиддинни қўяди. Амир Темурнинг Термизга яқин Биё қишлоғида тўхтаб, "Темур тузуклари"да қайд этилган: "Биринчиси давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим", деган фикрига эътибор беришга тўғри келади. Чунки, Биё қишлоғида Амир Темур Маккаю Мукаррама саййидларининг бошлиғи Саййид Барака билан учрашиб, унинг ҳамда саййидлар, машойихлар, уламолар, фозил кишилар дуосини олиб, отасининг берган, яъни "Алардин диний, ҳуқуқий, ахлоқ масалаларини, ҳаром билан ҳалолни ажратишни ўргангин. Шунинг учун ҳам мажлисларининг шулар безаб турсин", деган маслаҳатига амал қилади. Худди шу учрашувда Саййид Барака ҳаммининг кўз ўнгида тожу тахт ва салтанат рамзи бўлмиш ногора билан байроқни Темурбекнинг қўлига тутқазади. Бу Олоҳ ва Ислом динининг Амир Темурга нисбатан берган улғ қудрати эди. Бутун Термиз, Хутталон, Чағониён, Балх, Ҳирот, Ҳисор,

Кеш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм бўйлаб Темур дея ҳайқираётган қаландарлар, дарвешлар важоҳатларидан унинг душманларининг дами ичига тушиб кетади.

Ким ислом ғалабасини тиласа, ўша Темур учун овоз берсин! Бундай ҳайқирриқлар Термиз, Чағониён, Хутталон, Балх шаҳрининг ҳар бир бурчагида янграрди. Мунажжимлар эса атрофларига одамларни тўплаб, тунги осмонда чарақлаб турган юлдузларни кўрсатиб, Темур юлдузи порлаётганига ишора қилишарди: Соҳибулқирон! Соҳибулқирон! Мунажжимлар Темурга шундай унвонни, яъни юлдузлар султони унвонини тақдим қилишади. Амир Темур Соҳибқирон Биё қишлоғидаги маросимдан кейин бўлгуси жангга ҳозирлик кўриш мақсадида Чағониён вилоятининг маркази Чағониёнга бориб тушади. Чағониён, ибн Хурдодбекнинг таъкидлашича, дарё бўйида жойлашган. "Ҳудуд ал-олам"да ёзилишича, унинг атрофи кенг далали, деҳқончилик қилиш, сугориш учун жуда қулай бўлиб, Абу ал-Ҳасан ибн Маҳмудга қарашли катта боғ ва қургон мавжуд. Чағониён аҳли ва беклари Амир Темурга сидқидилдан хизмат қилиб, катта миқдорда аскар, озиқ-овқат, от ва чорва моллари ҳамда уруш анжомлари етказиб беради. Амир Темурнинг Чағониёнда бўлган вақтида Куфтон (Гуфтан, ҳозирги Шеробод воҳаси), Барманган (баъзи манбаларда Чарманган ёки Жарминкан, ҳозирги Жарқўрғондан 4 км жануби-ғарбдаги Култепа шаҳри маркази), Хутталон, Ҳисор, Темур қопуғидаги ерларда катта миқдорда куч тўплайди. Ана шу Олоҳ берган куч-қудрат ҳамда Саййид Барака берган қутлуғ илоҳий дуо кучи билан ақл-заковатли машҳур саркарда Амир Темур Балхни эгаллаб, анчадан буён унга бўйсунитгани истамаётган Амир Ҳусайн устидан зафар ғалабасини қўлга киритади.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида кўхна Термиз ҳақида маълумот берар экан, 1399 йил 11 сентябрда Кеш (Шахрисабз)дан Балхга бораётган Амир Темур бир неча термизлик саййидларнинг қабрларини, жумладан, Хожа Муҳаммад Али Ҳаким ат Термизий ва Шайх Абу Бакр Варроқнинг мазорларини зиёрат қилиб ўтганлигини эслатади. Амир Темур 1404 йилнинг ёзида Балхдан орқага қайтаётганида ҳам Термиз саййидларидан Худовандзода Аъло ал-Мулук хонадонидан тўхтаб ўтади. Худди шу йилнинг кузида Испания қироли Генрих III нинг элчиси Клавихо ҳам Термизда бўлган эди. Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темур ҳузурига саёҳат кундалиги" ("Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура" (1403-1406 г.г.) асаридаги маълумотга кўра, Темур Хуросонга қилаётган юришида Амударёга қайиқ устида турувчи ёғоч кўприк қурдиради ва қўшинлар ўтиб бўлгач, уни буздириб ташлайди.

Кўхна шаҳримиздан етишиб чиққан кўплаб буюк тарихий сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти Термизнинг инсоният тарихида ўчмас из қолдиришда асосий сабаб бўлган. Ана шундай буюк тарихий инсонлар орасида Термиз саййидлари хонадонининг намояндалари ҳам бор. "Саййид" сўзи лугатан арабчада "жаноб" маъносини англатиб, пайгамбаримиз Муҳаммад

алайҳиссалом авлодларининг фахрий унвонидир. Муслмон дунёсида шариф, хожа (хўжа), тўра сўзлари саййид атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Айрим ҳолларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг неваралари Ҳасан авлоди шариф ва Ҳусайн авлоди саййид унвонлари билан алоҳида ажратилади. Термиз саййидлари хонадонига доир маълумотлар шарқ ёзма меросининг машҳур намуналари орқали етиб келган. Жумладан, Термиз саййидлари хусусида Ота Малик Жувайний, Ҳамидулло Қазвиний, Ибн Баттута, ўйёсиддин Али, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳофиз Таниш алБухорий ва бошқа алломаларнинг дурдона асарларида қимматли маълумотлар келтирилган. Термиз саййидлари хонадони тарихини ўрганишдаги асосий манба уларнинг оилавий шажарасидир, унда муслмон дунёсининг тарихига доир айрим маълумотларни учратиш мумкин. Ана шу шажара асосида 1914 йили академик А. А. Семёнов "Термиз саййидларининг келиб чиқиши ва уларнинг қадимий мақбараси Султон Саодат" мақоласини эълон қилади.

XIX аср охири XX аср бошларида рус шарқшунослари В. В. Бартольд, А. Кун, М. С. Андреев ва бошқалар ўзларининг илмий тадқиқотларида Термиз саййидлари хонадони тўғрисида тўхталиб ўтадилар. Нақл қилинишича, Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган ўғли Ҳусайн сўнгги сосоний шоҳи Яздигирднинг қизига уйланади. Уларнинг ўғиллари Алидан Ҳусайн ал-Асқар, ундан эса Убайдулло дунёга келади. Халифа алМансур даврида (754-755) Амир Убайдулло халифа деб эълон қилинади. Унинг ўғли Жаъфар ал-Ҳужжат Мадина ҳокими эди. Термиз саййидлари хонадонининг асосчиси Ҳасан ал Амир Жаъфар ал-Ҳужжатнинг ўғли Амир Ҳусайннинг фарзандидир. Келтирилган шажара муслмон дунёсида кенг тарқалган бўлиб, кўп манбаларда учрайди.

Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда 11 йил яшаб, 861 йилда Балхга кўчади. Тахминан 865 йилдан Ҳасан ал-Амир Термизга келади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб қолади. Ҳасан ал-Амир ва унинг яқинлари Мовароуннаҳрга келган пайтда сомонийлар сулоласининг юксалиши бошланган эди. Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласида ҳозиргача илмий доираларда ягона фикрга келинмаган. Баъзи манбалар сомонийларни Термиз билан боғлайдилар, уларга кўра, Сомон қишлоғи ҳозирги "Намуна" жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Термиз саййидларининг шажараси ҳам шулар жумласига кириб, Исмоил Сомонийнинг ҳар йили Термизга келиши тўғрисида манбалар аниқ хабар беради. Саййид Амир Абдулло мамлакат ҳукмдори Исмоил Сомонийнинг Маҳсума (ёки Моҳисиймо) исми қизига уйланади, уларнинг фарзандларидан бошлаб Термиз саййидлари Худовандзода лақабини олади.

Термиз саййидларининг Султон Саодат номли мақбара мажмуасининг илк пойдевори сомонийлар даврида қурила бошлаган эди. Саййидлар жамоаси ўзининг алоҳида бошлиғига нақибига ҳам эга бўлганлар. Муҳаммад авлодлари яшаган ҳар бир ҳудудда уларни бошқариб турадиган алоҳида

нақиб бўлган. Х асргача барча нақиблар Аббосийлардан бўлиб, Алининг авлодлари ҳам уларга бўйсунган, кейинчалик улар ўртасида бўлиниш юз беради. Термизда ҳам саййидларнинг нақиблари бўлган, унинг вазифасига ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ва нафақаларни тарқатиш кирган. Термиз нақиблари орасида энг машҳури Али ибн Жаъфар ал-Мусавийдир. Мусулмон дунёсининг машҳур олими Абул Фатҳ Муҳаммад аш-Шаҳристоний асарлари Термиз нақибларига бағишлангандир.

Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида (1200–1220) Хоразм давлати Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан Форс қўлтиғигача, Кавказдан Ҳиндикуш тоғларигача бўлган минтақани бирлаштириб, қудратли давлатга айланади. Муҳаммад ўзининг халифа томонидан ислом ва мусулмонларнинг султони сифатида тан олингани талаб қилади. Халифа ан-Носир (1180–1225) эса Муҳаммад Хоразмшоҳ номини хутбага қўшиб ўқитишдан, яъни бўйсунган бош тортади. Хоразмшоҳ ҳам ўз навбатида ан-Носирни, умуман аббосийларни халифалик ҳокимиятининг ноқонуний ворислари деб эълон қилади. 1212 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ уламо ва имомларни йиғиб, аббосийларни халифалиқдан маҳрум қилади ва Термиз саййидларидан бўлмиш Аъло ул-Мулуки халифа деб эълон қилади.

Термиз саййидлари хонадони тарихидаги энг ёрқин саҳифалар Амир Темур ва унинг авлодлари билан боғлиқдир. Бунинг сабаби, фикримизча, соҳибқироннинг пири Шамсиддин Саййид Амир Кулол айни Аъло ул-Мулуки Худовандзоданинг ўғли бўлиши керак. Пирнинг барча номлари саййидлар хонадонига мансублигидан далолат беради. Шунингдек, унинг мақбараси Термиз саййидларининг Шаҳрисабздаги мақбараси Гумбази Саййидон билан қўшилиб кетган. Амир Темур бутун умри давомида саййидлар хонадонининг вакиллари билан чамбарчас алоқада бўлган. Соҳибқирон ҳокимият учун кураш бошлаганда ҳам, энг зафарли кунларида ҳам Термиз саййидлари жаҳонгирнинг ҳамроҳлари бўлган. "Темур тузуклари"да Аъло ул-Мулукининг жиянлари ака-ука Ҳасан ва Зиёвиддинлар бир неча бор тилга олинади. 1370 йилда Амир Темур Балхга кетаётиб, Термизда Саййид Барака қўлидан ҳокимият рамзи ногора ва байроқни олишга муяссар бўлади. Шайхнинг дуосини олиб, Амир Темур Балхни ўз тасарруфига олади ва Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдорига айланади. Амир Темурнинг тахтга чиқиш маросимида Аъло ул-Мулукининг еттинчи ва саккизинчи ўғиллари Абул Маъоли ва Али Акбар иштирок этганлар. 1371 йилда Темурга қарши уюштирилган фитнада Абул Маъоли ҳам иштирок этади. Фитна мағлубиятга учрагач, унинг қатнашчилари қатл қилинади, Абул Маъоли эса давлат ишларидан четлаштирилиб, Шаҳрисабзга кўчирилади.

Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида кўрсатилишича, Соҳибқирон Абул Маъолига қуйидагича мурожаат қилган: "Насабинг силсиласи пайғамбар аҳли байтига, унга ва уларнинг барчасига Оллоҳнинг раҳматлари ва саломлари бўлсин, уланганлиги учун ҳеч қачон бирор заҳмат

губори сенинг ҳаётинг этагига қўнишини раво кўрмасин. Лекин сен нолойиқ ишларни тарк этмаяпсан, маслаҳатим шу турурки, бу вилоятдан чиқиб кетсанг". Лекин саййид тезда кечирилган бўлиши керак, чунки бир йилдан сўнг у Амир Темурнинг Хоразмга юришида қатнашади. Шундан сўнг Термиз саййидлари авлодларининг Қашқадарёдаги хонадони вужудга келади, юқорида эслатилган Гумбази Саййидон уларнинг оилавий мақбарасига айланади. Баъзи манбаларга кўра Амир Темурнинг қизи Султон Бахтбегим Термиз саййидларидан бўлмиш Ҳасанга никоҳланган ҳамда Қашқадарё воҳасидаги маълум бир қисм ерларини куёвига вақф қилиб беради. Абул Ҳасан бу жойда ўз лангарига асос солади. Лангар сўфилар макони бўлиб, Термиз саййидлари нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа жойларда ҳам лангарлар ташкил қилишган. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарида ёзилишича, Саййид Тожиддин ўз лангарини Кумулда қурган экан. Шунингдек, афгон қабилаларининг диний раҳнамоси Пир бобонинг асли "исми Саййид Али Шоҳ ат-Термизийдир. Умуман, XIV асрда Термиз саййидлари Мовароуннаҳрнинг турли жойларида фаолият кўрсата бошлаганлар.

1359 йилда Тошкентда мўътабар шайх Хованд Тоҳур вафот этади. Муҳаммад қозининг Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарида таъкидланишича, шайх Термиз саййидларидан бўлиб, Хованд сўзи Худовандзоданинг қисқаргани экан. Бу борада мусулмон дунёсида машҳур Хўжа Аҳрори Вали айни шу Шайхонтоҳурнинг жияни эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Амир Темур Термиз орқали ўтганида саййидларнинг уйида меҳмон бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, 1399 йил 11 сентябрда ва 1404 йил ёзида Темур Аъло ул-Мулукнинг уйида меҳмон бўлади. Гиёсиддин Али томонидан ёзилган Темурнинг Ҳиндистонга юришига бағишланган асарида Аъло ул-Мулукнинг олтинчи ўғли Алоуддин ҳам тилга олиб ўтилади. Сурхондарё Ўлкашунослик музейида сақланаётган бу китобнинг 1915 йилдаги форсча нашрида Термиз Худовандзодалари Амир Темур ва унинг қўшинига икки кун тўй берди, деб таъкидланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Т., "Ўзбекистон". 2017 йил. 50- бет.
2. Мирзиёев Ш. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз». Т., "Ўзбекистон". 2017 йил. 59-бет.
3. Мирзиёев Ш. «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб -интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак». Т., "Ўзбекистон". 2017 йил. 107- бет.
4. Мирзиёев Ш. «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз

билан бирга қурамыз». Т., "Ўзбекистон", 2017 йил. 491- бет

1. И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги маърузаси. Т, 1993, 6-бет).
2. И.А.Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т. 1994 й. 185- бет.
3. Н.Остроумов франсуз тилидан «Темур тузуклар» (1994).
4. Е.Лангленинг «Темур ҳаёти» (1890).
5. Руи Гонсалес де Клавихонинг "Амир Темур саройига саёҳати Кундаликлари" (1881).
6. Ҳ. Вамберининг «Бухоро тарихи» (1873).
7. «Темур тузуклари». (Т, 1992) .
8. «Амир Темур ўғитлари». (Т, 1992),.
9. «Ўзбегим». (Тошкент, 1992).
10. Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус". (Тўрт улус тарихи)-Т,1994).
11. "Зижи жадиди Курагоний", (Улуғбек Курагонийнинг фалакиётга оид жадваллари) Т, 1994).
12. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" си (Шарқ йўлдузи журнали 1992-1993 йил сонлари).
13. Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) Т, 1992).
14. Ҳ. Вамберининг " Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи", Т, 1990).
15. М.Иваниннинг "Икки буюк саркарда". (Чингизхон ва Амир Темур). (Т, 1994).
16. Мулла Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин ҳожа эшон (Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома". (Т, 1990).
17. Абдулғозий "Шажараи Турк". (Т, 1992).
18. Б.Аҳмедовнинг "Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.(Т, 1994).
19. Б.Аҳмедов. "Амир Темур" (Т, 1995).
20. Ашраф Аҳмад "Улуғбек Муҳаммад Тарағай" (1394-1449) Т, 1994)
21. Ҳ.Бобоев "Амир Темур ва унинг қарашлари" (1994).
22. А.Муҳаммадҷононнинг "Темур ва Темурийлар салтанати", (Т. 1995),
23. Ўзбекистон тарихи (V асрдан ҲУ1 аср бошларигача), Т, 1994),
24. Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов "Соҳибқурон Амир Темур ва унинг салтанати".
25. Б.Валихўжаев. "Ҳўжа Аҳрор тарихи:, "Самарқанд ва самарқан-д-ликлар" (Т, 1984) .
26. М. Худойкулов. «Ривоятлар ва ҳикоятлар» (Т, 1995).





Aql va uning oqib ketishi muammosi

Асосий тушунчалар: ақл, "ақлнинг оқиб кетиши", "ақл оқиб кетиши" мазмуни ва аспектлари, "ақл оқиб кетиши" сабаблари ва оқибатлари.

Ақл азал-азалдан инсонни ҳайвонот оламидан ажратиб турган, унинг барча фаолиятига мазмун ва йўналганлик ато этаётган қадрият сифатида улуғлаб келинган. Шу боис барча замонларда, барча заминларда мутафаккирлар ақл хусусида, унинг табиати тўғрисида иштиёқ билан мулоҳаза юритганлар, кўплаб эътиборга лойиқ фикрлар баён қилганлар. Хусусан, қадимги Юнон файласуфлари (масалан, Гераклит, Суқрот, Афлотун) инсон фаҳм-фаросати билан фикр-мулоҳазаси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини чуқур ўрганган бўлсалар, мусулмон файласуфлари (масалан, Ғаззолий, ал-Киндий, Форобий, ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий) инсоннинг ақлий имкониятлари моҳиятини, уни ривожлантириш йўллари таҳлил қилдилар. Мусулмон мутафаккирларининг инсон ақл-заковати тўғрисидаги қарашлари Европа файласуфлари (масалан, Б.Спиноза, П.Гольбах, И.Кант, И.Фихте) томонидан янада ривожлантирилди. Уларнинг асарларида инсоннинг ақлга асосланган фаолияти нафақат ижобий, балки салбий характерга ҳам эга бўлиши мумкинлиги асослаб берилди, ақлнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритилди.

Ҳозирги замон фалсафасида ақл инсон руҳининг муҳим таркибий компоненти, унинг тушунчалар ҳосил қилиш, мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқариш билан боғлиқ бўлган олий қобилияти сифатида эътироф этилади. Бинобарин, тушунчалар ҳосил қилиш, тўғри мулоҳаза юритиш, соғлом хулоса чиқариш қобилиятига эга бўлган кишинигина ҳақиқий ақл соҳиби деб аташ мумкин.

Таассуфки, ижтимоий тараққиёт суръатлари жадаллашгани сайин бундай кишилар улушига жиддий путур етмоқда. Бугун мазмунан бой ва ҳажман кенг тушунчаларга эга бўлишга эмас, шу тушунчалардан бохабарликни англаувчи ҳужжатга мойиллик, тўғри мулоҳаза юритиш малакасини ҳосил қилишга эмас, фикрлаш стандартларини ўзлаштиришга интилиш, мустақил хулоса чиқариш маданиятини шакллантиришга эмас, тайёр хулосаларни "ҳазм қилишга" уриниш ҳолатлари тобора ёрқинроқ

«Aql va uning oqib ketishi muammosi»

намоён бўлмоқда. Шу боис, айтайлик, алифни калтақдан фарқлай олмайдиган "аълочигина болага", қўйиб берсанг маърузасининг иккинчи нухасини ҳам ўқиб юборадиган нотиққа, ҳар бир гапини бундан минг йиллар аввал яшаб ўтган мутафаккирнинг ёхуд бугун амал отига минган Фалончи Фалончиевичнинг хулосаси билан асослайдиган "ҳаваскор мутахассисга" ажабланмай ҳам қўйганмиз. Энг қизиғи, бу иллатлар бир мамлакат миқёсидагина намоён бўлаётгани йўқ. Ақлий имконият белгиларининг ақдан бегоналашуви бизнинг давримизга келиб умумбашарий характер касб этмоқда.

Жаҳонда ўртамиёна ақл эгалари кўпайиб бораётган бир шароитда ҳақиқий ақл соҳиблари учун том маънода кураш авж олмоқда. Турли мамлакатлар бундай кишилар учун энг яхши меҳнат шароитларини яратишга, юқори маошлар белгилашга, улар учун имтиёзлар системасини жорий этишга уринишмоқдаки, бундан кўзланган асосий мақсад ўзга юртлардаги ақл соҳибларини ўз мамлакатларига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдан иборат. Оқибат ўлароқ, меҳнат миграцияси умумсайёравий тус олган бизнинг давримизда олимлар ва малакали мутахассисларнинг бир минтақадан бошқа минтақага, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб кетиши тенденция даражасига кўтарилди. Бинобарин, ушбу тенденцияни илмий позициядан чуқур таҳлил қилиш эҳтиёжи ошмоқда.

Биз тилга олган тенденция ижтимоий фалсафада "ақлнинг оқиб кетиши" ("утечка мозгов", "brain drain") номини олган. "Ақлнинг оқиб кетиши" деганда интеллектуал потенциалнинг (салоҳиятли олимлар ва малакали мутахассисларнинг) бир минтақадан бошқа минтақага, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб кетиши тушунилади.



Тушунча илк бор 1950-йилларда инглиз олимларининг иккинчи жаҳон урушидан сўнг тараққиёт суръатлари секинлашган Европадан (хусусан, Буюк Британиядан) кун сайин юксалиб бораётган АҚШга кўчиб кетиши жараёнларини ифодалаш учун ишлатилганди. Йигирманчи аср мобайнида

олимлар ва малакали мутахассисларнинг қолоқ давлатлардан ривожланган мамлакатларга кўчиб кетиши жараёни секин-аста жадаллаша борди. Аввалбошда бу ҳол жиддий ташвиш туғдиргани йўқ. Бироқ ўтган асрнинг 70-йилларига келиб Европадаги турмуш фаровонлигининг ошиши жаҳоннинг турли минтақаларидан кўҳна қитъага интилган олим ва малакали мутахассислар сонини кўпайтириб юборди. Янги аср арафасига келиб, бу тенденция айрим мамлакатларда ҳатто миллий хавфсизликка таҳдид даражасига кўтарилди. Масалан, Россияда кейинги 20 йилда 1,5 миллиондан ортиқ юқори малакали мутахассислар мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишган. Натижада мамлакат иқтисодий тараққиёти суръати секинлашмоқда, рус олимларининг кашфиётлари эса бошқа мамлакатлар тараққиётига хизмат қилмоқда. Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Эрон, Африка ва Лотин Америкасининг ўнлаб мамлакатларида ҳам муаммо йил сайин кескин тус олиб бораётир.

Бир қарашда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан Европа ва АҚШга кўчиб кетаётган малакали мутахассислар ва олимлар сонининг ошиб бораётгани Ўзбекистонга даҳли йўқ муаммодек туюлади. Аслида эса ундай эмас. "Ақлнинг оқиб кетиши" куртаклари бизнинг диёримизда ҳам бўй кўрсатаётир. Масалан, яқинда АҚШда нашр этиладиган "Foreign Policy" илмий-тадқиқот журнали ва "The Fund for Peace" ижтимоий жамғармаси турли мамлакатлардаги юқори малакали мутахассис ва олимларнинг ўзга давлатларга кўчиб кетиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиб чиқди ва натижаларни 10 баллик индекс ёрдамида ифодалаб берди. Ақлнинг оқиб кетиши тенденцияси долзарб бўлмаган мамлакатлар рўйхатига 0,9 балл билан Австралия бошчилик қилган бўлса, ушбу жараёнлар энг кескин тус олган юрт сифатида 9,1 балл билан Гаити қайд қилинди. Ўзбекистоннинг ақл оқиб кетиши бўйича индекси 6,6 баллга тенг бўлди. Албатта, ушбу кўрсаткични қайд қилган экспертларнинг компетентлиги даражаси, унинг қайси мезонлар асосида аниқланганлиги, ишончлиги даражаси, натижаларнинг умумлаштирилиши методикаси эътироз ва мунозараларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Лекин мамлакатимизда муаммонинг мавжудлигига кўз юмиб бўлмайди.

Афсуски, Ўзбекистондаги ақл оқиб кетиши билан боғлиқ жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳали жиддий ўрганилганича йўқ. Муаммонинг мамлакатимиз билан боғлиқ аспекти мутахассислар томонидан махсус тадқиқ этилмаган, аниқ статистик маълумотлар шакллантирилмаган, социологик сўровлар амалга оширилмаган. Шу боисдан ўзга мамлакатларга кўчиб кетган юқори малакали мутахассислар ва олимларнинг миқдори, ақл оқиб кетишининг кўлами ҳақида илмий асосли мулоҳазаларни келтириш қийин. Бироқ кундалик ҳаётни визуал кузатиш натижасида айрим жузъий хулосаларни чиқарса бўлади:

1. Маълумки, Россия ва Қозоғистонда (шунингдек, оз миқдорда Корея, Туркия ва бошқа мамлакатларда) миллионлаб ватандошларимиз меҳнат қил-



моқдалар. Бироқ меҳнат миграциясининг ушбу кўриниши ни "ақлнинг оқиб кетиши" сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки Россия ва Қозоғистонга иш излаб кетганларнинг аксарият қисми олимлар ва юқори малакали мутахассислар туркумига кирмайди.

2. Ривожланган

мамлакатлардаги фирма ва корхоналарда меҳнат қилиб юрган юқори малакали мутахассислар ҳам бор. Уларнинг мутлақ кўпчилиги одатда хорижий олий таълим муассасасининг мамлакатимиздаги филиалида ёхуд хорижий тиллар факультетида таҳсил олган. "Темпус" дастури миқёсида 2012 йилнинг 8-9 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган минтақавий семинар материаларида қайд қилинишича, бу мутахассислар асосан таълим ва фан, тиббиёт, энергетика, муҳандислик соҳаларига мансуб. Лекин бу мутахассисларнинг Ўзбекистондан кетиб қолишини тенденция сифатида баҳолаб бўлмайди, чунки умумий меҳнат миграциясида бу мутахассислар миқдори ниҳоятда камчиликни ташкил қилади.

3. Масалага Қашқадарё вилояти нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, бу минтақада ақлнинг бошқа мамлакатга эмас, мамлакат пойтахтига кўчиб кетиши хосроқ. Бу жараён Тошкент олий таълим муассасасига ўқишга кириб, пойтахтда қолиб кетган қобилиятли йигит ёки қиз, таълим муассасаси ёки соғлиқни сақлаш масканидаги шароитдан кўнгли тўлмай Тошкентга кўчиб ўтган мутахассис, моддий имкониятлари кенгайганидан сўнг бизнесини мамлакат марказига кўчирган тадбиркор сифатида намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, ақлнинг оқиб кетиши билан боғлиқ муаммонинг айрим аспекти мамлакатимизда ҳам зуҳур бўлаётир. Тўғри, муаммо кўплаб мамлакатлардаги каби ўта кескин тус олгани йўқ. Бироқ унинг сабаблари ва оқибатлари, бартараф этиш йўллари хусусида бош қотириш фойдадан холи бўлмайди.

Хўш, ақлнинг ўзга мамлакатларга ёхуд бошқа минтақаларга "оқиб ке-

тишининг" сабаблари нимада? Мавзу юзасидан жиддий илмий изланишлар олиб борган мутахассислар бунинг тўрт асосий сабабини тилга оладилар:

1. Олимлар ва юқори малакали мутахассисларга белгиланган маошларнинг пастлиги.
2. Олим ва мутахассислар учун яратилган шарт-шароитлар ва моддий-техника базасининг қониқарли эмаслиги.
3. Самарали меҳнат қилишга халал берадиган омиллар (бюрократизм, адолатсизлик ва ҳоказо).
4. Ривожланган мамлакатларнинг дипломларининг қадрлилиги, илмий муассасалари нуфузининг баландлиги.

Бинобарин, биз тилга олган муаммонинг кескинлашиб кетишининг олдини олиш учун ушбу сабабларни бартараф этишга интилоқ даркор. Шунингдек, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш дастурининг тайёрланиши, хориждаги нуфузли олий таълим муассасалари билан илмий-техник ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, мутахассис тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжлари билан мувофиқлаштирилиши, таркибий ўзгаришлар натижасида ишсиз қолган малакали мутахассис ва олимларнинг ихтисослигини ўзгартириш системасининг ташкил қилиниши, илмий иш билан шуғулланаётган ёшлар учун имтиёзлар системасининг вужудга келтирилиши, мамлакат илмий манфаатларига хизмат қиладиган тадқиқотларни устувор молиялаштиришга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши ва шу каби бошқа тадбирлар ақлнинг оқиб кетиши жараёнларини камайтиради.

Резюме:

Мақолада "ақлнинг оқиб кетиши" муаммосининг моҳияти, вужудга келиши сабаблари ва ижтимоий оқибатлари хусусида мулоҳаза юритилади. Муаллиф ушбу муаммонинг Ўзбекистонда намоён бўлиши хусусиятларини атрофлича таҳлил қилади ва уни бартараф этиш юзасидан таклифлар беради.

Резюме:

В статье автор размышляет о сущности, причинах и социальных последствиях проблемы утечки мозгов. Автор подробно анализирует особенности проявления проблемы в Узбекистане и выдвигает ряд предложений по ее преодолению.

Resume:

In this article the author reflects about the essence, causes and social consequences of the brain drain problem. The author analyzes in detail the peculiarities of the manifestation of the problem in Uzbekistan and puts forward proposals for its overcoming.



SIYOSIY ONGDAGI O'ZGARISHLAR VA MILLIY O'ZLIKNI ANGLASH

Трансформация субъект (объект), институт ёки жамиятнинг бозор иқтисодиётига қурилган тараққиёт босқичига ўтишини англатади. Унда кечадиган жараёнлар институционал ва тизимли тарзда юз бериши керак. Бироқ бунинг учун сиёсий онгда туб ўзгариш бўлиши лозим, бу ўзгариш, энг аввало, миллий ўзликни англашдир.

Ижтимоий борлиқ шахс, индивид ҳатто гуруҳ, элат, халқ иродасига боғлиқ тарзда муқаррар эмас, ҳаётнинг инсон иродасидан кучли шундай қонунлари борки, уларни трансцендентал, эзоретик тарзда тасаввур қилиш, фалсафий-умумий таъриф бериш орқали англаш (унда ҳам қисман) мумкин. Аммо онг инсон фаолиятини, хатти-ҳаракатларини белгиловчи куч, омил бўлса, у субстанционал моҳиятини ўзини ўзи билиш, англашдан бошлаши даркор. Суқротнинг "Ўзингни бил!" даъвати ижтимоий борлиқни нафақат англаш, шунингдек, унда мақсадга мувофиқ трансформацион ўзгаришлар, янгилинишлар ўтказиш шартидир.

Сиёсий онг, ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, назарий-концептуал ва амалий-стратегик хусусиятга эга воқелик ҳисобланади. У жамият, давлат ва ижтимоий бошқаришнинг магистрал йўналишини белгилаб беради ва ифода этади, кишилар ҳаётининг фундаментал аҳамиятга эга томонларини қамраб олиб, уларни қайси томонга йўналтириш мумкинлигини кўрсатади. Сиёсий онг ижтимоий онгнинг ўзаги, у мазкур ўзаги орқалигина жамият, давлат ва бошқариш фаолиятига, институтлар ва индивидлар ҳаётига, турмуши, дунёқарашига таъсир этади. Бугун ижтимоий ҳаётни сиёсий воқеликка, сиёсий онгга бориб тақалувчи омиллар таъсирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилар уюшмаси, социум мавжудлиги, ижтимоий ҳаётда уюшқоқлик, тартиб, осойишталик бўлиши, мавжуд институтларнинг тўлақонли фаолият юритиши, турли низоларни, рақобат ва тўқнашувларни тўғри, адолатли ҳал этиш сиёсий институтлар, аввало "давлатларнинг кучли бўлишини тақозо этади"

1. Фуқаролик жамияти ҳам трансформацион ўзгаришларга бош-қош бўладиган, уларни барча халқлар, миллатлар ва гуруҳлар манфаатлари нуқтаи назаридан позитив ҳал этадиган сиёсий куч - давлат бўлишини талаб қилади. Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида сиёсий онг

ва сиёсий институтларнинг моҳияти, аҳамияти камаймайди, ўтиш даври билан боғлиқ трансформация, ўзгаришлар рўй бераётганида эса улар янада фаол бўлиши керак.

Сиёсий онгнинг трансформацион кучи, жамият янгиланишига таъсири миллий ўзликни англашни долзарб, ҳатто ҳаёт ва мамот масаласи даражасига кўтаришида намоён бўлади. Ижтимоий ҳаёт ўзидан ўзи трансформацияга учрамайди, ҳатто сиёсий онг ҳам мазкур жараёнларни илғамаслиги, уларга бефарқ қолиши мумкин. "Борлиқ ўзини ўзи англаш орқали мавжуд, ўзини ўзи англаш орқали у ривожланиш йўллари белгилаб олади"

2. Бу қараш миллатга, ижтимоий онгга ҳам тааллуқлидир. Бироқ гап шундаки, бу шунчаки деклоратив даъват бўлмаслиги, балки у миллат, халқ, шахс ҳаётининг асосий мақсади сифатида қўйилиши лозим. Сиёсий онгни иқтисодий омиллардан кейинга қўйиш, бизнинг фикримизча, ўта соддадиллик, ижтимоий ҳаётдаги мураккаблик ва зиддиятларни соддалаштиришга интилиш маҳсули ҳисобланади. У ижтимоий онг, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга назарий - концептуал ва амалий - стратегик йўналиш бериш мавқеини ҳеч қачон йўқотмайди. Сиёсат, давлат, жамият ва социал бошқарув инсоннинг деструктив кучлар таъсирига берилиши мумкинлигини унутолмайди.

Сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш масаласини ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида В.Қўчқоров ўрганиб, у илмий истеъмолга "сиёсий ўзликни англаш" тушунчасини киритади. "Сиёсий ўзликни англаш" тушунчаси кейинги сиёсий-фалсафий адабиётларда учрамаса-да, ҳеч бир муаллиф миллий тараққиёт ва мустақилликни сиёсий онг билан боғлиқлигини, айнан сиёсий онг, ундаги назарий-концептуал гоялар жамиятдаги трансформацияга йўналиш, стратегик мақсад берганини инкор қилолмайди. Балки, аксинча, улар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг сиёсий-фалсафий таълимотларига таяниш асосида сиёсий онгнинг етакчилик, устуворлик қилаётганини кўпинча ошкора, баъзан пинҳона тан оладилар. Бу ўринда гап иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ҳақида кетаётгани йўқ, бизнинг фикримизча, сиёсий онг стратегик мақсадни белгилаб бериши, социал бошқаришни йўлга қўйиши орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсир этади. Лекин инсон фақат моддий ҳаётни яхшилаш, фаровонликка эришиш билангина қаноатланиб қолмайди, уни ён-атрофида бўлаётган сиёсий воқеалар, давлат ва жамият ишларининг бошқарилиши, келажак, инсониятнинг тараққиёт йўллари, моделлари, бу борадаги плюралистик ёндашишлар ҳам қизиқтиради. Демак, сиёсий онг давлат ва жамият ҳаётини, тараққиётини назарий - концептуал ва амалий - стратегик мақсадларни белгилаб бериши орқали барча соҳалар, бу соҳалардаги вазифаларни ўз атрофида бирлаштиради. Шу маънода у ижтимоий онгнинг ўзагидир.

"Сиёсий муносабатлар жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ушбу муносабатларни бошқарувчи, йўлга

қўювчи, характери бeлгилаб берувчи ўзак сифатида кeлади. Сиёсатнинг интеграл характери "Сиёсий муносабатларнинг" барча соҳаларида иштирок этишини, уларнинг ўзаги бўлиб келишини билдиради. Шунинг учун сиёсий воқелик (сиёсий онг, сиёсий муносабатлар, сиёсий маданиятлар, сиёсий ўзликни англаш ва б.)ни ўрганганда унинг интеграл характеридан келиб чиқиш талаб этилади, чунки "интеграл концепцияси йўқ тадқиқот сиёсий воқеликни фрагментар, дескриптив таҳлил қилишга ва дедуктив, метафизик мушоҳадаларга олиб кeлади."

3. Сиёсий онг ва миллий ўзликни англашнинг трансформация жараёнларидаги ўзаро боғлиқлигини, уларнинг диалектик ўрнини аниқлаш, муҳим илмий аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ушбу вазифанинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини қуйидаги масалаларни тадқиқ этиш орқали англаш, билиш мумкин.

Биринчиси, сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш ўртасида этимологик, аксиологик фарқлар бўлса-да, уларни яхлит стратегик мақсадга эришишга йўналтирилган, моҳиятан уйғун воқеликлар сифатида қараш ўринлидир. Миллий ўзликни англаш ҳеч қачон "ўзи ўзи учун" қолганида, "ўзи ўзига мақсад" бўлганида, етакчи, ташкилий кучга эга бўлмай, унга таянмай, стратегик мақсадига эриша олмайди. Ўтган асрнинг бошларида миллат кeлажаги, тақдири, истиқлоли учун курашган ота-боболаримиз, буюк мутафаккир-жадидчилар фаолиятини, курашларини келтириш мумкин. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари, орзу-тилаклари миллат, ўзбек халқи интилишларига мувофиқ эди; улар тузган ижтимоий-сиёсий партиялар, мактаб ва нашриётлар миллий ҳаётни янги босқичга кўтаришга қаратилган эди. Лекин мазкур интилишлар орзу тилак бўлиб қолаверади. Айб фақат Чор ҳукуматидами? Ижтимоий онг янги ғояларни, истиқлол тўғрисидаги фикрларни, миллий ўзликни англашга қаратилган даъватларни эшитишга тайёрмиди? Сиёсий онг жадидчилар фаолиятида устуворлик қилган; улар миллий ўзликни англаш, истиқлол йўллариини очиқ, дадил очиб берганлар, лекин ижтимоий онг, омма улар кетидан эргашишга, миллий ўзлигини намоён қилишга, у учун курашишга ҳали тайёр бўлмагани кўзга ташланади. Демак, жамиятда трансформацион ўзгаришлар содир бўлишининг биринчи омили сиёсий онг билан миллий ўзликни англаш, уни дадил ҳимоя қилиш феноменларининг уйғун келишидир.

Иккинчиси, сиёсий онгнинг ижтимоий-тарихий тараққиётнинг объектив қонунларини тўғри англаши, мавжуд вазиятдан тўғри хулоса чиқариб олиши, масъулиятни ўз устига олиб, ижодий, социокреатив кучларга таяна билиши, халқни ўз идеали, ғояси, мафкураси атрофида бирлаштириши ва умумий консолидацияни таъминлаши билан боғлиқдир. Тарих кўрсатадики, тараққиёт ҳақида бетакрор концепциялар, таълимотлар, миллионлаб одамларни бирлаштирган дин арбоблари кўп бўлган, аммо уларнинг утопик-футурологик ғоялари орзу, тилак бўлиб қолаверган. Демак, трансформация жараёнларининг "долзарб реаллик" сифатида келиши,

минглаб, миллионлаб кишиларни ҳаракатга келтириши учун тарихий тараққиётнинг объектив қонунларини тўғри англаш зарур бўлади. Энг муҳими шундаки, мазкур қонунларнинг ўзи сиёсий онгда миллий ўзликни англаш сифатида пишиб етилиши лозим. Бу вазифани гоҳо ташқи кучларнинг қарши ҳаракатлари, яъни ўз мавқеини қўлдан бермаслик учун уринишлари тезроқ англашга сабаб бўлади. Ўтган асрнинг 40–50 йилларида Махатма Ганди бошчилигида ҳинд халқининг миллий озодлик ҳаракатлари ёки СССР емирилиши арафасидаги миллий ўлкаларнинг мустақиллик учун курашлари бунни тасдиқлайди. Ҳар иккала мисолда ҳам тарихий вазият сиёсий онгни ва миллий ўзликни англаш феноменини дадил ҳаракат қилишга ундаган эдики, бунни пайқамаслик, сезмаслик асло мумкин эмас.

Тарихий вазиятни тўғри тушуниш сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш феноменидан кутилаётган нарса бўлмасдан, балки улар халқни, миллатни ўз тақдирини ўзи белгилаши томон етаклаши, миллий ўзликни англаш талабларига мувофиқ социокреатив кучларни бирлаштириши, уларнинг фаоллиги учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши лозим. Агар ушбу вазифа амалга оширилмаса, мустақиллик ҳақида гап-сўзлар, декларация ва даъватлар аввалгидек орзу умид, тилак бўлиб қолиши мумкин эди.

Учинчиси, моноэтник давлатлар ва жамиятларда трансформация тез, самарали, аҳиллик билан амалга оширилади. Полиэтник давлатлар ва жамиятларда эса трансформация турли тўсиқлар, келишмовчилик ва нотўғри талқинларни келтириб чиқаради. Бу ўринда ижтимоий онгнинг трансформацияга монологик ва полилогик ёндашуви кўзга ташланади. Натижада ижтимоий онгда, фикрда ўлчаш қийин жараёнлар кечиши табиий ҳолдир. Мазкур ҳолни баргараф этиш кўпинча этносиёсий омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистонда амалга оширилаётган этносиёсат миллатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, юртимизда яшаётган турли халқлар, миллатлар вакилларининг иттифоқини мустаҳкамлаш, этномаданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилгани ижобий натижа бермоқда.

Тўртинчиси, мустақиллик миллий ўзликни англаш феномени билан боғлиқдир. Бу ўринда сиёсий онг миллий ўзликни англаш тарзида, миллий ўзликни англаш эса сиёсий онг кўринишида келади. Мазкур диалектик боғлиқлик трансформацион ўзгаришларнинг назарий-концептуал асоси ва ижтимоий-амалий, реал борлиққа йўналтирилган дастури сифатида намоён бўлади. Мустақиллик ана шу назарий - концептуал асос ва ижтимоий - амалий дастурни миллий демократик тараққиётга хизмат қилишга ундайди. Мустақиллик сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш ифодаси сифатида қаралиши мумкин, лекин ҳозир гап уларнинг трансформация жараёнларига таъсири устида кетмоқда.

"Маълумки, ҳар қандай ижтимоий воқелик, айниқса, онг, ғоя, тафаккур, хуллас, субъектив ҳодисаларни ўрганаётганда икки томонга эътибор қаратилади. Биринчиси, объектнинг гносеологик нуқтаи назардан тадқиқ

этиш, иккинчиси, социологик жиҳатларни ўрганишдир. Гносеологик нуқтаи назардан билиш назариясининг асосий масалаларини ижтимоий идрокка нисбатан ўрганишдир. Социологик ёндашув жамиятда маълум ўрин эгаллаган ва ўзига хос функцияларни бажарувчи ижтимоий онгни таҳлил қилишдир"

4. Ушбу ёндашувларни уйғун қараш илм-фанни ижтимоий фойдали қилади, ҳатто мистик, эзотерик таълимотлар тарафдори Г.И.Гурджиев ҳам, "онгни ўзгартириш учун нимадир қилиш, нимадир қилиш учун ниманидир билиш" керак, дейди. Яъни онг ва борлиқ, субъективлик билан объективлик ўртасидаги уйғунликни назарда тутмай трансформация жараёнларини англаш қийин. Бироқ бу субъективликни ёки объективликни алоҳида воқелик сифатида тадқиқ этишни инкор қилмайди. "Миллий ўзликни англаш ижтимоий онг ҳолати бўлгани учун фуқаролик жамиятини шакллантиришга идеологик, ғоявий - тафаккурий йўллар орқали таъсир этади. Уларни қуйидаги йўналишларга ажратишимиз мумкин: 1) Илмий-назарий (проектив); 2) Миллий-мафкуравий (идеологик); 3) Миллий-маданий (парадигмал); 4) Ижтимоий-ҳуқуқий (норматив) ва 5) Ижтимоий-амалий (прагматив)"⁶. В.Қўчқоров мазкур йўналишларни тадқиқ этади, сиёсий онг билан миллий ўзликни англашнинг жамият трансформациясига таъсирини очиб беради. Унинг фикрига кўра, проектив, идеологик, парадигмал, норматив ва прагматив йўналишлар миллий демократик тараққиёт моделини, концепциясини яратишга олиб келди. Миллий ўзликни англаш ва жамиятни янгилашнинг, ислохотларнинг квинтэссенциал кўриниши, "қаймоғи" Президентимиз Ш.Мирзиёев асарларида, нутқ, маъруза ва фармонларида яққол кўринади⁷. Фундаментал аҳамиятга эга ушбу фикр мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган, ижтимоий онгдаги ўзгаришлар унга зид келмаслиги, балки, аксинча, сиёсий онг, миллий ўзликни англаш, миллий-маданий тикланиш фуқаролик жамияти асосларини яратишга ҳизмат қилиши зарурлигини кўрсатади.

Трансформация, демократлаштириш ва модернизациялашдаги умумий муштараклик ижтимоий тараққиёт қонунларига, кишилар онгида пишиб-етилган, шаклланган идеалларга мувофиқлигидадир. Этимологик нуқтаи назардан уларни турлича талқин қилиш, изоҳлаш, фарқларни очиб бериш мумкин. Лекин сиёсий онг, миллий ўзликни англаш уларга йўналиш берувчи назарий-концептуал воқелик эканини унутиб бўлмайди. Трансформация, демократлаштириш ва модернизациялаш сиёсий онг (сиёсий онгнинг стратегик мақсади миллий ғоянинг стратегик мақсадига айнандир. Улар бир вақтнинг, бир маконнинг маҳсуллари ҳисобланади)нинг объективлашишини таъминловчи воситалар, йўллар ва механизмлардир.

Трансформацияга тизимли ўзгариш хос бўлиб, мазкур тизимли трансформация: 1) бозор иқтисодиётига ўтиш (иқтисодий фаоллик эркинлиги, баҳоларни назорат қилишдан воз кечиш; чегараларни товар импортига очиб бериш); 2) хусусийлаштириш; 3) иқтисодни

барқарорлаштириш; 4) демократиянинг институтционаллашуви; 5) кўппартиявиликни ривожлантириш; 6) фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда Шарқона демократия принциплари асосида қурилаётган фуқаролик жамияти барча манфаатларни миллий тараққиёт мақсадига йўналтирилгани билан ажралиб туради.

Адабиётлар рўйхати

1. Фукуяма Ф. Сильное государство. Управление и мировой порядок в XXI веке. - Москва: АСТ, 2006. - С.5.

2. Гурджиев Г.И. В поисках бытия. Четвертый путь к Сознанию. - Москва: ООО Книжное изд-во "София", 2014. - С. 23.

3. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий - сиёсий жараёнлар. - Тошкент: Akademiya, 2007. 65- бет.

4. Ўша асар - 82-бет.

5. Гурджиев Г.И. В поисках бытия. Четвёртый путь к Сознанию. - Москва: ООО Книжное изд-во "София", 2014. - С. 26-27.

6. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. - Тошкент: Akademiya, 2007. 83- бет.

7. Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 488- бет.





Qadimiy Kesh shahri va Temurbekning yoshligi

Буюк Соҳибқирон Амир Темурдай улуг зотни камолга етказган ота макон -қадимий Кеш шаҳри ўзбек миллатининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида катта ўрнини эгаллайди. Темурбек ҳам Кешда, тарбия топди. Қадимий "Кеш" сўзининг этимологик мазмуни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги А. Муҳаммаджонов ва ёш тадқиқотчи У. Олимовлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Уларнинг фикрича, "Кеш" атамасини эски суғд тилидан таржима қилганда "Қаш", "Кос", "Кас", "Кот", "Қат" каби сўзларнинг синонимлари бўлиб-манзил, яшаш макони, ватан мазмунини беради.

Вилоятимиздаги Кеш, Касби ёки Косон каби атамалар айнан ватан тушунчасини англатади. Алишер Навоий ҳам Кеш сўзини жуда чиройли тарзда "Дилкаш", яъни қалбимдаги ватаним сифатида ифодалагани таҳсинга сазовордир. Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейининг илмий ходимлари "Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти" мавзусидаги янги кўргазмани яратиш жараёнида Темурбекнинг ёшлиги Кеш шаҳри билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли мазкур мавзуга алоҳида эътибор беришди. Чунки Ўзбекистонда Темурбекнинг ёшлигини акс эттирувчи алоҳида кўргазма мавжуд эмас. Бу жиҳатдан янги ташкил этилган кўргазма нафақат мутахассис ва олимлар, балки маҳаллий ва хорижий саёҳатчиларга ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Темурбек бу заминда босқинчиларга қарши курашган Спитамен ва Муқанна каби машҳур саркардалардан ўрнак олган ҳолда қадимий Туркистон ҳудудини мўғул босқинчиларидан халос қилиш йўлидаги ҳарбий ҳаракатларини айнан Кеш шаҳрига ҳоким бўлиб ишлай бошлаган давридан бошлаган. Муаррихлар Шарафуддин Али Яздий ва Фасиҳ Хавофийларнинг маълумотларига кўра, Амир Темур хижрий 736 йил 25 шаъбонида (1336 йил 9 апрель) дунёга келган бўлиб, Муаррих Ибн Арабшоҳ Кеш шаҳри яқинидаги Хожа Илғор қишлоғида таввалуд топган деб ёзади. Кеш воҳаси чингизийлар томонидан Темурбекнинг бобокалони Қорачор нўёнга ҳарбий хизматлари учун суюрғол қилинган бўлиб, унинг отаси Амир Тарағай ҳам барлос уруғининг ҳарбий бошлиқлари - бекларидан эди.

Темурбекнинг кўплаб аждодлари Чингизийлар ва унинг авлоди

Чигатойхон саройида харбий хизматда бўлишган. Барлослар Кеш атрофида ўз мулкларига эга бўлишиб унга эгалик қилишган. Амир Темурнинг барлос уругидан келиб чиққанлиги ҳақида ёзма манбаларда аниқ акс этган. Масалан, француз тарихчиси Рене Груссе ҳам "Дашт салтанати" асарида: "Тарихчилар Амир Темурнинг шажарасини Чингизхонга улашга ҳаракат қилардилар. Аслида эса у ҳеч қандай мўғул эмас, балки туркийдир" - деб ёзган эди.



Амир Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағайбек ҳамда бобоси Амир Барғуллар ислом динини

қабул қилган мусулмонлардан бўлиб, ўз даврининг кўзга кўринган пиру уламоларига яқин эдилар. Муаррих Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади: "Тарағайбек уламо ва сулахо ва мутгакиларга мушфиқ ва меҳрибон эрди. Буларнинг мажлисида борур эрди, ложурма бу жиҳатдинким, ҳазрат ҳақнинг секур бандаларини секур эрди". Тарағайбек пири тасаввуф шайхи Шамсуддин Кулолни айниқса чуқур ҳурмат қилган. Кейинчалик шайх Амир Темурга сабоқ берган ва севимли пирларидан бирига айланган.

Темурбекка диний ва дунёвий билимларни дастлаб онаси Такина хотун берган. Мазкур муштипар аёл Баҳодир Тарағайнинг иккинчи хотини бўлиб, унинг ёшлиги Бухорода утган ва оиласи томонидан Шайх Амир Кулолга назира қилинган ҳамда унинг оиласида тарбия топган эди. Қутлуғ Туркон оқа Темурбекнинг опаси бўлиб, ундан беш ёш катта эди. Ёзма манбаларда Темурбек душманлардан яшириниб опаси Қутлуғ Туркон оқанинг Самарқанддаги уйида яшагани ва ундан давлат ишларида маслаҳатлар олгани қайд этилганди.

Масалан, Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"сида Қутлуғ Туркон оқа: "Агар мундоқ бепарволик қилсанг, олам бир-бир бўлуб бузулгай. Худойнинг хатосига ҳеч чора йўқ турур. То олам бор эрмиш, ушбу тарик эрмиш. Гам емак фойда қилмас. Агар мундоқ бўлсанг, раъият ва мамолик паришон

бўлуб, худойнинг бандалари бехонумон бўлгай".

Ширинбека Соҳибқироннинг якка-ю ягона синглиси эди. Қутлуғ Туркон оқа ҳамда Темурбекнинг синглиси Ширинбека Шоҳи Зиндада дафн этилган. Темурбекни ислом одатларига кўра, етти ёшида Шайх Шамсуддин Кулол дарс берадиган мадрасага ўқишга беришади. Манбаларда, Темурбекни феъли-атвори босиқ бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг ичкиликка майли йўқлиги ва фикр-мулоҳазалари анча тузуклиги ҳақида маълумотлар келтирилган. У сиёсат ва ҳарбий ишларда тўғри ечимни осонлик билан топарди. Шунинг учун ҳам Кешдаги дўстлари – Аббос Баҳодур, Жаҳоншоҳбек, Қимори Иноқ, Сулаймоншоҳбек, Идику Темур, Сайфуддинбек, Хиндушоҳ Қарқара кабилар агрофига жипслашиб, биргаликда ҳарбий машқ ва мусобақаларда иштирок этишиб, унга доимий ҳарбий навкар, кейинчалик эса Темурбекнинг лашкарбошилари ва сафдошлари бўдилар.

Амир Темурнинг болалик йиллари ҳақида Яздий шундай ёзади: "Ҳазрат Хаққ субхонаху ва таоло ани истиқомат бешикидан чиқориб ва лутф дояси сути билан парвариш берди. Хадди тамйиз ва ақлда етконда ҳаракат ва қилигидин салтанат иши андин зохир бўлур эрди. Ва анинг эш-кучидин ва айтмак ва эшитмакларидин подшоҳлик ва шаҳриёрлик тарикаси кун киби йарук кўринур эрди.

Темурбек ёшлигидан чавандозлик, қиличбозлик, камон ва кураш санъатларини моҳирлик билан эгалаган. У Кеш водийсидаги тоғларда, Қарши воҳасидаги чўллар ва тўқайларда ов қилишни севарди. Ўрта асрлардаги урф-одатларга кўра, Темурбекни отаси Тарағайбек ёллаган махсус мураббийлар – отабеклар ҳарбий-спорт машғулотларини олиб борган бўлиши керак.

Темурбек ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти – Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Амир Темурнинг руҳий-маънавий мураббийлари, пирларининг номлари тарихда маълум. Темурбек дин пешволари ва мусулмон руҳонийлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳурмат-этиром кўрсатган, ўз саройида пири муршидлар, маънавий устозларни сақлаган. У ҳар доимо шариат қонун-қоидаларига қатъий риоя этган.

Шайх Шамсуддин Кулол Шаҳрисабзда энг ҳурматли авлиё ҳисобланган. У Амир Темур хонадонига жуда яқин бўлган. Отаси Амир Тарағай ўз пири олдига янги туғилган фарзандни олиб келганда, Шайх Қуръон кўриб, гудакка Темур исмини қўяди. Амир Темурнинг эътироф этишича, ёшлигидан авлиёнинг насиҳатларини олган, салтанатда эришган шавкатли зафарларга пир руҳияти хомийлиги ва ҳиммати катта ёрдам берган.

Муаррих Ибн Арабшоҳ шундай ёзган: "Темур шайх (Шамсуддин Кулол

«Qadimiy Kesh shahri va Temurbekning yoshligi»

ал-Фохурий)нинг ҳузурига кирганида у ўзининг муриду мухлислари билан чуқур ўйга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар зикр-самоларидан тўхтаб, ўзларига келгунларича, Темурбек тик тураверди. Шайхнинг назари унга тушиши билан Темурбек шайхнинг қўлларини ўпишга шошилди. Шунда шайх ўз жамоасига: "Эй, жамоат! Сиз унинг хаққига дуо қилиб, истаган муродига етиши учун унга мадад берингиз", - деди. Шайхнинг ушбу дуосини Амир Темур ўз муваффақиятларининг энг

биринчи сабаби деб ҳисоблади".

Амир Темур Мовароуннахр ҳукмдори деб эълон қилингандан сўнг Шайх Шамсуддин Кулол руҳига катта иззат-икром билан Шаҳрисабзнинг жанубий сарҳадидаги манзилга, яъни



Авлиё қабри устига гумбазли мақбара тиклаган ва бу макон зиёратгоҳга айланган.

Соҳибқирон 1374 йилда пирининг қабри ёнига янги қурилган мақбарага отаси Амир Тарағайнинг қабрини кўчиртирди. Масжиди Жоме билан боғланиб ташкил топган меъморий мажмуа "Дорут-тиловат", яъни марҳумлар руҳига тиловат қилинадиган маскан номи билан машҳур бўлди.

Ёш Темурнинг хислат ва фазилатлари ҳақида Муаррих Яздий бундай тавсифни келтиради: "Анинг давлатманд зотиким, мазхари лутфи илоҳий эрди, шафқат ва хайрдин ўзга иш муборак кўнглига кечмас эрди... Ва далили бу сўздаким, такалуфдин йироқ ва риёдин бегона,... Харгиз номашруъ ишгаким, гуноҳ турур, майл қилмади ... Ва подшохи комкор оғзини жогир (ичкилик) сори элтмади ва тоату ибодат фикридин ўзга иш фикрида кечмади. Ва муттасил иши Қуръон ўкумок ва фақиру мискиннинг гамини емак эрди".

Амир Темурнинг йигитлик давридаги оғир синовлар XIV аср 50-йилларининг охирги чорагида Мовароуннаҳр бош амири ва хотинининг бобоси Амир Қазағоннинг ўлиmidан кейин бошланган. Бу пайтида Мовароуннаҳрда тарқоқлиқ, амирларнинг ўзаро кураши анча кучайган. Темур эса буларга чек қуйиб, Мовароуннаҳрни бирлаштиришга ҳаракат қилган.



Абдулхолиқ Гиждувоний
таваллудининг 915 йиллиги олдида

ХО‘ЖАИ ЈАНОН- ДУНҲО АНЛИНИНГ ПИРИ

Хожагон тасаввуфий тариқатининг асосчиси ва на зариётчиларидан бири Хожа Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Гиждувоний 497/1103 йилда Гиждувонда таваллуд топган.

Падари бузруквори Абдулжамил лРумдиёридан Бухоро келиб қолган.

Бухородаги етти пирнинг биринчиси Ҳазрати Абдулхолиқ – "Хожайи Жаҳон", яъни "Жаҳоннинг буюги", "Жаҳоннинг хожаси" номлари билан бутун курраи заминга машҳурдир. Абдулхолиқ илк сабоқни отаси Абдулжалилдан, сўнг Гиждувонлик имом Садруддиндан тафсир илмидан таълим олган. 9 ёшида Қуръонни ёд олган. 10 ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикрларида қатнашган. Сўнгра Балхга бориб, Хожа Фазлуддиндан 11 йил таҳсил олиб, унинг қўлидан ҳирқа олган. Абдулхолиқ Марв, Сарахс, Тус каби Хуросон шаҳарларига сафар қилган. Самарқандга келгач, 22 ёшида Хожа Юсуф Ҳамадоний (1058–1140) билан учрашган ва бир умр устоз-шогирд ришталари боғланган. Шунингдек, у араб мамлакатлари бўйлаб сафар қилиб, замонасининг буюк машойихлари суҳбатида бўлган. Бир неча марта ҳаж зиёратига боришга ҳам эришган.

Абдулхолиқ Ҳамадоний билан учрашиб, унинг содиқ муридига айланган чоғида 22 ёшида эди. Устози билан бирга Бағдод, Исфаҳон, Балх, Марв ва Самарқанд шаҳарларига сафар қилишади. Абдулхолиқ Ҳамадонийни нафақат устоз, балки ўзини маънавий ота, деб ҳам билар эди. У сўфийлик хирқаси, либосини ҳам Ҳамадоний қўлидан кийган" (А.Низомов, Ш.Нарзуллаев Гиждувон тарихидан саҳифалар. Т., 2007. 2-рисола.)

Устози Юсуф Ҳамадоний Хуросон мулки (Ҳирот, Марв)га кетганларидан сўнг Хожа Аҳмад Яссавийдан кейин Ҳамадоний маснадига ўтириб кўплаб шогирдлар тарбиялаш, халойиқни ҳақ йўлга, поклик, тўғрилиқ ва ҳалоллик йўлига даъват эта бошлаган.

Хожа Абдулхолиқнинг узун бўйли, катта бошли, қалам қошли, буғдой рангли, гўзал юзли улуг зот бўлганлиги манбаларда қайд этилади.

Буюк мутасаввуф Хожа Абдухолиқ Гиждувоний ҳозирги авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. Буюк аллома ибодату зиёратга машғул бўлиб, бутун ҳаёти давомида 5 та асар ёзган. "Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний" ("Хожа Юсуф Ҳамадоний фазилатлари") асарида

устозининг таржимаи ҳоли ва унинг таълимотини ёритган. "Васиятнома" ("Одоби тариқат" - "Тариқат одоблари" деб ҳам аталади), "Рисолайи соҳибия" ("Дўстлик рисоласи"), "Азгуфтори Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний" ("Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг айтганлари") китоблари шулар жумласига киради. Шунингдек аллома форс тилида шеърлар ҳам битган. Бу асарларнинг бир неча қўлёзмалари ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидан Шарқшунослик институтида сақланмоқда (Буюк юрт алломалари. Т., 2016. 229- бет)



Абдухолиқ Гиждувонийнинг устозлари - Ҳизралайҳиссалом, Имом Садруддин, Юсуф Ҳамадоний, Ниёз Хоразмий (Бобом Лақлақаги), халифалари - Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон Қармоний, Хожаи Ориф-ар-Ревгарий (Моҳитобон), муридлари - Хожа Суфи Чўян, Хожа Лангарато, Суфи Дехқон.

Мусулмон оламида тариқатлар кўп. Қаландария, Яссавия, Қубравия, Нақшбандия тариқатлари мавжудлигини кўпчилик билади. Хожагон тариқатига улуг бобокалонимиз Абдулхолиқ Гиждувоний асос солганлар. Бу тариқатга Оллоҳга зикрни дилга келтириш, қўл билан меҳнат қилиб, худо берган ризқни ҳалоллик билан топиб ейиш асосий ўрин тутди. Хожа Абдулхолиқ айтадиларки: "Халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб билан "Дастба кору, дилба ёр" деган сўз Хожагон тариқатига амру муқаррар турур".

Хожагон тариқатининг "Даст ба кору, дил ба ёр" (Қўлинг меҳнатда дилинг Аллоҳда бўлсин) деган асосий ва гоят ҳаётий шиорнинг асосчиси ҳам Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратлари бўлган.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний устози Юсуф Ҳамадоний таълимотини ҳар томонлама бойитган ҳамда зикри хуфия ва хожагон тариқатини 8 та рашҳа (қонун қоида) сани шакллантирган.

Абдулхолиқ Гиждувоний Хўжагон (кейинроқ Нақшбандий) таълимотига асос солиб, ўз солиқлари, муридлари учун одоб-ахлоққа оид бир неча қонун қайдларни ишлаб чиққан. Таниқли манбашунос олим У.Уватовнинг ёзишича, хожагон (нақшбандия) тариқати 11 қоидадан ташкил топган бўлиб, уларни Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний, Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ишлаб чиққанлар. Жумладан, шайх Юсуф ал-Ҳамадоний асос солиб, ҳар бир солиқ (тариқат асосчиси, мурид) амал қилиши лозим бўлган тўрт қоида қуйидагилардир: ҳуш дар дам (ҳар бир нафасни ҳушёр ҳолда олиш), ҳазар бар қадам (ўйлаб қадам ташлаш), сафар дар ватан (қалбдан ватан узра сафар қилиш) ва хилват дар анжуман (кўпчилик ичида ўзини хилватдаги каби тутиш). Сўнгра Абдулхолиқ Гиждувоний бу тўрт қоидаги қуйидаги тўрт қоидани қўшади: ёд карт (Аллоҳ номини ёдда такрорлаш), боз гашт (дилида яна Аллоҳга қайтиш), нигоҳ дошт (солик калимайи шаҳодатни айтганда хотирни жам қилиш, хаёлни бўлмаслик) ва ёд дошт (солик ҳар доим Аллоҳ ёдда тутиб огоҳ бўлиши).

Абдуллоҳиқ Гиждувонийдан икки аср кейин фаолият кўрсатган Баҳоддин Нақшбанд (1318–1389) ўз тариқатига устозлари Юсуф Ҳамадоний ва Абдуллоҳиқ Гиждувоний таълимотларини асос қилиб олиб уларга қуйидаги учта қонидани қўшади: вуқуфи замоний (замондан воқиф бўлиш), вуқуфи ададий (бунда зикрда ададга (саноққа) амал қилишлик), вуқуфи қалбий (зикр қилувчининг дили диомо огоҳ бўлиши, дилнинг доимо Аллоҳ таоло томонига тайёр бўлиб туриши). Шундай қилиб хожагон (нақшбандия) тариқатининг асосий қондаларини Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний, Абдуллоҳиқ Гиждувоний ва Баҳоддин Нақшбанд ишлаб чиққанлар (Буюк юрт алломалари. Т., 2016. Б.228–229)

Гиждувоний ҳазратлари тасаввуф аҳли орасида биринчилардан бўлиб, тарки дунёчилик ғояларини рад этиб, меҳнатни улуғладилар ва шартли равишда айтганда икки дунё – фоний ва боқий дунёни мусулмонлар наздида бирлаштирдилар.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний ниҳоятда қобилиятли, истеъдодли, меҳнаткаш киши бўлган. Ва шунинг қаторида жуда катта руҳий қувватга эга эдики, бу ҳақда Алишер Навоий яна шундай ёзади: "Аларнинг вилояти у ерга етдики, ҳар вақт намозда Каъбага борурлар эрди". Яъни бу дегани, улар намоз ўқиган чоғда шу қадар ихлосу иймон билан ўқур эдиларки, ўзлари турар

Абдуллоҳиқ Гиждувоний 1179–йилда 76 ёшда рихлат этганлар. У кишининг қабрлари Гиждувонда Улуғбек мадрасаси яқинидадир.

Гиждувоний билим эгаллаш инсоний фазилат ва хулқ одоби қондаларини касб қилиш, покланиш, сахий ва камтар бўлиш, нафсни жиловлаш, ҳаллолик, одамийлик, меҳру шафқат, ўзгаларга ёрдам бериш, одобли ва хушмуомали бўлиш ҳақида сўз юритиб, бахиллик, бойликка ружу қўйиш, очкўзлик, ҳасад, ҳаром–ҳориш ишларга берилиш, кибр ва манманлик каби ярамас иллатларни танқид қилган (Ҳ. Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т., 2016. 213–214 бетлар)

Аллома таълимоти кейинги давр йирик сўфийлари томонидан ўрганилган ва шарҳ қилинган. Масалан, Маҳдуми Аъзам (Аҳмад ибн Мавлоно Жамолиддин Хожагий Косоний) Гиждувонийнинг 4 васиятини "Рисолаи чаҳор калима" ("Тўрт сўз ҳақида рисола") асарида шарҳлаган. Абдураҳмон Жомийнинг устози Мавлоно Саъдуддин Кошғарий (ваф. 1456 йил) "Рисола" асарида Гиждувонийнинг тасаввуф таълимотининг асосий қисмини баён этган.

Гиждувон муқаддас илоҳий гўшадир. Бу ерни иккинчи "Каъбатуллоҳ" деб эъзозлайдилар. Гиждувонга жуда кўп бобокалонларимизнинг пойқадами етган. Хожи Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулло Баркий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Хасан Андоқийлар бир неча бор ташриф буюрганлар. Шунингдек, кўп ҳукмдорлар, саркардалар, алломаи давронлар бу табаррук тупроқни тавоф айлаганлар.

"Хожа Баҳоддин Нақшбандий (Увайсий) ҳам ҳар ҳафта жума куни ўз маънавий устози Абдуллоҳиқ Гиждувоний даҳмасини зиёрат қилиш учун то умрининг охирларигача Гиждувонга ташриф буюрган. Хожа Баҳоддин

Нақшбанд Бойхотин қишлоғидаги балхи тут дарахти соясида бироз муддат дам олиб, сўнг яна яёв юриб, пиру муршид Абдулхолиқ Гиждувоний қабрини зиёрат қилганлар.

Ўз навбатида Мовароуннаҳрнинг олий бош ҳукмдори Амир Темур Ҳазрат Баҳоуддинни ўзича пир тутган. Бир ривоятда айтилишича, Соҳибқирон отлиқ лашкарлари ҳамда, суворийлари билан Хожаи Жаҳон зиёратгоҳи ёнидан ўтиб кетаётган маҳалда тасодифан барча отлар юролмасдан бир жойда тўхтаб қолади. ҳамма ҳайрон. Отлар қанча саваланса ҳам олға силжишмайди. Бир гаройиб ҳодисадан дарғазаб бўлган Амир Темур ҳазратлари воқеа тафсилотини пиру бузруквори Мир Саййид Баракадан сўрайди.

- Улуғ соҳибқирон. Сиз жуда яхши билурсизки, ўзингиз пир тутган Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози Абдулхолиқ Гиждувоний худди мана шу жойда тупроқ остида ётибди. Бул муборак зоти -шариф ўз билими ва салоҳиятлари билан бутун дунё мусулмонларини тариқат байроғи остида бирлаштирган улуғ даҳо, буюк авлиёдир. Қабрлари пурнур, унга доимо Оллох раҳмати ёғилиб туради. Ўшал улуғ зотнинг руҳи поклари арвоҳ бўлиб, йўлимизни тўсубдир ва қоқ тунда кўзимизни гафлат пардаси қоплабдур, дея жавоб берди Мир Саййид Барака.

Алқисса, Соҳибқирон Амир Темур Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний руҳи покларига бағишлаб қўй сўйдириб, худойи қилиб, икки ракат намоз фарзини адо этиб, хатми Куръон бажо айлагандан сўнг, барча йўллар ўз - ўзидан очилиб, хазрат Амир Темурнинг уч қитъа оша зафарли ҳарбий юришлари бошланибди".

Темурийзода Мирзо Улуғбек Гиждувонни обод манзилгоҳга айлантириб, 1432-1433-йилларда мадраса қурдирган. У бу ерда 20 дан ортиқ тарихий обидалар қурдирган. Ер ости тош ҳаммоми ҳозир ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Масжидлар ва ховузлар қаздирган. Биргина қўрғон шаҳристонида Мирзо Улуғбек Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний руҳиятига юксак ҳурмат бажо келтириб, кўплаб тарихий иншоотлар қурдирган. У бир неча марта Гиждувонга келиб, қуриладиган обидаларнинг тарҳини шахсан кўрган. Хожаи Жаҳон зиёрат гоҳида ҳукмдор кўрсатмаси билан, етти иқлимга машҳур бўлган ўлчови 42х36х6 метри саккиз қиррали бунёд этилган.

Ўша йиллари хожагонлик - нақшбандийлик тариқатига кирган ҳар бир мурид Гиждувонга келиб, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний даҳмасини зиёрат қилар эди. Султон Хусайн Бойқаро Хуросон тожу тахтини киритиш учун жангу жадал қилиб юриб, Гиждувонга келади. Шу муқаддас Хожайи Жаҳон қабрларини зиёрат қилиб, сўнг кўчманчи ўзбеклар ҳукмдори Абулхайрхон Султондан ёрдам сўраш учун Дашти Қипчоққа жўнаб кетади.

Хуллас, мана неча юз йилдирки, Гиждувоний ҳазратлари ўзининг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари билан дунёда Хожаи Жаҳон - жаҳон аҳлининг пири деб улуғлаб келинади. Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий касб-кор билан камтарона ҳаёт кечирган буюк мўътабар сиймонинг Аллоҳ йўлидаги буюк хизматлари бутун - орадан

тўққиз аср ўтганидан кейин ҳам бутун Муслмон оламида юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас, албатта. Шу сабабли Абдухолиқ Гиждувоний қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, халқимиз орасида кенг ёйиш ва бу бебаҳо маънавий бойликни ёш авлодга ҳам энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.


Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг буюк аллома Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллик таваллуди Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги қарорига кўра ҳамда ЮНЕСКО ташкилотининг (31 сессияси қарори) раҳнамолигида 2003 йил ноябрда нишонланиб, кенг кўламли ободончилик ишлари олиб борилди, илмий анжуманлар, маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказилди, алломанинг асарлари нашр этилди. Зиёратгоҳда маҳобатли мажмуа таъмирланди.

Шунингдек, 2017 йил 11 июлда Республика Президентининг Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Абдураҳмон Жомий деди:

– Алар (Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний)нинг равишлари тариқатда ҳужжатдир, жами фирқалар мақбулидир. Зикри қалбий дарсини Хизр (а.с)дан олмишлар. Кўп риёзат ва ибодат билан машғул бўлдилар ва улуғ вилоятга эришдиларки, бир намоз вақти Каъбага бориб, яна қайтиб келар эдилар.

Алишер Навоий ўзининг "Насойим-ул муҳаббат" асарида Абдулхолиқ Гиждувоний ҳақида шундай ёзади: "Абдулхолиқ Гиждувоний ниҳоятда ноёб қобилият соҳиби, ўта истеъдодли ва ғоят меҳнаткаш киши бўлганлар. Шу билан бирга, жуда ката руҳий қувват эгаси бўлганларки, аларнинг валаяти (валийлик қуввати) ул ерга этдики, ҳар вақт намозда Каъбага борурлар эрди".



Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳикматлари

Жоҳил ва тақлидчи сўфийлардан йироқ юр. Чунки улар дин ўғриси ва мусулмонларни йўлдан ургувчилардир.
* * *

Илм ўрганиш йўлида собитқадам бўл.
* * *

Ҳалол таом егил, у сенинг хайринг калитидир.
* * *

Ҳромдан йироқ юргин, қиёмат куни оташда куймайсан.
* * *

Ҳалол бўлсанг, ибодатдан ҳаловат топасан.
* * *

Қозилар маҳкамасида ўтирма ва султонлар билан ҳамсуҳбат бўлма.
* * *

Нафсни тор этиш учун сафарни ихтиёр эт.
* * *

Эй ўғил, амалга интилмагинким, кимки амалпараст бўлса, тариқат йўлига муносиб эмас.
* * *

Ҳар кимни мана бу беш ҳислатни кўрмагунча уни бедорликка қабул қилма: биринчиси - фақирликни бойликдан устун қўйган бўлсин; иккинчиси - илмни дунё ишларидан устун қўйган бўлсин; учунчиси - хорликни иззатдан устун қўйган бўлсин; тўртинчиси - зоҳир ва ботин амалларни яхши билувчи бўлсин; бешинчиси - ўлимга доим тайёр бўлсин.
* * *

Бировларнинг ёлгон мақтовига учма.
* * *

Кўп кулиш гафлатдандир ва кулгу қалбни ўлдиради.
* * *

Ҳақ таолонинг марҳаматидан ноумид бўлма.
* * *

Ҳар бир пири муршид мурид учун ота мартабасидадир. Шайхларга ботинда ҳам, зоҳирда ҳам хизмат қил.
* * *

Ота-онанг ҳаққини ҳамиша адо эт. Халқ билан чиройли муомала қил.
* * *

Иймон - виждон, ишонч, эътиқод устуворлигидир.

Манба ва адабиётлар:

- Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Васиятнома. Т., 1993
Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. Т., 2003
Муҳаббат тароналари. Рубоийлар. Форс тилидан Э.Очилов таржимаси. Т., 2005. Б. 82-85
А.Низомов, Ш.Нарзуллаев. Гиждувон тарихидан саҳифалар. 2-рисола. Т., 2007
Ҳ. Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т., 2016
Буюк юрт алломалари. Т., 2016



Amir Temur va Temuriylar davrida madrasa ta'limi tizimi

Шарқ меъморлик санъатининг энг ноёб анъаналари мадрасаларда ўз ифодасини топган. Мадраса – диний олий ўқув юрти ҳисобланиб, масжидлар ёнида жойлашган. Атрофида ниҳоятда баланд ва салобатли миноралар ҳам қурилган. Мадраса биносида талабалар ҳам яшаб ва ўқиши учун 2-4 нафар ва ундан кўпроқ кишилик ҳужралар, мударрислар, мутавалли, масжид имоми, муаззин учун хона ва бир неча дарсхоналар мавжуд бўлган.

Давлат аҳамиятига молик йирик мадрасалар қошида бой кутубхона, қироатхона, уларнинг ишини назорат қилувчи лавозим ҳам мавжуд бўлган. Бухородаги Мир Араб мадрасасида 100 нафардан ортиқ талаба яшаши учун ҳужралар жойлашган. Ўз даврининг энг улуг олимларига ҳам илмий иш билан шуғулланиш учун мавжуд мадрасадан бир хона (ҳужра) ажратилган. Машҳур аллома Аҳмад Донишнинг Мир Араб мадрасасида, Солиҳ Охунднинг Кўкалдош мадрасасида, Муҳаммад Юсуф Рожийнинг Оллоқулихон мадрасасида ўзининг алоҳида ҳужраси бўлган¹.

Талабаларга ўқитиш жараёнида домла томонидан дарс мазмуни айтиб турилган, сўнгра улар ёзганлар. Бу усул "имло" усули деб юритилган. Кейинчалик ўқув муассасаларида "имло" усулидан воз кечилган.

Самарқанддаги Улуғбекмадрасаси Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг эътиборли мадрасаларидан бири бўлган. У икки қаватли бўлиб, 55 та ҳужраси бўлган. Ҳар бир ҳужра 2 нафар талаба учун мўлжалланган, уч хонадан: ётоқхона, дарсхона, қазноқ (озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар (омбор) учун)дан иборат бўлган.

Мадрасалар пештоқига, эшикларига нақш билан илм олишга чақирувчи Қуръони карим оятлари ёки Ҳадиси шариф даъватлари битилган. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг Бухорода қурдирган мадрасаси пештоқига "Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир", Бухорода Абдуллахон қурдирган мадраса пештоқига "Билимдонлар билан нодонлар тенг бўладими" Қуръон оятидан ҳамда "Илм шундай нарсаки, унга бутун умрингни бахшида қилмагунингча, сенга ўзининг бир қисмини ҳам бермайди" ҳадислар нақшлар билан битилган².

¹ У.Долимов. Темурийлар даврида мадраса таълими. Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 6-китоб. Т.: "Академнашр", 2013, Б.142.

² Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. -Т.: "Шарк", 1999, Б.180.

Ўқитиладиган илмлар таснифи, ўқитиш савияси, мударрислар мавқеига кўра мадрасалар икки босқичга бўлинган: биринчиси, умумий таълим берувчи ўқув маскани – умадрасадеб юритилган. Ушбу гуруҳ мадрасаларда илми нақлия – диний илмлар анча чуқур ўргатилган, шу билан бирга, илми ақлия – табиий фанлардан умумий маълумот берилган. Бундай мадрасалар кичикроқ шаҳарларда, туманларда, баъзан катта маҳалларда ҳам мавжуд бўлган. Умумий таълим мадрасаларини битирган талабалар, асосан, ибтидоий мактабларда ўқитувчи, масжидларда имом, қозихоналарда муфти ва бошқа лавозимларда ишлаганлар. Қобилиятли ва иқтидорли ёшлар эса мадрасайи олияда ўқишни давом эттирганлар.

Иккинчиси, мадрасайи олия таълим-тарбиянинг энг олий босқичи ҳисобланган. Унда юксак илмий мартабага эришган алломалар фаолият кўрсатишган, бундай мадрасалар, асосан пойтахтларда, илм-фан, маданият ривожланган Бағдод, Самарқанд, Бухоро, Хива каби йирик шаҳарларда бўлган.

Мадрасаларда қоидага мувофиқ ҳафтанинг тўрт куни – шанба, якшанба, душанба, сешанба ўқиш кунлари; икки кун – чоршанба, пайшанба мустақил мутоалаа кунлари; жума дам олиш куни ҳисобланган. Ўқиш олти ой давом этиб, умумий қоидага мувофиқ ўқув йили мезон ойининг биринчи куни (22 сентябрь) бошланиб, ҳамал ойининг биринчи куни (21 март) тугаган. Ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула ойлари талабалар ўзларининг бошқа шахсий ишлари билан машғул бўлганлар.

Мадрасаларнинг ҳар икки гуруҳида араб тилининг сарфи (морфологияси), наҳви (синтаксиси) анча чуқур ва узок вақт ўқитилган. Чунки мадрасаларда ҳамма фанлар бўйича ўқитиладиган барча асарлар ва уларнинг шарҳлари деярли ҳаммаси араб тилида битилган ва араб тилини мукамал билиш талаб этилган. Баъзи мадрасаларда уларнинг ихтисосига кўра улуми ақлия, улуми маъмурия, улуми ҳарбия илмлари ўқитилган. Чунки уларда, асосан, давлат маъмуриятида хизмат қилувчи, элчилик ишлари билан шуғулланувчи давлат арбоблари ёки лашкарбошилар тайёрланган. Шунга кўра, бундай мадрасаларда Кайковуснинг "Қобуснома", Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларини анча чуқур ўргатилган.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган "Чаҳор китоб" дарслиги мадрасаларда ўқитилиб, унинг 2-қисми "Бидон", яъни "ўрган", "бил" деб номланган. Савол-жавоблар шаклида битилган ва ислом рукнлари ҳамда унга боғлиқ масалалар ҳақида ҳам билим берган.

Мадрасайи олияда дарс бериш, ўқитиш усуллари алоҳида эътиборга лойиқдир. Мирзо Улуғбек дарс бериш жараёнида, айниқса, мунозара-баҳс усулига тез-тез мурожаат қилган. Дарҳақиқат, мунозара усули, талаба нутқини ўстириб, масала моҳиятини чуқур идрок қилишга ёрдам берган. Мирзо Улуғбек фақат талабаларга дарс бериш билан чекланмай, мадраса мударрисларига, расадхонада ишловчи олимларга ҳам дарс ўқир, мунозаралар ўтказар, шу билан уларнинг малакасини оширар эди. Ўзига

хос академия вазифасини ўтаган Улуғбек расадхонаси ўз вақтида мадраса мударрислари малакасини оширадиган илм маскани ҳам саналган. Мадрасайи олиянинг деярли ҳамма мударрислари расадхонада илмий изланишлар, асарлар яратиш билан ҳам машғул бўлганлар.

Улуғбек мадрасайи олийсида 100 - 150 нафар талаба мунтазам таълимолган. Талабаларга Самарқанднинг деярли барча улуғ олимлари: Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий, Гиёсиддин Жамшид Коший, Алоуддин Али Қушчи аниқ фанлардан дарсберганлар ва Улуғбек расадхонасида ҳам илмий тадқиқот ишларива бошқа изланишлар олибборганлар.



Мадрасани тугатганларга санад (шаҳодатнома) ёзиб берилган. Бироқ шаҳодатномани олиш ҳам маталабаларга ҳам насиб этавермаган. Мазкур даргоҳда, аввало, ўқув фанларига эътибор ва талабчанлик шу даражада юқори эдики, кўплаб талабаларнинг ўқиши 20 - 25 йилгача чўзилиб кетар, баъзилари ўқишни охирига етказолмай ташлаб кетишга мажбур бўлардилар. Иккинчидан, дарслик ва ўқиладиган мажбурий асарларнинг деярли барчаси, бунинг устига, уларга шарҳ ҳам араб тилида битилар эди.

Шарҳ мамлакатлари қаторида Марказий Осиё мадрасаларида ҳам асосий ўқитиш усулларида бири шарҳлаб ўқиш усули эди. Маълумки, мадрасаларда, шунингдек, бошқа ўқув юртларида диний илмлар, гуманитар фанлар, аниқ фанлари (риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, жуғрофия, тиб илмлари) ўқитилган. Гуманитар илмлардан мантик, фикҳ, илми аруз, илми қофия, илми бадеъ, илми маоний кабилар ўқитилган.

"Қуббат ул-илм" ("Илм - Одоб қуббаси" сифатида жаҳонда шуҳрат туган Шаҳрисабз ва доруссалтана - Самарқандга бошқа юртлардан толиби илмларнинг келиши Амир Темур салтанати йилларида йўлга қўйилган. Мовароуннаҳр мадрасаларида Туркистоннинг таниқли мударрислари таҳсил берганлиги бу жойдан кейинчалик машҳур олимларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирлаган. Фикҳ, тил илмлари борасида Кешдан ҳам таниқли олимлар чиққан. Амир Темур даврида унинг ҳурматини қозонган олимлардан Хожа Афзалиддин Кеший, Хожа Жалолиддин Кеший, Абдул Ҳамид Кеший ва Абдураҳмон Кеший исми шарифларини келтириб ўтиш мумкин¹.

Қуръоннинг машҳур тажвидчиларидан бири мавлоно Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий - у (Темур набираси) Муҳаммад Султон ҳаёт вақтида унинг имоми, у вафотидан кейин эса унинг мадрасасида имомлик қилган. Кейин у Брусуда хатиб бўлиб, ўша ерда - Тангри-таоло уни раҳмат қилсин - 831 (1427-1428) йилда ўз ажали билан қазо қилган - менга шундай деганди: "Мен Самарқандда Муҳаммад Султон мадрасасида унинг мамлуклари ва амирлари ўғилларига Қуръондан таълим берардим"², деб маълумот берган

¹ П.Рвшанов. «Шаҳрисабз тарихи». Т.: "Янги аср авлоди", 2011, 346 - бет.

² Ибн Арабшоҳ. «Амир Темур тарихи». Т.: Мەхнат, 1992, 190 - бет.

муаррих Ибн Арабшоҳ.

Мадраса таълимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда араб ва форс тилларини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мадрасалардаги мутавалли хўжалик ишлари билан шуғулланган. Вақф ерларини ижарага бериш, улардан тушадиган даромадни, вақф ихтиёридаги тегирмон, карвонсаройлар, дўконлар ва бошқа кўчмас мулкдан келадиган тушумларни тақсимлаш, мадраса ходимларига маош, талабаларга маблағ, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратиш каби хўжалик ишлари мутаваллизиммасида эди.

Мадрасалар вақфномаларида фақат иқтисодий жиҳатларигина эмас, балки мадрасалардаги тартиб-интизом, ўқитиладиган илмлар ҳақида, талабаларнинг уч: адно, авсат, аъло гуруҳларига бўлиб ўқитилган. XV асрда Самарқанд ва Ҳирот мадрасаларида ўқиш муддати 8 йил бўлган. Агар талаба 8 йил ичида дастур талабларини бажара олмаса, белгиланган вазифа тўхтатилган ва талабаларга кўрсатилган имтиёزلардан маҳрум этилган.

Можар олими ва сайёҳи Ҳ. Вамбери бошқа юртлардан келган олимларга алоҳида катта эътибор берилганлигини айтиб, "Нишопур, Бағдод, Хоразмнинг уламо ва мударрислари, Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгаридан бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган иш ҳақи олардилар"¹, деб ёзган эди.

Дин аҳлининг таъсирли вакиллари Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида ҳам мавжуд эди. Шулардан Амир Темур учун асосий аҳамият касб этганлари унинг ўз юрти Кеш ва пойтахти Самарқандда бўларди, – деб ёзганди В.В.Бартольд. Бу олим "Темур, шубҳасиз, уламолар ҳомийси эди, улар билан тенг бўлиб суҳбат қуради", деганда юқоридаги фикрларни ҳисобга олиб айтгани шубҳасиздир. Темурбек тарих илмига жуда катта

и х л о с м а н д бўлган ва Шарқ ва жаҳон тарихини яхши билган. Ибн Ҳалдун Ҳофизи Аbru, сингари таниқли муаррихлар билан бўлган суҳбат-баҳсларда алломалар унинг билим доираси ниҳоятда кенглигига, қувваи ҳофизасига қойил қолганлари



¹ Ҳ.Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: 1990, Б.57.

тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Нафақат Амир Темур, балки унинг барча ворислари даврида ҳам мадрасалар қурилишига етарли даражада эътибор билан қаралган. 1410–1411йилларда Шоҳруҳ Мирзо бир қатор маданий қурилишлар қилиб, Ҳиротда Шоҳруҳия мадрасаси ва хонақосини бунёд эттиради.

Муаррих Абдураззоқ Самарқандий: "Шаҳар шимолидаги қалъанинг жанубий этагида бир-бирига уланган олий мадраса ва улуг бир хонақоҳ қурилиб, бу жойни ўртасида катта бир сарой саҳни, суфа, баланд бир тоқ барпо қилинди ва икки тарафидан ажойиб тарзда иккита баланд минора қад кўтарди, тилла ва ложувардларнинг ярақлашидан у мавзенинг дарвозаю деворлари томон қувонч тарқатувчи нурлар порлади. Зийрак фикр муҳандислар ва нозик ишлар қилувчи тезкор бинокорлар зўр санъат ва камоли диққат кўрсатиб, унинг бурчакларини улаш қойдаларини мустаҳкамликнинг энг олий поғоналарига етказиб тикладилар", деб маълумот берган.

Абдураззоқ Самарқандий мадрасада кутубхона ташкил бўлгани, мадраса мударрислиги учун Ҳиротнинг фозилу уламоларидан тўрт киши: мавлоно Жалолиддин Юсуф Увбаҳий, мавлоно Жалолиддин Юсуф Ҳаллойс, мавлоно Низомиддин Абдурахим Ёр Аҳмад ва Хожа Насириддин Лутфуллоҳларнинг тайин этилганлигини таъкидлаб: "Буларни вазифага ўтирғазиш кунни хоқони саъит ҳазратлари (Шоҳруҳ Мирзо.) у муборак ерга ташриф буюрди ва замона улуглари ҳамда одамзод фахрланувчи кишилар ҳозир бўлдилар. Мазкур билимдон олимлар фикр, тафсир каби ислом илмлари бўйича дилга ёқимли ифодалар билан дарс беришга машғул бўлдилар. Шунингдек,

маърифатпаноҳ хонақоҳнинг шайхлик мансаби олам машойихларининг раҳбари Хожа Алоуддин Али Чиштийга топширилганлигини келтириб ўтган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиш сабаби мадрасалар ҳаётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Кейинги даврларда бир қанча мадрасалар ва муҳташам бинолар қад кўтарган бўлсада, бироқ бу мадрасалар олдинги даврдаги каби юксакликка эриша олмади. Юртимизнинг подшо Россияси истилосидан кейин эса бу мадрасалардаги таълим-тарбия савияси янада пасайган.

Юртимиз давлат мустақиллигига эришиши туфайли азалий қадриятларимиз тикланиши билан анъанавий мадрасалар таълимига ҳам эътибор берилди бошланди, қатор диний ўқув юртлари очилиб, ёшларга дунёвий ва диний таълим-тарбия берилмоқда.





Amir Temur davrida o'rta osiyoga arablarni ko'chib kelishi bilan bog'liq fikr mulohazalar

XX asr oxir XXI asrning boshlarida dunё харитасида ўзига хос туб, ўзгаришлар юз берди. Дунёдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатларни ўрганишда, этнология фаннинг ютуқлар алоҳида аҳамиятига эга, унда назарий ва бахсли масалалар тўғрисидаги гоёлар шаклланди. Жумладан, Ўзбекистон этнологияси фанида этногенези ва этник тарих муаммолари билан бирга этник жараёнлар ва айниқса, турли тарихий-этнографик минтақалардаги айрим кам сонли халқларни миллий маданияти, урф-одати анъанавий этномаданий идентиклигини (этник ўзликни англаш) жараёнларини тадқиқ этиш асосий муаммолардан биридир. Айниқса, арабларни Ўрта Осиёга кўчиб келиши ва уларни келиб жойлаши борасида тадқиқотчилар томонида турли хил фикр-мулоҳазалар юритилади. Мазкур мақолада асосан арабларни Ўрта Осиёга кириб келиши Амир Темур даври билан бивосита боғлиқ жиҳатларни ўрганиш бутунги кунимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.



Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келишини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи босқич даври VII аср ўрталари - VIII аср билан боғлиқ бўлиб, унда келиб, жойлашган араблар, асосан, ислом динини қарор топтириш ҳамда туб ерли халқларнинг бойликларини талаш мақсади билан келиб, шу ерда қолиб кетганлар ва кейинчалик улар маҳаллий халқлар маданиятига сингиб кетган. Айниқса, араблар кўчиб келган вақтда бадавий кўчиб, юривчи халқ сифатида қаралган бўлса, кейинчалик уларнинг минтақа аҳолиси билан ассимиляция жараёниларини кузатиш мумкин.

Араблар бу даврда хўжалик ва маданий ҳаётда атрофдаги бошқа халқлар маданиятига нисбатан жуда ҳам ночор аҳволда эди. Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлардан маълумки, Арабистонда VII асрда вужудга келган ижтимоий ва сиёсий вазият катта-кичик воҳалар, майда ҳукуматларга бўлинмаган мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлашишига олиб келган. Бу бирлашишнинг мафкураси сифатида ислом динидан фойдаланилган. Кейинчалик араблар ўзлари босиб олган ҳудудларда ислом динининг маросимларини кенг тарқатишган. Ўрта Осиёга араблар босқини даврида жуда кўплаб этнослар истиқотмат қилиб келишган бўлса, уларнинг

ижтимоий яқинлашуви, яшаш, турмуш-тарзи, трансформацион ўзгаришлар жараёни кузатиш мумкин. Араблар кириб келгандан сўнг маҳаллий аҳоли билан иқтисодий, маданий жиҳатдан алоқалари маълум йиллардан сўнг трансформациялашув жараёни юз берди. Араблар турмуш тарзига кўра кўчманчи ёки ўтроқ, ярим ўтроқ ҳаёт кечирган. Ўзбекистон арабларининг яна ўзига хос хусусиятиларидан яна бири баъзилари маълум вақт давомида кенг яйловларда чорвачилик билан шуғулланиб муайян мавсумларда бошқа ҳудудларга кўчиб юришган. Арабларни турмуш тарзи ва маданиятида ўзига хос ўзгаришни XX аср бошларидан кузатиши мумкин. Яъний уларнинг этномаданий ўзликни англашда маълум ҳарактерли шаклланишини кузатиш мумкин. Араблар ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёни жадаллашиб, кейинги йилларда эса нафақати қишлоқ ҳудудларида балким шаҳарларга кўчиб бориб бугунги кунда истиқомат қилиб келишмоқда. Шаҳарларда истиқомат қилиб келаётган арабларни катта қисмида этномаданий трансформацияни кузатиш мумкин. Чунки турли миллат ва элатлари билан бир ҳудудда истиқомат қилиб келишида шу сабабли арабларга хос миллий маданияти ўрни ўзбек миллат маданиятини акс этишини кузатиш мумкин.

Биринчи босқичда кўчиб келганларнинг бир қисми маҳаллий халқлар (ўзбек, тожик, туркман ва ҳоказо) таркибига сингиб кетди. Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган араблар ўзбек миллати вакили ҳисобланади.

Иккинчи босқичда арабларнинг миграцияси IX - XV асрларда юз берган. Бу даврда келиб жойлашган арабларнинг катта қисми ислом маданиятининг кенг тарқалиши ва ислом диний маросимларни кенгроқ тарқалишига сабабчи бўлишган. Айниқса, Амир Темур араб давлатларига юриш қилиб, аҳолисининг катта қисмини олиб келиб, маҳаллий халқлар истиқомат қилиб келаётган ҳудудларга жойлаштирди. Соҳибқирон даврида кўчириб келинган араблар, асосан, чорвачилик билан шуғуланиб келишган. Шу даврда келиб жойлашган араблар бир неча мингга ташкил этган бўлиш мумкин. Улар кўпчилик бўлиб, маълум муддат маҳаллий халқлар маданиятига сингиб кетмаган.

Араблар Ўрта Осиёга кўчиб келишининг учинчи босқич даври XVI-XIX асрларда кузатилади. Шу даврда кўчиб келиб ўрнашган арабларнинг жуда кўпчилик қисми ҳунармандлар, косиблардан ташкил топган. Умуман олганда, арабларнинг этник тарихи уч босқичдан иборат. Арабларнинг Ўрта Осиёга кўчиб келишининг янги босқичи Бобокалонимиз Амир Темур даврига тўғри келиб¹ улар асосан, Арабистон яримороти ва унга туташ ҳудудлардан, хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчиб келган бўлса керак². Юқоридаги фикрлар тўғри эканлиги олиб борилган дала тадқиқотларимизда кузатилади.

Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрга кўчирилган аҳоли таркибига эътибор қаратган атоқли элшунос академик К. Шониёзов араблар масаласига

¹ Мадаминжанова З. Арабы Южного Таджикистана (Историко-этнографические очерки). - Душанбе, 1995. - С. 27-31.

² Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... - 98 бет.

хам тўхталиб қуйидагича ёзади: "XIV - XV асрларда Мовароуннахр илк ўрта асрлар ва ундан кейинги асрларда келиб жойлашиб, қолган араблар ҳам яшар эдилар. Араблар, асосан, Бухоро воҳасида, Бухоро шаҳрида, Самарқанд ва Каттақўрғон атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқоқ ҳолда яшашган"¹.

Амир Темур ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида кўплаб араблар Арабистондан, Эрондан, Афғонистондан Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистон ҳудудига кўчириб олиб келинган². Хусусан, бу даврда Кеш билан Насаф оралигида, Насафдан 35 км, Кешдан 30 км узоқликда Новқад-Қурайш қишлоғида араблар яшашган. Мазкур қишлоқнинг қадимий ўрни ҳозирги Қамашни туманидаги Қорабоғ қишлоғига тўғри келиб, бу ҳудуддаги Олтинтепа Новқад-Қурайшнинг ўрни ҳисобланади³.

Амир Темур ва унинг ворислари даврида Ўрта Осиё минтақасининг сезиларли қисми араб қавмига мансуб кишилардан ташкил топган. Соҳибқирон даврида кўчириб келтирилган араблар ҳақида ривоятлар ва турлитуман ҳикояларнинг сақланиб қолганлиги бунинг яққол исботидир⁴.

Арабларнинг Амударёни кечиб ўтиб, мамлакатимиз ҳудудида рўй берган этномаданий жараёнларда иштирок этиши ва янги аҳоли масканларини барпо этиши охириги босқичи сўнгги ўрта асрлар ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бухоро амирлигида араблар масаласи бўйича шуғулланадиган махсус девон таъсис қилиниши арабларнинг минтақага кўчиб келиши жараёни сўнгги босқичда анча кенг кўламда амалга ошганидан далолат беради. Бу даврда араблар Хуросон ва Шимолий Афғонистондан уюшган (компакт) ҳолда амирликнинг ички вилоятларига кўчирилган. Бу воқеалар айнан анча яқин ўтмишда рўй берганлиги сабабли бўлса керак, араблар ўз этник мансубликларини нисбатан яхши сақлаб қолганлар⁵.

Элшунос олима Б. Х. Кармишева ва Тожикистон Ўзбекистонда яшовчи араблар тарихи билан шуғулланган бўлиб, унинг илмий изланишларининг маълум қисми араблар тарихшунослиги ва этнографиясига тааллуқлидир. Олиманинг таъкидлашича, араблар икки республиканинг жанубий минтақаларида кичик гуруҳлар тарзида яшаб келишган⁶. Айнан мазкур муаллиф томонидан Ўрта Осиё тарихида арабларнинг тутган ўрни ва араб халқининг анъанавий урф-одатлари, тили, маданияти, тарихи, уларнинг кўчиб келган жойлари, этник номи, уруғлари ва ҳунармандчилиги, миллий

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Т.: Шарқ, 2001. 400 - бет.

² Аҳмедов Ҳ. Арабхона қишлоқ тарихи. - Навоий. Мунис. Умиди нашриёти, 2005. 4 - бет.

³ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. - М.: Вост. Лит-ра. 1968. - С. 180-190.

⁴ Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... 37 - бет.

⁵ Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... 160-161 - бетлар.

⁶ Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. - Т.: Абу Али ибн Сино, 1996. 19 - бет.

⁷ Кармишева Б. Х. Среднеазиатские арабы // Народы Средней Азии и Казахстана. Т. II. - М.: АН СССР, 1963. - С. 582-598.

кийимларининг ўзига хос локал хусусияти илмий материаллар асосида қийосий таҳлил этилган⁷. У олиб борган илмий тақдиқотлари ва тўплаган маълумотлари асосида юқоридаги фикрга келган. Аммо араблар нафақат жанубий балким, гарбий, шарқий, қисман шимолий ҳудудларида ҳам истиқомат қилиб келишган. Мисол хоразм, фарғона водийсида араб номи билан боғлиқ бир қатор қишлоқда ўзларини араб деб ҳисобловчиларни учратиш мумкин. Араблар илк кўчиб келиб жойлашган ҳудудида жанубий бўлган бўлса кейинчалик улар бошқа минтақаларга йиллар ўтиши билан бориб жойлашган.

Ўтган асрлар мобайнида Ўрта Осиёга араблар бир неча маротаба келиб жойлашганлиги тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар бериб ўтилган. Арабларнинг келиб жойлашиши маҳаллий аҳолини турмуш тарзи, урф-одати ва диний маросимларида акс этган. Ҳудудий нуқтаи назардан бундай омиллар индивидуал ва гуруҳий кўчиш бўлиб, бу каби ҳолат араб халқни демографик ўсишга олиб келган.

Тақдиқотларимиз даврида арабларнинг этномаданиятига доир баъзи ўзгаришлар қайси асрларда юз берганлиги тўғрисида сўров ўтказганмизда, информаторларнинг катта қисми Амир Темур даврида кўчиб келганлик таъкидлашди. Айнан Амир Темур даврида кўчиб келиб жойлашган арабларида этник ўзликни англаш хисси олдинги ва кейинчалалик олиб келинган арабларга қараганда миллий маданияти ва урф-одатлари яхши сақланиб қолган. Бу каби миллий маданиятини сақланиб қолишига асосий сабабларидан бири уларни туб маҳаллий халқ билан яқин муносабат бўлмаганлиги сабаб бўлади. Амир Темур давридан олдин ҳам араблар бир неча марта кўчиб келиб ўрнашган. Бироқ улар ўзига хос хусусиятларини унутиб, йиллар ўтиши билан ўзбек, тожик ва туркман каби халқлар турмуш тарзига сингиб кетишган, миллий маросимларининг маҳаллий шароитларга мослашишига ҳаракат қилганлар.

Амир Темур бобомиз ўзларинг "Темур тузуклари" да қўйидаги фикрни билдиради. Яъни "Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларни азиз тутдим, саййидлари, уламолари фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим. Уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошлар белгиладим, ўша вилоятнинг улугларини огаиниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек, кўрдим" деган тузукотдаги фикрлари доимо амалиётда бўлган. У томонида олиб борилган яна бир жиҳат шундан иборатки, ўзга юртларини истило қилгандан кейин, жанг майдонларидан асир тушганларни, шаҳар ва қишлоқларнинг саййидлари, уламою машойих, тарихчиларию олимларини, шоирларию санъаткорларини, меъмору қурувчиларини ҳунарманду усталарини уларнинг оила аъзолари билан бирга Мовароуннаҳр заминга олиб келганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Ўрта Осиёга арабларнинг кўчиб, келиши босқичи тўғрисида Амир Темур даврига келиб кузатилган. Араблар Арабистон яримороли ва унга туташ

худудларда хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчиб келтирилган аҳоли бўлиши эҳтимоли юқори ҳисобланади. Ўрта Осиёга араблар Амир Темур даврида Афғонистон худуддан ҳам кўчиб, келиб жойлашганлиги тўғрисида маълумотларни кузатиш мумкин. Кейинги асарларда ҳам арабларни бир қисми кўчиб келган. Хусусан, Жонибек султон даврида араблар Балх, Шибиргон ва Андхуй аҳолиси Зарафшон воҳасига кўчирганлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли Афғонистондан кўчиб келган Андхуй араблар ҳанузга ўзлари ўша худуд номи билан аташади.

Айрим манбаларда арабларнинг Ўрта Осиёга келиши ҳақида икки афсона мавжуд: биринчисига кўра улар босқинчиқ мақсадида Уалп-хан давридан бошлаб, Шоҳи Зинда ва бошқалар ёрдамида исломни ерли халққа тарқатган бўлсалар, иккинчидан Ўрта Осиё худудига Амир Темурни гарбий минтақага юришидан сўнг кўчириб келтирилган.

Биринчи тип араблари ислом дини тарқатиш мақсадида келишган.


Иккинчи тип араблар ривоятларга кўра, Амир Темур Ироқни ишғол қилиб, Мовароуннаҳрга қайтаётганларида Соҳибқуроннинг лашкарбошларидан бири араб ҳунармандларининг бир қисмини Қашқадарё вилоятининг Касби туманидан ўтаётган вақтида, уларни ичида араблардан бўлган Султон Мир Ҳайдар Мисрда бирга ўқиган талаба дўсти Абу Саид Амир Темур бобомизнинг аскарлари сафида хизмат қилаётганлигини кўради. Шундан сўнг у орқали арабларни бир қисмини шу худудда қолдириб кетишларини сўрайди. Натижада Амир Темур Ироқ арабларидан иборат ҳунармандларни Касбига қолдириб кетади. Фақат бир шарт орқали яъни Султон Мир Ҳайдар отанинг хужраларига сиққунча одамни олиб қолсин рухсат беради. Шунда Султон Мир Ҳайдар отанинг хужраси тор кўринса-да, илоҳий каромат туфайли ичига бутун бир қавмни сиғдирган ва икки минг нафар ироқлик арабни олиб қолишига муваффақ бўлган деб эътироф этишади.

Тадқиқотларимиз вақтида бугунги кунда Жейнов, Қамаш, Косон, Шаҳрисабз, Қаршидаги Арабхона қишлоқларида яшаб келаётган араблар Мир Ҳайдар ота сабабли қолиб кетган ўша халқ вакиллари дидир, деб қайд этади. Жумладан, тарихчи олим А.Чориевнинг фикрича арабларни Қашқадарёга Амир Темур олиб келган ривоят қилинишича, Соҳибқурон забт этган мамлакатларидаги итоат этмаган арабларни бошқа жойларга кўчирган. Шунда Султон Мир Ҳайдар ота, Амир Темурдан ҳозирги Қашқадарё воҳаси худудидан олиб ўтилаётган арабларнинг гуноҳидан ўтишни ва шу ерда қолдиришни келгусида уларнинг фойдаси тегиб қолишини айтган Соҳибқурон шу сабабли бўлса, арабларни бир қисмини шу заминга қолдириб кетган, шундан бери улар шу ерда ўтроқ яшайди.

Соҳибқурон ва Султон Мирҳайдар ота мулоқоти билан боғлиқ ушбу ривоятларни филолог олим П. Равшановнинг фикрича ўша давр тарихий воқеалари юз берган саналар нуқтаи назаридан ҳақиқатга тўғри келмайди. Жумладан, Султон Мирҳайдар отаси вафот этганида Амир Темур 29 ёшда

бўлган. Қолаверса бирорта тарихий асарда уларнинг учрашгани ҳақидаги маълумотта ҳозиргача дуч келинмаганлигини эътироф этади. Аммо дала тадқиқотлари даврида тўпланган маълумотлар ва этноцилогик сўровнома таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Султон Мирҳайдар ота ва Амир Темур бир даврда яшаган.

Қуйидаги социологик сўров натижаларида ана шундай фарқли хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Ўрта Осиё халқлари тарихи ва этнографияси билан маълум маънода боғлиқдир. Респондентлардан ўтказилган сўровномамиз қуйидагича савол берилди. Яъний "Сизлар Ўрта Осиёга қайси даврдан бошлаб келиб жойлашган сизлар?" деб сўраганмизда уларнинг аксарияти қисми "VII асрда келиб жойлашган" лиги 38 фоиз ни ташкил этган бўлса-да, 1 фоиз "Афғонистондан" кўчиб келиб жойлашганлиги эътироф этишган. Респондентларининг 43 фоиз "Амир Темур" даврида олиб келинганлиги эътироф этишган. Юқоридаги сўровнома натижаларидан ҳам арабларни катта қисми Султон Мир Ҳайдар ота даврида кўчиб келганлигини кўриш мумкин. Аммо яна бир ҳолат бизни қизиқтириб қўйдик, уларнинг 18 фоиз қачон ва қайси ердан кўчиб, келганлиги тўғрисида аник бир фикр айта олишмади. Бу каби фикрларни баён этишларига асосий сабаблардан бири араблар асрлар давомида туб маҳаллий халқлар турмуш-тарзи ва маданияти билан яқин муносабат бўлиб, ўз миллий маданиятларини секинлашиб билан йўқотиб, маҳаллий маданиятини қабул қилиб ўзларини араб эмас аксинча ўзбек миллатига эканликларини эътироф этишади.



Сизларнинг аجدодларингиз қайси ҳудудлардан кўчиб келишган?

Умуман Ўзбекистондаги барча араблар характерида бир ҳолатни кузатиш мумкин. Уларда саҳройи бадавийларга хос қизиққонлик ва жангарилик хислатлари сақланиб қолган.

Кўчиб келиши оқибатида бошқа этник гуруҳлар билан яқин муносабат бўлиши ва уларни ўзаро муносабатларни ўзгаришига таъсир этув омиллардан бири ҳисобланади. Айнан шу муаммони ўрганиш мақсадида арабларнинг қайси ҳудудлардан кўчиб келганлигини аниқлаш учун Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғи ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи араблардан этносоциологик сўров ўтказилди. Сўровнома таҳлиллари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида хонликда араблар жуда озчиликни ташкил этган. Улар хонлик жанубида кўчманчиларга хос ҳаёт кечирганлар¹. XIX аср ўрталарига қадар арабларнинг бир қисми ўз тилини сақлаб қолган. Шу сабабли бўлса керак Хиваликлар уларни жуда қадимий аҳоли деб билишган. Нақл қилишларича, қайсидир Хоразмшоҳ ўз ҳузурига ислом динини яхши биладиган ва уни ўргатадиган билимдонларни топиб келишни буюради. Худди шу араблар ҳозирги Хоразмдаги араб аҳолисининг аجدодларидан бири ҳисобланади. Улар вақтлар ўтиши билан маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган.

Арабхона номи билан Қарши шаҳрининг шимолидаги маҳалла, эски шаҳар атрофидаги гузар бўлса, Арабхона деган қишлоқлар вилоятда бир неча. Арабхона номи араб ва хона сўзларидан тузилган. Маъноси араблар яшаган (яшаётган) овул (қишлоқ, гузар) дир. Жой номлари таркибида хона сўзи овул, қишлоқ, гузар маъносини англатади². Ўзбекистонда араблар зич ҳолда яшовчи аҳоли масканларидан бири Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғи ҳисобланади. Қишлоқ номи форсча жўй (арик, анҳор) ва нав (янги) сўзларидан таркиб топган³. Қадимда Жейнов ҳудуди Харрук, Каттапо, Гавҳар, Чуқурқўл, Оқрабод, Боввора, Тожик, Беглар, Аввона деб номланган жами 9 та маҳалладан иборат бўлган⁴. Ҳозирда эса 4 та Янги Жейнов, Аввона, Каттапой, Андхўй каби номлар билан аталади. Юқорида зикр этилган жой номлари арабларнинг уруғ шахобчалари бўлган топонимдир. Бу борада маҳаллий аҳоли орасида икки хил таъриф мавжуд. Биринчиси, Аввона, Боввора, Харрук уруғлари Амир Темур даври тарихи билан боғлаб талқин қилинади. Иккинчи тахминга кўра, Боввора уруғи Жейнов қишлоғига Бухоронинг Қоракўл туманидан келиб жойлашиб, маҳаллий аҳолининг этник таркибига қўшилиб кетган. Ахборотчилар маълумотларига кўра, Андхўй уруғи Афғонистон ҳудуди орқали келиб

¹ Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства. 1843-1851 г. - С. 58.

² Нафасов Т., Турсунов Ш. Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари. - Т.: Маънавият, 2008. 22-23- беглар.

³ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. 183 - бет.

⁴ Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи... 50 - бет.

жойлашган араб уруғи шаҳобчасидир.

Хуллас, араблар йиллар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлса-да, уларнинг бир қисми этник ўзлигини (идентиклигини) сақлаб қолган. Жумладан, Навоий вилояти Навбаҳор туманига қарашли Арабхона қишлоғи ҳудудида истиқомат қилиб келаётган кекса кишиларнинг аксарияти олдинлари араб тилида гаплашишган. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги араб тилини унутиб, ўзбек ва тожик тилида мулоқот қилишади. Жугари қишлоғида истиқомат қилиб келаётганлар эса тожик, ўзбек, араб тилларида гаплашишади. Респондентлардан бири *"бизлар араб миллатдошларимиз билан араб тилида, ўзбек ёки тожик миллатга мансуб кишилар билан уларнинг тилида суҳбатлашамиз", деб таъкидлашади.*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаши мумкинки, араблар қадимий Арабистон яримороти, Ироқ, Яман ва Сурия ҳудудидан кўчирилган. Шунингдек, Араб халифалиги, маҳаллий аҳолига ислом динини сингдириш орқали кўплаб, араб қавмларини минтақанинг жанубий-ғарбий ҳудудларига жойлашиб ва ўтrockлашиб қолишлари ҳамда уларнинг маҳаллий халқларга таъсир ўрганилди. Хусусан, бир неча ўнлаб, араб қабилалари Хуросондаги Марв ва Ҳирот атрофларида, Шимолий Афғонистондаги Балх вилоятида, Мовароуннаҳр ҳудудларига келиб жойлашган.

Арабларининг катта қисми Амир Темур даврида кўчириб, келинган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган арабларни этник тарихини ўрганишда муайян бир фикрга келиш жуда ҳам катта меҳнат талаб қилади. Гоҳида Қашқадарёда яшаган бўлса-да, кейинчалик, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Афғонистон, Фарғона водийси ҳудудларига кўчиб жойлашиб қолишган. Аммо Ўрта Осиёга арабларни кўчиб келиши турли даврларда бўлиб ўтган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов Ҳ. Арабхона қишлоқ тарихи. - Навоий. Мунис. Умид нашриёти, 2005. 4-бет.
2. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. - М.: Вост. Лит-ра. 1968. - С. 180-190.
3. Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства. 1843-1851 г. - С. 58.
4. Кармышева Б. Х. Среднеазиатские арабы // Народы Средней Азии и Казахстана. Т. II. - М.: АН СССР, 1963. - С. 582-598.





Sintagma haqida ba'zi mulohazalar

Синтагма тушунчаси тилшунослик фанида кўп даврлардан буён қўлланилиб келаётганига қарамай, унинг лингвистик мақоми хусусида олимларнинг фикрлари ҳанузгача муштарак эмас. Баъзи тилшунослар уни синтактик ҳодиса деб билсалар, айрим олимлар бу ўринда фонетик ҳодисани тушунадилар. Аслини олганда, синтагма тушунчаси сўз бирикмасининг лингвистик мақомига бирмунча яқин бўлгани учун А.А.Фортунова, А.М. Пешковский, В.В.Виноградов, Н.Ю.Шведова, Г.А.Золотова, В.М.Солнцев, Л.С.Бархударов кабилар уни алоҳида ном билан эмас, *сўз бирикмаси* номи билан, И.И.Мешчанинов, А.Гроот, Э.Р.Атаян каби олимлар *синтактик* гуруҳ номи билан, Л.Теньер *стемма* номи билан, А.Блумфилд *экзоцентрик* ва *эндоцентрик* қурилма номи билан атайдилар. *Синтагма* термини эса Ф.де Соссюр, С.О.Карцевский, А.А.Реформатский, А.А.Холодович, Ш.Балли, Р.Ф. Микуш ва бошқалар томонидан қўлланилганини кўрамиз. Бироқ айна пайтда турлича терминлар истеъмолга киритилаётган бўлса-да, уларнинг барчасида синтагма синтактик ҳодиса сифатида талқин этилади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, синтагма тушунчаси илмий истеъмолга дастлаб Ф.де Соссюр томонидан киритилиб, у орқали аниқловчи + аниқланмиш қолипдаги синтактик яхлитлик назарда тутилган [1,155]. Бугунги тилшуносликда эса кўпгина ишларда бу тушунча ўз синтактик мақомини сақлагани ҳолда янада кенгроқ қамровда изоҳланмоқда. Масалан, фикр исботини Е.И.Шутованинг қуйидаги мулоҳазаларида кузатишимиз мумкин: "Синтагма - бу нутқ занжирида сўзларнинг ўзаро боғланишини тақозо этувчи синтагматик фаолиятнинг структур-мазмуний бутунлик ҳолатидаги кўринишидир" [2,50].

Олима синтагма компонентлари сўздан кичик бирлик орқали ифодаланмаслигини таъкидлайди. Бироқ Ф.де Соссюр ва С.О.Карцевский назарияларида ички синтагма муайян морфема ва сўз муносабатида ҳам воқеланиши қайд этилади: *relire* (қайта ўқимоқ), *медвежонок* (айиқча) [3,24]. Бу жиҳатдан Е.И.Шутованинг синтагма назарияси юқоридагилардан бир оз фарқ қилади. Бундан ташқари, Е.И.Шутова синтагмани синтаксиснинг базал кўринишдаги *структур молекуласи* деб атайди ва у нафақат аниқловчи + аниқланмиш қолипдаги тобе боғланишга асосланган қурилмани, балки тенг боғланишли қурилмаларни ҳам ўз ичига олишини

эслатиб ўтади [2,71]. Айни пайтда синтагма нутқ маҳсулининг сегментига қиёсланиши мумкин:

1. Endlich kamen Hans und Fritz - Ниҳоят Ҳанс ва Фриц келдилар.


2. Fur ihn gab es nur Feinde und Freunde (Durian W. Der Mann im Biberbau) - Унинг учун фақат дўст ва душманлар бор эди.

Шуни қайд этиш лозимки, камида икки компонентли бўлган ҳар қандай гапни ҳам синтагма тарзида талқин этса бўлади. Аммо ёйиқ гаплар яна микросинтагмаларга бўлиниши ҳам мумкин. Зотан, ўз ички структурасига эга бўлган гапнинг синтагма ёки синтагмалар мажмуасидан ташкил топиши изоҳ талаб қилмайди. Бу жараёнда синтагма тушунчаси поғоналикка асосланади. Чунки кичик бирликнинг катта бирлик ичига кириши иерархик қонунияти доирасида бўлади: 1. Die Eltern verdingten ihren Sohn meist auf vier Jahre *dem Meister zur Ausbildung im Beruf* (W.Pieck. Reden und Aufsätze) - Ота-онаси касбий билим олиш учун ўғилларини тўрт йилга устозга беришди.

2. Die Sonne des Sidens glihte vom tiefblauen Himmel Freunde (Durian W. Der Mann im Biberbau) - Жануб қуёши кўм-кўк осмондан нур сочар эди.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, баъзи тилшунослар синтагмани фонетик ҳодиса сифатида тавсифлайдилар. Фикр далилини акад. Л.В.Шчерба таълимотида кузатамиз. Бунда синтагма бир нафас билан айтилувчи муайян ритмик гуруҳ мақомида изоҳланади [4, 81-82] Назаримизда, Л.В.Шчербанинг синтагма хусусидаги таълимотида қандайдир гализлик кўзга ташланади. Тўғрироғи, Л.В.Шчерба синтагманинг синтактик бирлик эканлигини инкор этмагани ҳолда, асосий эътиборини масаланинг фонетик жиҳатлари талқинига қаратади. Бу эса, ўз навбатида, синтагмани фонетик ҳодиса деб ўрганишга ундайди. Шу хусусда В.В.Виноградов қуйидагиларни ёзади: "Для Щербы *синтагма* - это предельная, основная синтаксическая единица в процессе речи-мысли, выражающая единое смысловое целое и фонетически сплоченная усилением последнего словесного ударения (следовательно особым синтагматическим ударением). Синтагма может состоять из группы слов и одного слово" [5, 89-90].

Кўринадики, айна пайтда синтагма тавсифи тушунарсиз ва гализ берилмоқда. Бошқача айтганда синтагманинг синтактик фонетик ҳодиса эканлиги ҳақида фикр аниқ айтилмаган. Шу боис А.А.Реформатский мазкур мулоҳазага кескин эътироз билдирган эди: "В.В.Виноградовнинг қайд этишига кўра, Л.В.Шчерба синтагмани синтаксиснинг кичик бирлиги тарзида таърифлаган бўлса, у ҳолда олим нега синтагма ҳақидаги мулоҳазаларини грамматикада эмас, балки фонетикада баён этади? Ва нега уни грамматик бирликлар-гап ёхуд сўз бирикмаси билан эмас, баки фонетик бирликларга (ритмик ва бир нафасда айтилувчи гуруҳлар) таяниб



изоҳлайди?" [6, 22].

Бизнингча, А.А.Реформатский мазкур фикрини асоссиз деб бўлмайди. Чунки Л.В.Шчерба таълимотида, кўриб ўтганимиз сингари, синтагма тавсифи, гарчи уни фонетик ҳодиса тарзида ўрганишга мойиллик кўриниб турган бўлса-да, мавҳум берилган.

Синтагма тушунчаси В.В.Виноградовнинг таълимотида ҳам жуда ноаниқ тавсифланади. Олим бир ўринда уни семантик- синтактик бирлик деб қайд этса, бошқа бир ўринда стилистик синтаксиснинг энг фаол бирлиги деб атайди. Бундан ташқари, В.В.Виноградов синтагмани Л.В.Шчерба қандай таърифлаган бўлса, шундай тушунмоқ лозимлигини таъкидлайди [5,113]. Бизнинг фикримизга кўра, В.В.Виноградов таълимотида, синтагманинг лингвистик моҳияти аниқ очиб берилмаган, мавҳум бўлиб қолган. Бунинг далилини Е.В.Филатованинг қуйидаги мулоҳазаларида ҳам кўрамыз: "В.В. Виноградов уни (синтагмани-Н.М.) тилнинг умумий бирлиги тарзида талқин этишга уриниши, шубҳасиз, тадқиқотчини боши берк кўчага киритиб қўяди. Олимнинг синтагма деганда нимани тушуниши жумбоқ бўлиб қолган" [7].

Бироқ шундай бўлса ҳам, мазкур таълимот кўпгина тилшуносларнинг тадқиқот ишларига жиддий таъсир кўрсатди. Бундай ишларда (Савинский, Анощенкова, Кротевич, Торсуева, Дубовский, Николаева, Карпов ва бошқалар) синтагма "ритмик гуруҳ", "нафас олиш билан боғлиқ гуруҳ", "нутқий такт", "интонацион бутунлик" каби тушунчалар воситасида изоҳланади [7]. Масалан, Т.М.Николаеванинг бу хусусдаги фикри қуйидагича: "Рус лингвистик анъаналарида Л.В.Шчербанинг асосий интонацион бирлик-синтагма ҳақидаги ғояси кенг тармоқланган. Синтагма-бу фақат акустик-физиологик ҳодиса бўлиб қолмай, том маънодаги лингвистик ҳодиса ҳамдир, зотан, синтагмалар ўртасидаги алоқа эркин эмас, бунда синтагмалар компонентлари боғланишдаги узвий муносабат муҳим аҳамият касб этади" [8,14].

Кўринадики, Т.М.Николаева синтагмани фонетик ҳодиса сифатида талқин этишидан ташқари, унинг компонентлари ўртасида синтактик муносабат ҳам мавжудлиги ишора қилганлиги сезилиб турибди. Умуман олганда, бу ўринда муаллифнинг фикр ифодасини аниқ тушуниш қийин. Бизнингча, бундай вазият синтагманинг хаққоний лингвистик мақомини белгилашга монелик қилади ва турли чалкашликлар келиб чиқишга сабаб бўлади. Бундай гализ ва ноаниқ мулоҳазаларни юқорида ҳам кўриб ўтдик.

Шуниси ҳам борки, Л.В.Шчербанинг синтагма хусусидаги таълимоти собиқ Иттифоқ таркибига кирувчи республикалар тилшуносликларида ўзгаришсиз қўллана бошлади. Бу эса синтагмани соф фонетик ҳодиса сифатида тарғиб қилар эди. Бошқача айтганда, мазкур тилшуносликлар назарий билимларига таянган ҳолда яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларда Ф.де Соссюр, Ш.Балли, С.О.Карцевский, А.А.Реформатский ва А.А. Холодович каби таниқли олимларнинг синтагма назариялари ҳатто эслатиб ҳам ўтилмади.

Бизнингча, Л.В.Щербанинг синтагмани фонетик ҳодиса сифатида ўрганиш лозимлиги ҳақидаги фикрига қўшилиш қийин кўринади. Бироқ, бу билан фонетикани синтаксисга қарама-қарши қўймоқчи эмасмиз. Чунки синтактик структураларни ҳам лозим бўлганда фонетик (фонологик) жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин. Бу жараёнда, масалан, гапни сегментлашда уни синтагмаларга, ундан кейин эса синтагмаларни сўзларга ва таҳлилнинг сўнгги босқичида сўзларни фонемаларга ажратиб ўрганаемиз. Бундан ташқари, ҳар қандай синтактик структуранинг интонацион хусусиятларини ҳам тадқиқ этса бўлади. Бу орқали, албатта, гапнинг ёки синтагманинг лингвистик мақоми ўзгариб қолмайди.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида ҳам синтагмани фонетик ҳодиса тарзида ўрганувчилар йўқ эмас [9]. Бундай бўлиши, назаримизда табиийдир, чунки ҳар қандай илмий муаммо тадқиқида ҳам олимлар фикрлари муштарақлигини кузатамиз. Агар муайян илмий муаммо тадқиқи бобида мунозара, баҳслар кузатилмас экан, тўғри хулосага келиб бўлмайди. Биз эса ўз тадқиқотларимизда синтагмани қатъий равишда синтактик ҳодиса деб ўрганиб келмоқдамиз. Синтагманинг компонентлари фақат тобе боғланишли эмас, балки тенг боғланишли бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида ҳозирги тилшунослиқда билдирилаётган мулоҳазаларга қўшилиш мумкин, зотан, мазкур вазият синтагманинг лингвистик мақомига таъсир кўрсатмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. – М., 1977.
2. Карцевский С.О. Повторительный курс русского языка. М.-Л., 1928.
3. Шутова Е.И. Вопросы теории синтаксиса. – М., 1984.
4. Щерба Л.В. Фонетика французского языка. – М., 1939.
5. Виноградов В.В. Избранные труды. Исследов. по русс. грамматике. М., 1975
6. Реформатский А.А. Фонологические этюды. – М., 1975.
7. Филатова Е.В. Синтагма как основная единица порождения и восприятия речи / Русский язык, литература, культура в школе и в вузе, 2010, №4
8. Николаева Т.М. Интонация сложного предложения. – М., 1969.
9. Голошанова М.В. Роль темпа в структурно-семантической организации монологического текста/ Автореф. Канд.дисс. – М., 2007.

Resume

Some opinions about syntagma. The article is dedicated to the linguistic status of syntagma and it state that syntagma is a syntactical phenomenon as opposed to being phonetical trend.

Резюме

Некоторое убеждения о синтагме. Статья посвящается о лингвистическом статусе синтагмы и это указывает, что синтагма синтаксический феномен по сравнению с фонетическом направлением.



Qo‘qon xonligi hukmdorlari naslini temuriylarga bog‘lanishining legitimlash usuli

(tarixiy manbalar asosida)

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихининг қатор долзарб масалаларини ўрганишда аниқ ва ҳаққоний тарихий ёндашув масаласи муҳим бўлиб бормоқда. Айниқса, ўзбек давлатчилиги, унинг тарихий тараққиёт босқичларини чуқур ҳолисона ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарихий манбалардаги маълумотларни илмий муомалага киритиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш шу куннинг устувор вазифаларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларидан бири бўлган Қўқон хонлиги – Ўрта Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро муносабатларида катта из қолдирган давлат бўлиб, унинг ҳар бир ҳукмдори юритган ички ва ташқи сиёсат ҳамда унинг оқибатларини ўрганиш алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни Умархон (1810–1822 йиллар) ва Муҳаммадалихон (1822–1841 йиллар) даврларида Қўқон хонлиги кенгайиб мустақил сиёсат юргизувчи давлат сифатида мавқеи мустаҳкамланди. Минг сулоласидан бўлган Қўқон ҳукмдорлари куч билан ҳокимиятни олиб уни легитимлашнинг¹ турли шаклларида фойдаландилар. Умархон биринчи бўлиб олий ҳокимиятга бўлган даъвосини шажаравий (генеалогик) ва диний (сакраль) йўл билан асослашга ҳаракат қилди.

Умуман олганда Қўқон хонлигида минг сулоласининг ҳукумат тепасига келишида Чодак хўжалари ўйнаган ролини кўрсатиш ҳамда Олтин Бешик ривоятининг ана шу ҳақдаги маълумотларини баён этувчи "Тарихи Туркистон" асаридаги (манбасидаги) қуйидаги фикрларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан унда шундай дейилади:

"Фарғона вилояти таворихларда маълум ва машҳур Андижон ва Ўзганд ва Аҳси қадимги ва эски шаҳар бўлуб, чигатой ва ўзбек хонларига пойтахт эканлиги билинадур. Лекин худи Хўқанд шаҳрининг энг аввалги биноси 300 йилдан зиёд бўлган эмас. Вақтики, Бобурхон² ўзбек хонлари илан

¹ Легитимлаш-қонунийлаштириш.

² Бобурхон - Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) - Фарғона ҳокими (1494-1500), Мовароуннаҳр учун урушлар олиб бориб, 1512 йили Самарқандни тарк этиб, Кобулга қайтгач, 1518-1525 йиллари Хайбар доволдан ўтиб, Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятига юришлар қилган. Ҳиндистонда Бобурийлар империяси номи билан шўҳрат топган давлатга асос солган (1526-1858), буюк саркарда ва давлат арбоби, таниқли шоир ва ёзувчи.

Самарқанд музофотида муҳораба айлаб, мағлуб бўлуб, қочиб, алҳол Хўқанд шаҳри бино бўлган мавзедаги катта сой лабига келганда фаросат илан топибдурким, бул жой сероблик ва обшорлик ва хушҳаво сабаблиқдин андак вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса керак деб, Алҳол Хўқанд шаҳрига сув келадурган катта сойдин ўтганда кўрубдурким, сойнинг икки тарафида кўп элатиялар ижтимоъ қилиб, қўнуб ўлтурубдурлар. Муни кўруб Бобурхон кимхоб ва заррин либосларга ўралиб, олтун бешикка бойланган бир ёш боласини маҳали гузаргоҳга қўйуб, бир доно ва ҳушёр одамни ул бешик илан болага дидбон ва қаровул тайин қилиб, айтибдурким, то ушбу бола бирор одамни қўлига тушуб, олиб кетгандин сўнгра бизларни орқамиздин етиб келурсан, деб тезлик илан ўз йўлларига жўнаб кетибдурлар..."¹ .



Ўша вақтларда бу жойларда унча катта шаҳар ёки марказий истеҳкомлар бўлмаган. Атроф дашт, катта дарадан иборат эди. Лекин, у ерда бир сой бўлиб, сойнинг икки тарафида уч-тўрт жамоа, чунончи, *чанкант*, *сарой ва таргова* уруғлари истиқомат қилар эди. Уларнинг бир гуруҳи "сойи Найманча"га ва икки гуруҳи "сойи Калон"га тобеъ экан.

Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг таъкидлашича: "Бул уч гуруҳ халқ иттифоқ илан тўғон қилиб, сув боғламоқ учун даштга чиқиб, мазкур сойни икки тарафи илан юруб, келарда кўрубдурларким, бир оз муқаддам кўп халқ гарб тарафдин келиб, сойдин ўтуб, машриқ тарафга кетибдур..." .

Уруғ вакиллари келаётган қўшиндан хавфсираб, уларнинг орқасидан кузатиб борсалар, йўлда бир олтин бешикда кимхоб атлас ва заррин либослар билан ўралган ёш болага кўзи тушади. Бола анвойи жавоҳирлар билан безатилган экан. Кейин уч тоифа вакиллари болани иззат икром билан ўз чодирларига олиб кетишибди.

"... Бул болага қаровул бўлуб турган йигит бул аҳволни кўруб, хотиржамъ бўлуб, Бобурхонни кейинидин етиб, аҳволи гузаштани маълум айлабдур..." .

Уруғ вакиллари ўз ишларидан миннатдор бўлиб, ақл билан иш тутишар экан, келгусида унинг наслидан унумли фойдаланишга келишиб олишибди.

"... шул тариқа маслаҳат қилишибдурларким, бизлар уч тоифамиз, тифлни ва олтун бешикни ва жавоҳиротни уч тақсим айлаб чек - қуръа солурмиз. Қуръада қайси нимарса қаю тоифага тушса, ўшал нимарсани бенизоъ олсун деб, ҳаммалари қуръага қарор бериб, қуръа солганда тифл -ёш бола жамоаи *тарговага*, ажносу ашё жамоаи мавзеи *саройга* ва олтун бешик *чинкант* жамоасига тушиб, ҳар қаюлари ўз тақсимларига рози бўлуб, хурсандлик илан ўз жамоаларига қайтибдурлар..." .

Шундан кейин Таргова уруғи болани бир маъсума аёлга уни парвариш қилиш учун топширибди.

¹ Мирзо Олим Маҳдумҳожии. Тарихи Туркистон . - Т: "Янги аср авлоди", 2008. 256- б.

келиши 1818 йилларга, амир Умархон даврига тўғри келади. Акмал Шерга нисбат берилган "Насабномайи хавонини Хўқанд" номли асардан бир парчани Аваз Муҳаммад Аттор ҳам ўзининг "Тарихи жаҳонамой" асарида келтирган. Акмал Шернинг "Амирнома" асари 1804–1806 йилларда ёзилган бўлиб, унда бу ривоят келтирилмаган. Амир Умархон даврига келиб, Қўқон хонлари ҳукуматининг шажаравий легитимацияси долзарб бўлишидан бу ривоят Қўқонда ёзилган биринчи тарихий асарларга ҳам кўчиб ўтади. Қўқон хонлари ва хонлиги тарихига бағишланган биринчи тарихий асарлардан саналган Фазлий Фарғоний (Абдулкарим Намангоний)нинг "Умарнома" асарида эса бу ривоят учрамайди. Лекин шу асарни назмдан насрга ўтирган ва янги таҳририни бажарган Мушриф – Мирзо Қаландар Исфарағийнинг "Шоҳномайи нусратпаём" асарида мазкур ривоят ўз ифодасини топган (1822 йил). Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, аслида Олтин Бешик ривояти орқали Қўқон хонлари ўзларининг ҳукуматларини Бобур ва у орқали амир Темурга, ундан сўнг чингизийларга боғлаб олий "хон" унвони ва тожу тахт уларга қонуний текканини исботлашга ўринганлар. Олтин Бешик тарбиясида қатнашган ва унинг тақдирига аралашган қабилалар эса хонлик жамиятида алоҳида юқори поғонани эгаллаш учун шу ривоят орқали маънавий ва шажаравий асос тайёрлашга ҳаракат қилганлар. Хонликдаги туркий қавмлар ҳамда саййид ва хўжалар Олтин Бешик ривоятидаги иерархияда юқори поғоналарни эгаллашга интиланлари яққол кўзга ташланиб турибди. Бироқ, бу ривоят хонликнинг ижтимоий ва сиёсий тизимини тартибга солиш учун асос бўла олмади. Хонликдаги сиёсий ва ижтимоий муносабатларининг тарихидан шу маълум бўладики, бу муносабатларни ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги алоқалар ташкил қилган. Олтин Бешик ривояти Қўқоннинг энг машҳур тарихчиси Муҳаммад Ҳакимхон асарида ҳам тилга олинган¹.

Мазкур иқтибосдан қуйидаги хулосалар келиб чақади: а) Минг сулоласи ҳукумат тепасига чиқишдан олдин энг нуфузли қабилага айланиб, яна бир неча кучли қабилалар ва аҳоли қатламларини бирлаштирганлар; б) ҳукуматни тўлақонли қўлга олишлари учун улар чингизий, ҳеч бўлмаса Бобур, у орқали теурийларга ўз насабларини боғлашлари керак бўлган; в) ҳукуматни диний жиҳатдан ҳам асослаш учун нуфузли хўжа, саййид ёки шарифлардан таъсир

¹ "Минглар сулоласи вакиллари етти киши эди ва уларнинг салтанати Фарғона мамлакатига юз йил бўлди. Бу сулоланинг биринчи вакили Раҳимхон ибн Шаҳрух оталиқ ибн Муҳаммадхонлиқбий ибн Чамашбий бўлиб, у (Шайдо лақаби билан танилган ва ушбу айёмдаги эшон Хожажонхоннинг аждоди ҳисобланмиш) йўлбошчилар паноҳи мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг муриди эди. Алар ҳазратлари эса валийлар султони ва сўфийлар паноҳгоҳи Махдуми Аъзамнинг - сирларини Аллоҳ азиз тутсин - муриди эканлар. Ва Шаҳрух оталиқ уч нафар азиз фарзанднинг отаси эди: Раҳимхон, Абдулкаримбий ва Шодибий. Уларнинг истиқомат манзили Деҳқон тўда мавзесида бўлиб, Хўқанд шаҳрининг уч фарсаҳлик жанубий чеккасида жойлашган бу ер ҳозир харобага айланган. Хуллас, сулоланинг бу вакиллари илгари ўша мавзеда яшаганлар". Қаранг: Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих (Тарихлардан сайланма китоб) / Форс-тожик тилдан таржима, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Х. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Санги-



кучи қудратни тортиб ҳам олиб, сўнг бор қаршиликларини бартараф этиш лозим бўлган. Аштархонийлар давлати инқирози пайтида Фарғона водийси, айти хўжалар таъсири остида бўлган мавзелар қаторига Қўқон ва унинг атрофидаги ерлар кирганини Мулло Олим маҳдум ҳожидан олдин Мушриф Исфарагий, Муҳаммад Ҳакимхон, Авазмуҳаммад Аттор ва Қўқон тарихига оид бошқа асарларда ҳам айтилган. Бундан ташқари Фарғона водийсидаги вақф мулкларининг ҳужжатлари шу даврда хўжалар (жумладан Чодак хўжалари) нинг катта мулкларга эга эканларини кўрсатади.

Резюми

Қўқон хонлигида минг сулоласининг ҳукумат тепасига келишини Чодак хўжалари ўйнаган ролни кўрсатиш ҳамда Олтин Бешик ривоятининг ана шу ҳақидаги маълумотларини баён этувчи "Тарихи Туркистон" асаридаги фикрларда ҳам кўриш мумкин.

Резюми

Информация о династии Минг, которая пришла к власти в Кокандском ханстве, и которой помогли ходжи Чодака показана в "Истории Туркестана" и предания об этом приводятся также в Алтын Бешике.


Summary

The information about the dynasty of Ming, who came to power in Kokand khanate, influenced by hkodjas of Chodak given in "The history of Turkestan", and retold in OltinBeshik.



EL QO'LLASIN, ENDI BU YVURT EGASIN

O'zbekman



*Муҳаммад Юсуф
Ўзбекистон Халқ шоири,
1954 йилда Андижон
вилоятида туғилган.
2000 йилда вафот этган.*

Оқ яктаги янғлиғ опшоқ муроди,
Ҳар яхшига жони қурбон ўзбекман.
Насли улуғ соҳибқирон зурёди,
Довруғи дунёга дoston ўзбекман.

Юрт йўлласа тулпорлари қир ошган,
Ўттиз ўлка атрофида бирлашган.
Юлдуз билан фуқародек сирлашган,
Ҳазрати Улуғбек султон ўзбекман.

Зиё оққан мен юрган йўл йўлакка,
Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.
Дунёларни ўрантирган ипакка,
Тилла қўнғироқли карвон ўзбекман.

Шоҳликни умргузаронликда ўтказган,
Навкар билан ниҳол эккан, ер қазган.
Жанглар аро фуруат тошиб шеър ёзган,
Тожмаҳаллар қурган гирён ўзбекман.

Эл қўлласин, энди бу юрт эгасин,
Истагим шу у ҳеч кимга бош эгмасин.
Ади бўй-бастингга кўз тегмасин,
Шу юрт учун кўкси қалқон ўзбекман!

Оқ яктаги янғлиғ опшоқ муроди,
Ҳар яхшига жони қурбон ўзбекман.
Насли улуғ соҳибқирон зурёди
Довруғи дунёга дoston ўзбекман.

Qrор

О, ота маконим,
 Онажон ўлкам,
 Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
 Сендай меҳрибон йўқ,
 Сенингдек кўркам,
 Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
 Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
 Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
 Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
 Ё худбинман ё бир содда касман мен:
 Парижнинг энг гўзал рестороанларин,
 Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,
 На тил билайин,
 Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат.
 Уч кунда соғинсам нима қилайин?..
 Чала қолар бўлди барча саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
 Билдимки энг яқин шу тупроқ менга.
 Баҳорда, Бахмалда туғилган кўзинг
 Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам -
 базм,

Сенсиз бир он қолсам раҳмим
 келади.

Сени билганларга қиламан таъзим,
 Сени билмасларга раҳмим келади.

Tilak

Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,
 Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.
 Одамни -ку айтмай турай, бу дунёда
 Ҳатто, қушнинг ёт бутоқда ини қурсин.

Тирик инсон бир кун оч, бир кун
 тўқдир,
 Бир кун тўкин, бир кун бурда нони
 йўқдир.
 Бир ўғил-ку отасиз ҳам кунин кўргай,
 Отаси йўқ ҳалқнинг кўрган кунин
 қурсин!..

Гарчи бошин эггани йўқ эдик бизлар,
 Эжканидан теккани йўқ эдик бизлар.
 Ватанида ватани йўқ эдик бизлар...
 Ўша зулмат ўтмиш, сенинг уйинг
 куйсин.

Ўз элингда энди ҳушинг, ўзинг чоғла,
 Ўз қўлингга энди қушинг ўзинг овла.
 Олтинларинг тирноқларинг билан кавла,
 Ва йиғиб қўй! Болаларинг учун турсин.

Бешикларга тўлиб кетсин бир ўзбеклар,
 Тили чиқмай кўзи чақнар ҳур ўзбеклар
 Давлатбеклар, Ёйтиқодбек,
 Иймонбеклар
 Бобожон, деб соқолларинг силаб турсин.

Мен бу шеърни ёзганим йўқ атай ўйлаб,
 Мен шеър ёздим гуркираган юртга
 бўйлаб.

Шундай юртни худойимнинг ўзи қўллаб,
 Шундай юртни худо ўзи асраб юрсин!..



ҲАЙНРИХ БЁЛЛ

Олмон ёзувчиси ва романнависи, суҳандон ва драматург Ҳайнрих Теодор Бёлл 1917 йилнинг 21 декабрида Кельн шаҳрида ҳунарманд-косиб оиласида туғилган.

"Пичоқли одам" ("Der Mann mit den Messern", 1948), "Қаерда эдинг, Адам?" ("Wo warst du, Adam", 1951), "Бир аскар тўрвасининг тарихи" ("Abenteuer eines Brotbeutels", 1953), "Почта откриткаси" ("Die Postkarte", 1953), "Доктор Муркенинг сукути" ("Doktor Murkes

gesammeltes Schweigen", 1955), "Ёмон романлардагидек" ("Wie in schlechten Romanen", 1956), "Ирланд кундалиги" ("Irishes Tagebuch", 1957), "Тутқич бермаслар" ("Die Spurlosen", 1957), "Тўққиз яримдаги биллиард" ("Billiard um halbzehn", 1959), каби турли жанрларда ёзилган машҳур асарлари фикриётнинг далилидир. Ёзувчининг асарлари худди Борхертнинг асарлари қисқа, лекин мазмундор. Ҳайнрих Бёлл қалами ўткир ёзувчи бўлганга қарамай, боис ҳам уни радиога ишга таклиф қилишган. Ёзувчининг радио мухобирлиги жуда кўп эди.

1953-йилда Ҳайнрих Бёлл ёзган "Бир сўз демади" ("Und sagte kein einziges Wort") романида Богнер жуда ҳам камбағалиқдан тўйган, лекин яхшироқроқ шаш учун курашишга ҳам иштиёқи йўқ одам сифатида тасвирланади. Ёзувчининг романи учун ҳам у уйини, оиласини ташлаб кетиб қолади. У кетгандан сўнгги фикриёт қаси барча қийинчиликларни ўз бўйнига олиб, рўзгор тебратиш ва бошқаруви тарбияси билан ёлғиз ўзи шуғулланишга мажбур бўлади.

50-йилларнинг ўрталарига келиб Ҳайнрих Бёлл асарлари бутун дунёга буйлаб тарқала бошлайди. 1951-йил 1-майда халқаро анжуманда у ўзининг 1949-йилда ёзилган "Die schwarzen Scharfen" ("Қора тўда ёхуд яшириқ ҳарбий отряд") номли хикоясини ўқиб беради ва бу уни машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлади. У мазкур хикояси учун "47-йиллар гуруҳи" мукофотиغا сазовор бўлади.

1954-йилда Бёлл Германия ёзувчилар РЕИ клуби президенти сифатида фаоллик ўрса олган.

1971-йилда Бёлл билан тушилган гуруҳ портрети ("Gruppenbild mit Dame", 1971) учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлди.

1974-йилда Бёллнинг ҳозирги кунда ҳам ўз машҳурлиги ва долзарблигини йўқотмаган Катарина Блум ҳақидаги асари 30 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Шунингдек, 2007-йилгача фақат Германиянинг ўзида 6 миллион китобхон мазкур китобни харид қилган. "Аёллар дарё манзаралари олдида" ("Frauen vor Flusslandschaft", 1985) адибнинг китобхонларга манзур бўлган сўнги асаридир.

Хайрлашув

Поезд ҳали жўнаб кетмаганлиги учун, аллақачон хайрлашган бўлсак-да, ҳали ажралишга улгурмагандик, худди ўша бир пайтлардагидек иккимиз ҳам тушқун кайфиятда эдик. Барча усти ёпиқ вокзал зали каби бу ерни ҳам расво, икки томони очиқ, нафасни бўғадиган димлик, тушуниб бўлмас овозлар ва вагонлар шовқини қамраб олганди. Шарлотта уни роса койишларига қарамасдан, одамлар билан лиқ тўла купенинг даҳлизида, узун йўлакнинг дарчаси ёнида тиқилинча туртиниб-суртиниб турар, нимадир демоқчи бўлар, аммо журъат эта олмас, ҳаётимизнинг шу энг сўнгги қадрли лаҳзаларида ҳам қанчалик имо қилмай, доимгидек бир-биримизни тушуна олмасдик,

- Ажойиб, - дедим учинчи бор: - ёнимга келганинг ростдан ҳам ажойиб.
 - Мен сендан бир нарсани сўрамоқчийдим, қаердан биз бир-биримизни шунчалар таниймиз. Ўн беш йилдан буён-а?
 - Ҳа, албатта, биз ҳозир ўтгиз ёшдамиз, шунга қарамай, сабаб йўқ,
 - Бас қил, илтимос сендан. Ҳа, биз ҳозир ўтгиздамиз. Худди рус инқилоби бўлган вақт қатори...
 - Тартибсизлик ва оч-ночорлик йиллари қатори,
 - Бирозгина ёшроқ...
 - Гапинг тўғри, биз анчайин ёшроқ эдик...
- Шарлотта кулди.
- Нимадир дедингми... - сўради у бироз асабий, чунки ортидан оғир бир чемодан уни туртиб юборганди...
 - Йўқ, оёғим эди.
 - Сени бу ерда, яна бирор юмушинг борми?
 - Ҳа, бироз...майда-чуйда, кундалик юмушлар..., ўтган-кетган рота пичинг отяпти.
 - Ҳали шундай тураверасанми?
 - Ҳа, - аслида уни севишимни айтмоқчи эдим, лекин буни ўн беш йилдан буён айта олмайман.
 - Нима?
 - Ҳеч нарса... Швеция, демак сен Швецияга кетяпсан...
 - Ҳа, бироз уяляпман, аслида бу иккаламизнинг ҳаётимиз, тартибсизлик, эски-туски кийим ва хароба уйлар... Мен ўзимни кўримсиз деб ўйлаганим сари уялиб кетяпман,
 - Бемаъни гапларни қўй, сен ҳар ҳолда шу ерликсан, Швецияга кетаётган-

нингдан хурсанд бўл ,

- Баъзан хурсанд бўламан ҳам, у ерда тамадди жудаям зўр бўлиши мумкин, ва бошқа ҳеч нарса, ҳеч нарса. Бу ҳақда у жудаям завқланиб ёзарди...

Ҳозиргина поездлар қачон жўнаб кетишини такрор-такрор айтадиган овоз платформага яқинлашишни эълон қилди, мен қўрқиб кетдим, лекин бу ҳали менинг хайрлашадиган поездим эмас эди. Фақат Роттердамдан Базелга жўнайдиган халқаро поезд эълон қилинди. Мен эса Шарлоттанинг миттигина, нозик чехрасига термулиб турганимда, димоғимга совун ва қаҳванинг ҳиди келгандек туюлди, ўзимни жудаям ёмон ҳис қилдим. Бир лаҳза ўзимда бу миттигина вужудни шахт билан деразадан тортиб олиб, шу ерда олиб қолишга бўлган шубҳали журъатни ҳис қилдим, у меники, ҳар ҳолда, уни севардим, шубҳасиз ,

- Нимадир дедингми?

- Ҳеч нарса, - дедим мен - Швециядан хурсанд бўлавер,

- Ҳа. Ундаги қувват жуда зўр, сен ҳам шундай деб ҳисоблайсан шекилли? Россияда уч йил тутқинликда бўлган, саргузаштларга бой қочиш, айна дамда уни Рубенс¹ ҳақида бир нималар ўқиб ўтирибди деб ўйлайман...

- Ҳа ундаги жасорат зўр, ростданам зўр,

- Сен ҳам нимадир қилишинг керак, ҳеч бўлмаса илмий иш ёқлагин...

- Чакагингни ёп!

- Нима? - қўрқиб кетиб сўради: - Нима дединг? - ранги бўздек оқариб кетди Шарлоттанинг.

- Узр, - пичирладим мен: - оёқни назарда тутгандим, мен баъзан у билан гаплашиб тураман...

Шарлотта, умуман, Рубенснинг нафис хонимларига эмас, Пикассонинг² суратларидаги дуркун аёлларга ўхшарди, мен эса доим ўзимдан бу эркак нима учун унга уйланмоқчи бўлганини сўрардим. Шу ўйнинг ўзиёқ юрагимнинг бир парчасини суғуриб олгандек бўлди. У бир пайтлар ҳурлиқо эмас эди, лекин мен уни севардим. Платформа тинчиб қолди, ҳамма келиб жойлашиб бўлди, фақатгина ҳамон хайрлашмоқчи бўлган одамлар кўнгил узолмай айланиб туришарди. Ҳар сонияда поезд жўнашини айтаётган овоз янграрди. Ҳар бир лаҳза сўнгиси бўлиши мумкин...

- Сен ҳар ҳолда нима биландир жиддий шуғулланишинг керак, бунақаси кетмайди.

- Йўқ, - дедим мен.

У Рубенснинг мутлақо акси: дуркун бўлсада латофатли, оёқлари узун, тез жаҳди чиқадиган ва ёши Россия инқилоби бўлган йилга тенг, Европада

¹ Рубенс Питер Пауэлл - фламанд рассоми. Озгин аёллар портретини чизган.

² Пабло Пикассо - француз рассоми. Дуркун (семиз) аёллар портретини чизган

бўлган очлик ва бетартиблик қатори, ҳамда уруш...

- Мен ҳануз бунга ишона олмайман... Швеция... у гуёки туш...

- Ҳа, ҳаммаси туш.

- Шундай деб ўйлайсанми?

- Албатта. Ўн беш йил. Ўттиз йил!... Яна ўттиз йил. Нима учун илмий иш ёқлаш керак, кераги йўқ.

Жим бўл, лаънати!

- Яна оёғинг билан гаплашяпсанми?

- Ҳа.

- У нима деяпти?

- Эшитиб кўр.

Бир сония жим бўлиб қолдик ва кўз қорачиғларимизда кулимсираб қўйдик, шу жилмайиш ортида ширин тўйгуларимизни сўзсиз бир-биримизга изҳор этгандик гуё.

У табассум ила менга деди:

- Энди тушуняпсанми? Ҳаммаси жойидами?

- Ҳа... ҳа.

- Ростдан-а?

- Ҳа, албатта.

- Кўряпсанми? - оҳиста узоқлашди у: - бу мутлақо бирга бўлиш эмас, бу ҳаммаси эмас, тўғрими?

Поездлар қачон жўнаб кетишини айтган овоз аниқ менга қаратилган эди, мен эса платформага катта шлагбаум тушгач сесканиб кетдим.

- Хайр!

- Хайр!

Поезд секин йўлга тушди ва улкан платформа қоронғусида узоқлашиб мен севган аёлни олисларга олиб кетди.

Немис тилидан Шаҳноза Қувонова таржимаси.





Мерй Элеанор Уилкинс Фримен 1852 йил 31 октябр 1930 йил 13 мартда Нью-Жерсейда яшаб ижод қилган машхур 19 аср Америка ёзувчиси. У ўспиринлик давриданоқ онасига ёрдам бериш мақсадида болалар уйун хикоя ва шеърлар ёза бошлади ва тезлик билан машхурликка эришди. Унинг машхур хикоялар тўплами "Янги Англия роҳибаси ва бошқа хикоялар" (1891) бўлиб, айнан "Янги Англия роҳибаси" хикояси Янги Англия ҳаёт тарзи ва ундаги аёлларнинг ўрнини яққол кўрсатиб бефа олган.

У Метушен, Нью-Жерсейда 77 ёшида юрак хуружидан вафот этган.

Yangi Angliya rohibasi

Туш пайти. Жазирама ҳаво тафти пасаяётган эди. Дарахт соялари эса ўзига қараганда анча катта кўринарди. Узоқ-узоқларда сигирларнинг маъраши эшитиларди, кичик қўнғироқнинг жиринглаши, ферма ток машинасининг чанг-тўзон ичида у ёқдан - бу ёққа ўтиши, елкаларигача тушиб турган кенг гардишли шляпа кийган ҳаворанг кўйлақдаги ишчилар шаҳдам қадам ташлаб юришарди ва ҳатто, чивинлар ҳам гуж-гуж бўлиб кишиларнинг юзларига қўнарди. Ҳар бир киши негадир қаергадир шошарди.

Бу ҳолатдан Луиза ҳам четда қолмаган эди. У куни билан меҳмонхона деразаси қаршисида ўз тикиш машинасида ишлади. Сўнгра у эҳтиёткорлик билан игнага ипни ўтказди, газламани тахлади ва мокини, ипни ва қайчини тикиш саватчасига жойлади. Луиза Эллис ҳаётида ҳеч қачон бу аёл зотига тегишли бўлган анжомларини ишлатиб бўлгач нотўғри жойлаштириганини эслай олмайди.

Луиза яшил фартугини белига боғлади ва яшил тасмали похол шляпасини кийиб хонасидан чиқди. Кейин чой ичиш учун қўлига ҳаворанг сопол идишни олиб, маймунжон териш мақсадидабоққа кирди. Уларни териш тозалади, қолдиқларини эҳтиёткорлик билан фартугига солди ва товўқхонага ташлади.

Одатда Луизанинг харакатлари жуда секин эди ва шунинг учун оддий чой

тайёрлашига ҳамузоқ вақт кетди ва чой тайёр бўлгач, у азиз меҳмонини кутаётгандек ўтирарди. Кичкина тўртбурчак стол хона ўртасида турар ва унга крахмалланган дастурхон тўшалганди. Луизанинг чой ташиладиган патнисида чой қошиқлар билан тўла бўлган стакан, қаймоқ идиши, қанд солинадиган хитой идиши, пиёла ва ликопчалар бор эди. У қўшниларида бўлмаган хитой чиннилари хар куни ишлатарди, қўшнилари эса бу ҳақда тез-тез ишга қилиб туришарди. Чунки улар кунлик эҳтиёжлари учун сопол идишлардан фойдаланишарди. Луиза Эллис бой эмасди, аммо уларга нисбатан ўзига тўқ яшарди. У кечки овқатга маймунжон мураббоси, кичкинагина торт ва печеньеелар истеъмол қиларди. Шунингдек, у мевали-салатни жуда хуш кўрарди, боғидаги маймунжонлардан салат тайёрларди.

Чойдан сўнг у ликопчага яхши пишган юпқа жўхори нонини солиб ҳовлининг орқа томонига олиб борди.

"Сезар, Сезар", деб у итини чақирди.

Оқ-сарик тусдаги занжирбанд ит ўзининг кичкина уйи эшиги олдида пайдо бўлди. Луиза уни эркалаб силади ва нонларниерди. Кейин у уйига қайтиб хитой чиннисидан ясалган чой идишларини эҳтиёткорлик билан ювди.

Агрофга сукунат чўқди; очик деразадан қурбақаларнинг жўр бўлиб қуруллаши баланд эшитилиб жимликни бузарди. Луиза ўзининг яшил ҳошияли фартукини ечиб чироқни ёқди ва тикиш қилиш учун машинаси ёнига ўтирди.

Тахминан ярим соатлардан сўнг Жо Даггет кириб келди. Луиза унинг оғир қадам товушларини эшитиб қаршилаш учун ҳозирланди.

У хонага кирганида унинг борлиги хонани тўлдиргандек эди. Кичкинагина сарғиш қуш ўзининг яшил рангли қафасида ётарди ва қачонки Жо Даггет келганида у доим қанотларини ёзиб қафаснинг у ёқ - бу ёғига ўзини урарди.

- "Салом", деди Луиза самимият билан қўлини узатиб.

- "Салом Луиза", деди у баланд овозда.

Луиза унга стул қўйиб берди ва улар юзма-юз ўтиришди. Жо Дагге тоёқларини стул тагига чўзиб узатди ва хонага назар ташлади. Луиза одатда ўзининг нозик бармоқларини тиззаларига қўйганча ўтирарди.

"Ажойиб кун бўлди", сўз бошлади Даггет.

"Ҳақиқатдан ҳам ёқимли", деди Луиза мулойимлик билан. "Ўримда эдингизми?" сўради у, бир оздан сўнг.

"Ҳа, мен кун бўйи 10 акр дан кўпроқ ўрдим, иссиқда қийин"

"Бўлиши мумкин"

"Ҳа, бундай қуёшли иссиқ кунда жуда қийин"

"Онангизяхшими"

"Ҳа, анча яхши"

"Лили у киши биландир эҳтимол"

Даггет қизарди. "Ҳа, у доимо онам билан", жавоб берди секингина.

Даггет унчалик ёш эмас эди, аммо унинг япалоқ юзида ёш йигитларни-

кидек кўриниш бор эди. Луиза ҳам унчалик ёш бўлмаса-да юзидан хотир-жамлик барқ уриб турарди.

"Менимча у онангизга кўп ёрдам берса керак", деди у, шу топда.

"Мен ҳам шундай деб ўйлайман, онам усиз қандай ҳаёт кечирар экан", деди Даггет хозиржавоблик билан.

"У ҳақиқатдан ҳам ақлли, гўзал қиз", шаъма қилди Луиза.

"Ҳа"

Шу сонияда Даггет стол устидаги китобларни кўриб чиқа бошлади. Столдаги муаллиф дасхати туширилган қизил альбом ва ёш хонимга совға қилинган китоблар Луизанинг онасига тегишли эди. Даггет уларни бирин-кетин кўздан кечириб яна олдингидек тахлади, аммо совға қилинган китоб альбом тагида эди. Луиза бу ҳолатга бошқача қараб қўйди. Ниҳоят Луиза ўрнидан туриб альбомни китоб остига қўйди, улар энди олдингидек ҳолатда эди.

Даггет истехзоли кулди. "Бунинг фарқи нимада?" сўради у.

Луиза унга эътирозли табассум қилиб "Мен уларни ҳар доим шундай ҳолатда сақлайман", деди.

"Сен ҳамма нарсани яхши тутасан", деди Даггет ва яна кулди. Унинг япалоқ юзи қизариб кетди. Уларбир соат чамаси ўтиришди ва Даггет тўсатдан кетишга ҳозирланди. Ташқарига чиқаётиб у гиламчага қоқилиб кетди ва ўзини тартибга сола бошлади, лекин шу тобда у Луизанинг тикиш саватчасига тегиб кетди, нарсалар пол устига сочилди.

У Луизага қаради, кейин эса думалаб кетган ипларгақарадива ўзини улар қаршисида ноқулай сизди. Луиза уни тўхтатди: "Ҳечқиси йуқ, кетганингиздан кейин уларни ўзим йиғиштириб оламан".

У буни мулойимлик билан айтди. Аммо унинг ишига халақит бергани асабига таъсир қилган бўлсада, у буни билдирмасликка ҳаракат қилди.

Даггет ташқарига чиқиб сокин оқшомнинг мусаффо ҳавосидан енгил тин олди ва ширин орзулар оғушида ўз хаёллари билан банд бўлди.

Луиза ҳам у кетгач ўз машгулотларини давом эттирмоқчи бўлди.

У фартугининг ипини боғлади ва сочилиб кетган нарсаларни иш саватчасига солиб, гиламчани тўғирлади. У лампа билан пол устидаги гиламчани текшириб чиқа бошлади.

"У кўп тупроқни ўзи билан олиб кирдида", шивирлади Луиза ва чанг тозалагич билан Даггетнинг изларини обдон тозалаб чиқди.

Агар у келганида бу ҳақда билган бўларди ва унинг қийинчиликлари тобора ортган бўларди. Даггет Луизани кўриш илинжида бот-бот келиб турар эди. У Луизанинг шинамгина хонасида ўтирганида ҳаяжондан бесунақай оёқларини нимагадир тегиб кетишидан ҳадиксираб турарди.

Луиза унинг бардошлилигини, садоқатини ҳурмат қиларди. Улар 15 йил мобайнидаги турли машаққатлардан сўнг бир ой ичида турмуш қуришлари керак эди. Шу ўн тўрт - ўн беш йил ичида иккаласи кўришишмасди, фақат баъзан хат ёзишарди. Даггет ўша йилларда пул ишлаш учун Австралияга кетган эди. У ердан заиф ва оёқлари оқсоқланиб юрадиган бўлиб

қайтиб келди.

Аммо тақдир уни уйга қайтишга, уни бардош ва сабот билан кутаётган аёл ёнига қайтишга ундарди.

Қисқагина маросимдан сўнг у Луизага турмуш қуришларидан олдин дала ишлари билан машғул бўлишини маълум қилди. Луиза узоқ йиллар саёҳатга кетган маъшуқини жон-қулоғи билан тинглар ва унга розилик беришга ошиқар эди. У уни ўпиб хайрлашди.

"Узоққа чўзилмайди" деди Даггет хириллаб, бу унинг ўн беш йилдан сўнгги жавоби эди.

Шу узоқ муддат ичида кўп воқеалар содир бўлди. Луизанинг онаси ва акаси вафот этди, у ёлғиз қолди.

Даггетнинг уйга қайтиши дастлаб Луизани ларзага солган бўлсада у буни тан олмасди ва ҳатто буни тушида ҳам кўрмаган эди. Ўн беш йил илгари Луиза уни севиб қолган эди. Аммо ўша пайтда у қизларга ҳос андиша билан буни ошкор этмаган эди. У онасининг шу мавзудаги суҳбатларини вазминлик билан эшитарди. Даггет ўзини таништирганда у қизига буни ширинсуханлик билан айтганди ва Луиза ҳеч иккиланмасдан таклифни қабул этганди. Даггет унинг биринчи муҳаббати эди. Луиза у билан айнан шу йиллар мобайнида самимий муносабатда бўлди. У бошқа кишига турмушга чиқишни хаёлига ҳам келтирмасди.

У Даггетнинг қайтишини сабрсизлик билан кутарди. Даггет Луизага олдингидек завқ ила қараб турди. У ҳамон жозибали, мулойим эди. Даггетга келсак, бахт излаб кетиб яна қайтиб келганди. У куйлаган қўшиқлар шамоллардек эсиб бўлган эди. Унинг хаёли фақат Луизада эди. Луиза унинг илтижоли боқишларига қараб ўрнидан туриб кетди ва тўй либосларини тикишга киришди.

Даггет ҳам ўз уйи хусусида қандайдир ўзгариш содир бўлишини ҳис этиб турарди. Даггет кўҳна ферма келин-куёвлар учун мос эмас деб ўйларди, ўз навбатида онаси ҳам уни ташлаб кетишига монелик қиларди. Луиза ҳар эрталаб ўзининг мўъжазгина ҳовлиси узра кезиб қадрдон дугоналарини ташлаб кетаётгандек туюларди. У ўзининг бахтидан маҳрум бўлиб яна ёлғиз қолишдан чўчирди.

Унинг хаёлида ҳашаматли уй, вақтичоғлик ва бунинг акси бўлган Даггетнинг онасининг қаҳри қаттиқлиги, унинг ожиз заиф бўлиб қолган сиймоси кутарди. Кексаларнинг таъбирича Луиза қишлоқ анъаналарига монанд бўлиши, ўйлаб сарф қиладиган, бир хизматкор қиладиган ишдан кўпроқ югуриб – елиши жоизлигини ўғлига уқтирган эди. Шуларни хаёлидан ўтказиб Луиза бир сония жим қолди ва атиргуллардан анқиётган хушбўй ҳидлар, қалампирмунчоқ, ялпиз, сада райҳон ҳидлари унинг ҳаёлларини тарқатиб юборди. Секин-секин у "қўлимдан келадиганини қилманда" деб фикрлади. У ҳолда Даггетни онаси буни аҳмоқлик деб ўйлаши мумкин эди. У аллақачон бу масала юзасидан ўз фикрини айтиб қўйганди. Луиза чойшабга гул тикишни доимий машғулот сифатида эмас, балки

бўш вақтларида эрмак қилиб завқланиш учун хуш кўрарди. У тикилган чокларни қайта-қайта сўтиб тикишдан эринмасди. У кундузлари дераза ёнида узоқ ўтириб нафис мато узра назокат билан игна юргизганда кўнглида чексиз фароғат ҳис қиларди. Лекин келажакда бу маънисиз машгулот билан шуғулланишнинг деярли имконияти йўқ эди. Даггетнинг онаси сўзини ўтказадиган , фаҳм-фаросатли , эски хўжалик бекаси, ҳатто ёши улуг бўлишига қарамай Даггетнинг ўзи ҳам ҳақиқий эркакларга хос чапани феъл эгаси эди. Луизанинг юқорида айтиб ўтилганга ўхшаш ғалати қилиқлари устидан кулишар, баъзида қовоқларини уюшарди.

Луиза ёлғиз ўзи истиқомат қиладиган уйини серғайрат ижодкордек саранжом - саришта, батартиб сақлашга ўрганганди. У дераза ойна ва ромларини шу қадар ялтиратиб тозалардики, улар қимматбаҳо тошлардек жилоланар ва қиздан фахрланиб чуқур мамнуният ҳис қиларди. У хушбўй лаванда ва қуритилган дала гуллари ва озодалик билан тахланган ғаладонли жавонга мулойим кўз қирини ташлади. У бу хонадонга бир кун келиб эркак киши яшаши мумкинлигини ҳаёлига келтириб, бир сесканиб тушди, чунки узоқ йиллар давомида осойишталик, қатъий тартиб ўрнатилган маскан эркак зоти туфайли чанг-ғубор, чиқинди ва тартибсизлик ҳукм сурадиган жойга айланиши аён эди. Унинг кўнглини хира қиладиган ташвишлардан яна бири ити Сезар билан боғлиқ эди. Сезар ҳақиқий тарки дунё қилган ит эди. Умрининг асосий қисмини юввош итлардек ўзининг кичкина кулбасида ёлғиз ўтказган , жамиятдан узоқда , итларга хос завқли машгулотлар билан банд бўлганди. У кичкиналигидан бошқа итлардек хоҳлаган жойида санғиб юрмаган, суяк излаб қўшнининг ошхонаси эшиги олдида ўралашиб юрмасди. Унинг ҳар доим боғлоғлик туришига сабаб , кичкина кучукчалик пайтида қилган бир гуноҳи туфайли эди. Лекин у бунда кўнглида виждон азоби ёки пушаймонликни сезмасди. Қари Сезар камдан-кам ҳолларда овозини кўтариб ирилларди ёки ҳурарди, у семиз ва уйқучи эди: унинг хираланиб қолган кўзлари остида кўзойнакка ўхшаш сариқ халқалар бор эди. Бундан ташқари итнинг ўткир, соғлом тишлари бўлиб, бу тишлар 14 йил илгари қўшнилاردан бирининг қўлига муҳрланиб қолганди. Жароҳатдан қаттиқ азобланган қўшни унинг бир умр занжирбанд қилинишини акс ҳолда уни ўлдирилишни талаб қилган эди. Мана 14 йилдирки, ит ўзининг асл эгаси Луизанинг акаси қурган ёғоч хужрада боғланган ҳолда сақланади. Акасининг ўлиmidан сўнг итни Луиза қаттиққўл соқчидек маҳбусликда асрарди.

У ўзининг чекланган ҳуқуқлари туфайли ғурурланиб кетиши шубҳали эди, аммо унинг арзимас обрў-эътиборга эга эканлиги аниқ эди. У қишлоқдаги барча болалар ва кўпчилик катталар томонидан ваҳший махлуқ сифатида тан олинган. Афсоналардаги авлиё Жоржнинг аждаҳоси ёвузликда Луиза Эллиснинг машҳур қари сариқ итига зўрға бас келиши мумкин эди. Оналар болаларига итнинг ёнига яқинлашмасликларини тайинлаб жиддий огоҳлантиришарди, болалар буни эшитиб даҳшатли ваҳимадан қалтирай бошлардилар ва қўрқинчли итнинг олд ва орқа томонидан қўрқа

-писа назар ташлаб Луизанинг уйи олдидан сездирмасдан чошиб ўтардилар. Агар ит хириллаб вовулласа ваҳима кўтариларди, занжирга маҳкам боғланган бўлса Луизанинг ҳовлиси ёнидан ўтувчилар итга қўрқув билан назар ташлардилар. Кўпинча Сезар оддий бир итдек кўринарди ва занжирланганда ҳеч кимнинг эътиборини тортмасди, гавдаси эса баҳайбат ва қўрқинчли кўринарди. Зийрак ва ҳазилкаш Жо Даггет итга одатдагидек қарарди. У дадиллик билан катта-катта қадам ташлаб итга яқинлашди. Луизанинг огоҳлантириш ва тўхтатишига қарамай у итнинг олдига борди ва унинг бошини силади. Буни кўриб Луиза шу қадар қўрқиб кетдики, анча нарида туриб ўз фикрини билдирди: "Шаҳарда бундан яхшироқ ит йўқ. Уни бир умр занжирбанд қилиб қўйиш шавқатсизлик. Бирор кун мен униайлантиришга олиб чиқмоқчиман".

Лекин Луиза яқин орада бу ниятини амалга ошира олмаслигини кўнгли сезарди. У сокин ва ҳимоясиз қишлоқ кўчаларида қаҳр билан бораётган Сезарни кўз олдига келтирди. У итнинг йулида учраган бегуноҳ жароҳатланган болаларни тасаввур қилди. Луиза қари итини жуда яхши кўрарди. Чунки ит унинг марҳум акасига тегишли эди ва у қизга ҳеч қандай хавф солмасада, Луиза итнинг қопоғонлигига ишончи комил эди. У доим одамлардан итнинг ёнига бормасликларини сўрарди. Қиз итини юмшоқ маккажўхори дончалари ва ширин кулчалар билан боқарди; лекин ҳеч қачон қонли хом гўшт ва суяк бериб итнинг қонини қайнатиб, хавфли ҳулқатворини қўзғатишни хоҳламасди. Луиза итнинг оддий озуқани ейишини кузатиб, яқинлашиб келаётган оилавий ҳаёти ҳақида ўйлаб ҳаяжонланиб кетди. Тартибсизлик, пала-партиш, сергалва ҳаёт кечиришни ёқтирмаслиги, тинчлик ва осудаликка ўрганиб қолганлиги, қопоғон ити Сезарданҳар доим ҳавотирда эканлиги, миттигина сариқ канарейкасини қаровсиз қолдирмаслик ҳақида қайғуриб юриши, буларнинг барчаси уни ҳеч ким деб ҳисоблаш учун етарли сабаб бўлолмасди. Жо Даггет Луизани севарди ва бир неча йиллардан бери унинг хизматини қиларди. Кўп кўргуликларни бошидан ўтказган бўлишига қарамасдан, унинг севгиси ҳақиқий эканми ёки акси эканлигини исботлаб йигитнинг юрагини парчалаш Луизанинг қўлидан келмасди. У ҳозир тўй кўйлагига нафис чоклар ила гул тикиш билан банд эди. У бир ҳафтадан бери шу иш билан машғул бўлди. Бугун сешанба оқшоми, тўй эса келаси чоршанбага белгиланганди.

Ўша тун ой тўлган маҳал эди. Кечаси соат тўққизлар чамаси Луиза оёғини чигалини ёйиш учун йўл бўйлаб бир оз сайр қилди. Йўлнинг икки томони ҳам экин экилган далалар бўлиб, пасмак тош девор билан тўсилганди. Деворнинг нариги томонида ям-яшил серҳосил дарахтлар, ёввойи олхўри, олма ва ҳар хил буталар ўсиб ётарди. Луиза бир нафас тин олиш учунпасмак девор устига ўтирди, ўй-ҳаёлларига берилиб атрофни жимгина кузатди. Яшил мевали узун буталар ўсган дала, бир - бирига чатишиб кетган маймунжон, қорағат каби меваларнинг майин новдалари унга боғнинг нариги томонидан пана қилиб турарди. У буталар ва дарахт новдалари чирмашиб кетган, ҳамма томони тўсилган жойда ўтирарди. Йўлнинг

нариги томонида , қизнинг рўпарасида тарвақайлаб ўсган дарахт шохлари орасидан ойнанинг ёруғ нурлари остида япроқлар кумушдек товланарди; ҳаво қандайдир сирли ёқимликка тўла эди. "Наҳотки бу ёввойи узум бўлса?" - "шивирлади Луиза. У бир оз вақт шу ерда ўтирди. У энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турганди, тўсатдан яқинлашиб келаётган қадам товушларини ва паст овозларни эшитиб нафасини ичига ютди. Бу хилват жой уни қўрқувга солаётганди. У бу одамлар ўтиб кетгунча, жимгина пана жойда қимирламай ўтиришга қарор қилди.

Бироқ қадам товушлари ва овоз ҳам айнан у ўтирган жойга келиб тўхтади. У овоз эгалари ҳам шу девор ортига келиб ўтирганларини тушунди. Қиз эндигина қандай қилиб сездирмасдан, секингина туриб кетишни ўйлаб турганда, сукунатни эркак кишининг товуши бузди. Бу Жо Даггетнинг овози эди. Қиз жойида жим бўлиб қолиб тинглади.

Олдин оғир хўрсиниш, кейин ўша унга яхши таниш бўлган овоз янгради. "Хўш", - деди Даггет: "ундай бўлса бир қарорга келибсанда, шундайми?"

"Ҳа", - жавоб қайтарди бошқа бир овоз : "эртадан кейин жўнаб кетяпман"

"Бу Лили Даер", - ўзича ўйлади Луиза. Овоз унга эгасини аниқ эслатди. У ҳаёлида овоз эгасини жонлантди. У ой ёруғида баланд бўйли, оқ юзли , сарвқомат, қатъиятли, қалин сариқ сочлари маҳкам қилиб ўрилган қизни кўрди. Бу қиз қишлоқ қизларига хос куч-ғайратга тўла, айни гуллаган ёшда бўлиб, худди маликаларга хос гўзаллик ва жозибага эга эди. Лили Даер бутун қишлоқ аҳлини ўзига мафтун этганди. Унда кишини лол қолдирадиган сифатлар бор эди. У мафтункор, келишган, оқила қиз эди. Луиза у ҳақдаги мақтовларни тез-тез эшитиб турарди.

"Жуда соз", деди Даггет: "айтадиган сўз қолмади.

"Сизнинг нима қилмоқчилигингизни мен ҳам билмайман", жавоб қайтарди Лили Даер.

"Айтадиган сўз йўқ", такрорлади Даггет гапларини чўзиб. Орага бир озжимлик чўқди. "Уэр", деди у ниҳоят, : "бу кеча содир бўлган эди. Мен ортиқ ҳеч нарса қилолмайман. Мен келгуси ҳафта уйланыпман. Мени ўн тўрт йил кутган аёлнинг юрагини пора-пора қилмоқчи эмасман".

"Агар сиз унга уйланаман, деб ваъда берсангиз, мен сизни қабул қила олмайман", деди қиз ўзида куч топиб.

"Мен сенга имконият беролмайман ва ишонолмайман"

"Жо Даггет сиз шуни билингки, виждоним олдида онт ичаман мен бошқа бир кишига кўнги қўя олмайман"

"Яхши, мен ҳам бошқа қизнинг юрагини асир этолмайман", деди у ўз навбатида.

Уларнинг овозларидан бир-бирларидан ачиқланганликлари кўриниб турарди. Луиза эса уни жон қулоғи билан тингларди.

"Кечирасан, сен кетишингни сезиб турибсан. Яхши йул шу"

"Албатта яхши. Бизнинг мақсадимиз битта"

"Сен ҳақсан, деб ўйлайман". Тўсатдан Дагдетнинг овози юмшади: "Қулоқ сол Лили. Менинг ишларим юришиб кетади, сен бундан хавотир олма"

"Мен хавотирланмайман, айниқса уйланадиган кишидан". Тўсатдан унинг овозидаоҳанг ўзгарди. У майин, тиниқ овозда гапирди. "Йўқ, Жо Дагдет", деди у: "мен ҳеч қачон сиздан бошқага турмушга чиқмайман. Менинг эс ҳушим жойида. Мен сиз ўйлаган бемаъни қизлардан эмасман"

Луиза буталар орасидан ҳис-ҳаяжон, энтикишларни эшитиб турарди. Лили яна гапирарди: "Нуқта қўйишимиз керак, биз бу ерда узоқ ўтирдик, мен кетаман".

Луиза у ерда ҳайратдан лол қолиб ўтирарди. Бир оздан сўнг у ўрнидан турди ва уйи томон йул олди. Эртанги куни у майда-чуйда ишларини қилди, аммот ўй кўйлагини тикмади. У дераза ёнига ўтирди ва чуқур ўйга толди. Кечки пайт Дагдет келди. Луиза Элис ҳеч қачон ўзида хотин-қизларга ҳос самимият, назокат мавжуд эмас деб ўйларди ва унинг қалбига озор беришдан кўрқарди. Улар бир-бирларини тушунишарди.

У ҳеч қачон Лили Даерни унга эслатмасди ва бунга асос ҳам йўқ эди.

"Луиза, мен ҳеч қачон афсусланмайман", деди Дагдет: "эҳтимол танлаганим шудир, мен оламдан ўтган кунимгача сенга содиқлигимча қоламан. Буни ўзинг ҳам биласан".

"Ҳа", деди у.

Ўша тунда у ва Дагдет узоқ кутган айрилиқ ҳиссиётини бажо келтиришди. Эшик ёнида туриб, бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисиб узоқ хотиралардан ҳалосбўлишди.

"Луиза, ҳамма нарса тугади", деди Дагдет.

Луиза бошини чайқади. Унинг юзида ларзага соладиган титроқ пайдо бўлди. "Агар бирор нарса юз берса менга хабар бер. Мен сени ҳеч қачон унутмайман", деди Дагдет ва у қизни ўпиб, сўқмоқ йул бўйлаб кетди.

Ўша тунда ёлғиз қолган Луиза бир оз йиғлади, аммо кейинги куни эрталаб у хаёллардан халос бўлиш учун қаддини ғоз тутиб юрарди. Ўзини кичкина ўт-ўланлар ичида, томи қор босган кулбасида Сезар қаҳр билан ётарди. Кичкина сариқ қушча ўзининг қафасида тун сокинлигидан уйғонгиси келмасди. Тушда Луиза дераза ёнида ўзининг тикиш ишлари билан машғул бўлди. Лили Даер уйи ёнидан қаддини ғоз тутиб ўтиб кетаётганида унинг ҳатто жазаваси ҳам тутмади. Ҳаётда осойишталик, вазминлик унга туғма қобилиятдек берилган эди. Луиза ўзининг у билан бирга ўтказган кунларини, бегубор онларини кўнглидан бирин-кетин ўтказди ва мамнун бўлди. Ташқарида ёзнинг жазирамасида кишиларнинг қийқириқлари, қушларнинг сайраши, ариларнинг гўнғиллаши эшитиларди. Луиза черков роҳибаси бўлиб ўзининг ўтмиш кунларини санаб ибодат қилаётган эди.

Инглиз тилидан Чаросхон Самадова таржимаси.

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

Зафар Рўзиев, Акмал Саидов,	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси. Қашқадарё вилояти ҳоқими. Академик.
Поён Равшанов, Абдурахим Эркаев, Сайфулла Турсунов,	Қарши давлат университетининг профессори. Қарши давлат университетининг профессори. Термиз давлат университети тарих фанлари доктори профессор.
Лазиз Холов,	Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.
Санжар Чориев,	Қарши давлат университетининг профессори.
Гулом Мирзо,	Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, шоир ва таржимон.
Наби Хушвақтов, Улуғбек Олимов,	Амир Темури номидаги Шаҳрисабз моддий маданият тарихи музейи директори. Амир Темури номидаги Шаҳрисабз моддий маданият тарихи музейи бўлим бошлиғи.
Шерзод Искандаров, Дўстмурод Норқулов,	Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси. Тошкент тиббиёт академияси фалсафа фанлари доктори, профессор.
Суҳроб Норқулов,	Тошкент тиббиёт академияси доценти.
Акрам Ҳасанов, Нигора Маҳмудова,	Қарши давлат университети «Тарих» кафедраси мудири. Қарши давлат университетининг "Немис тили ва адабиёти" кафедрасида ўқитувчи.
Шаҳноза Қувонova,	Қарши давлат университетининг «Немис тили ва адабиёти» кафедраси ўқитувчиси.
Тўлқин Худойқулов,	Қарши давлат университети, «Тарих» кафедраси катта ўқитувчиси.
Абдиматлуб Низомов, Чаросхон Самадова,	Кекса педагог. Қарши давлат университетининг магистранти.

**Мақолаларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги
учун муаллифлар масъулдирлар.**